



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 31 » may

№ 319

Toshkent sh.

### Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасыда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тұғрисида” 2023 йил 13 февралдаги ПҚ-54-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласы:

#### 1. Куйидагилар:

электр энергияси истеъмолчилари ва таъминотчи корхоналарнинг хукуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг жавобгарлығы;

электр энергиясini ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш устидан давлат назорати;

истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш тартиби;

электр энергияси учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини назарда тутувчи **Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари** 1-иловага мувофиқ;

табиий газ истеъмолчилари ва таъминотчи корхоналарнинг хукуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг жавобгарлығы;

табиий газга бўлган йиллик эҳтиёжни аниклаш тартиби;

истеъмолчиларни табиий газ тармоқларига улаш тартиби;

табиий газ учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

табиий газдан оқилона, хавфсиз фойдаланиш ва уни нормалашни назарда тутувчи **Табиий газдан фойдаланиш қоидалари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Энергетика вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Ташкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда соҳадаги тегишли ташкилотлар билан биргаликда ушбу қарорнинг оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **З-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “31” майдаги 319-сон қарорига  
1- илова

## Электр энергиясидан фойдаланиш ҚОИДАЛАРИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) электр энергиясини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги талабларни белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**авария режими** – электр энергетика объектларининг ишланиш технологик параметрларининг ягона электр энергетика тизими ишончли ишланишининг издан чиқишига ва истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш чекланишига олиб келиши мумкинлигига йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда четга чикиши;

**блок-станциялар** – истеъмолчиларнинг ягона электр энергетика тизимиға бевосита ёки истеъмолчилар тармоғи орқали уланган ҳамда оператив-диспетчерлик бошқаруви тизимиға кирадиган электр станциялари;

**истеъмолчининг уланган қуввати** – истеъмолчининг электр энергиясини ишчи кучланишга айлантирувчи трансформаторларининг ва 1000 В дан юқори кучланишли электр двигателларнинг электр тармоқларига уланган жами қуввати. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари тармоқ трансформаторлардан ёки худудий электр тармоқлари корхоналарининг (кейинги ўринларда – ҲЭТК) паст кучланишли тармоқларидан таъминланганда, истеъмолчининг уланган қуввати учун фойдаланишга рухсат этилган қувват қабул қилинади, унинг микдори ҲЭТК томонидан белгиланади ҳамда электр таъминоти шартномасида кўрсатилади;

**кўрсаткичларни назорат тартибида текшириш (айланиб чиқиш)** – ҲЭТКнинг ваколатли шахси томонидан ҳисоблагичдан электр энергиясининг ҳақиқий сарфи кўрсаткичларини олиш ва ўрнатилган пломбаларнинг бутлигини кўздан кечириш ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли электрон далолатнома расмийлаштирилиб, уни тегишли дастурӣ таъминот базасига киритиш. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – ЭҲНАТ) дастури орқали олинган маълумотлар – айланиб чиқиш деб ҳисобланмайди;

**маиший истеъмолчилар** – электр энергиясидан майший эҳтиёжлар учун фойдаланувчи аҳоли истеъмолчилари;

**майнинг** – турли крипто-активларда янги бирликлар ва комиссия йифимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият;

**махсус тартибга кўра электр энергияси етказиб бериладиган истеъмолчилар** – алоҳида хавфли ҳамда электр энергиясининг узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган узлуксиз технологик жараёнга эга бўлган саноат корхоналари, ҳукумат уйлари (Олий Мажлис Сенати, Конунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва шу кабилар), минтақавий сув қувурлари бошқармалари, иссиқлик ва ичимлик суви билан таъминлаш ташкилотлари, барча ҳуқукни муҳофаза қилиш, ҳарбий қисмлар, шошилинч (реанимация) тиббиёт шифохоналари;

**назорат ҳисоблагичлари** – электр энергияси сарфини назорат қилиш учун фойдаланиладиган ва кўрсаткичлари асосида алоҳида цехлар, технологик линиялар, кўп энергия сарфлайдиган ускуналар ва бир неча оиласлар яшайдиган хонадонлардаги алоҳида бир оила сарфини аниқлаш имконини берадиган ҳисоблаш ускунаси. Ушбу ҳисоблагичлар бўйича ҲЭТК билан пуллик ҳисоб-китоб амалга оширилмайди;

**нооқилона сарфлаш** – электр энергияси сарфини камайтириш имконияти бўла туриб, ушбу имкониятдан фойдаланмасдан электр энергияси сарфланиши, шу жумладан, реактив қувватни компенсация қилмаслик;

**реактив энергиянинг иқтисодий қиймати** – реактив энергиянинг энг мақбул қиймати бўлиб, унинг ошиб кетиши электр энергияси сифатининг ёмонлашувига ва электр таъминоти корхонаси тармоқларида энергия йўқотиш ортишига олиб келади;

**реактив энергияси** – электромагнит майдон ҳосил қилиш учун сарфланадиган энергия. Реактив энергия товар ҳисобланмайди;

**Регулятор** – Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги;

**самарасиз сарфлаш** – электр курилмаларни ҳамда двигателларни ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда жиҳозларнинг унумсиз ёки беҳуда ишлаши оқибатида энергиянинг тўғридан-тўғри исроф қилиниши;

**субистеъмолчи** – ҲЭТК розилиги билан истеъмолчининг электр тармоқларига бевосита уланган ва истеъмолчи билан электр таъминоти шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс. Электр энергияси субистеъмолчига берилганда, истеъмолчи мазкур Қоидаларга риоя қилиш бўйича жавобгар бўлади;

**ташқи реклама обьектлари** – очиқ майдонларда жойлаштирилган махсус, вақтинча ёки стационар иншоотларга, шунингдек, бинолар, иншоотларнинг ташқи юзаларига, деворларга, томларга, панжараларга, кўча жиҳозлари элементларига, кўчалар ва йўлларнинг катнов қисмида, автомобил ёқилғи қўйиши шохобчаларида жойлаштирилган видеоэкранлар, электрон дисплейлар, медиа фасад ва реклама қўринишидаги маълумотларни акс эттирувчи, шунингдек, ресторан, кафе, бар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан ён атрофидаги дарахтларга, конструкцияларга осилган иллюминация ва светодиодли лампалар шодаси;

**тизим оператори** – ягона электр энергетика тизими, магистрал электр тармоқлари фаолияти технологик режимининг тезкор-диспетчерлик бошқарувини, шунингдек, унинг бошқа давлатлар электр энергетика тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ваколатли тузилма (“Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонаси);

**тўлов ҳужжати** – тўлов тизимиning қоидалари билан белгиланган таркибга, реквизитлар форматига эга бўлган ҳамда электрон тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни ўз ичига олган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси ёки электрон тўлов ҳужжати бўлиб, унинг асосида ҲЭТКнинг ҳисобварағига маблағлар ўтказилади. Электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда уларнинг электрон тўловни амалга ошириш учун зарур реквизитларни сақлаган ҳолда қофоздаги шакли ҳам таъминланиши керак;

**чеклаш** – шартномада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш оқибатида муайян вакт оралиғи давомида, шунингдек, ҲЭТКнинг электр тармоқларида форс-мажор ҳолатлар туфайли пайдо бўлган авария режимлари вактида истеъмолчига шартномада белгиланган электр энергиясини етказиб бериш миқдорининг камайиши;

**электр тармоғи хўжалиги объектлари** – электр энергиясини узатиш ва етказиб бериш учун мўлжалланган электр энергияси узатиш линиялари, трансформатор подстанциялари, тақсимлаш пунктлари;

**электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси** – электр тармоғининг баланс бўйича мансублиги билан аниқланадиган, ҲЭТК ва истеъмолчи ўртасидаги электр тармоғининг бўлинниш нуқтаси;

**электр таъминоти корхонаси** – ҲЭТКнинг туман, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўлинмаси ёки мазкур функцияларни бажарувчи хусусий корхона;

**электр таъминоти шартномаси** – истеъмолчида керакли ускуналар ва электр энергияси истеъмолини ҳисоблагичлар мавжуд бўлган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ филиалига электр тармоғи орқали электр энергиясини етказиб бериш мажбуриятини юклайдиган, истеъмолчига эса электр энергияси хақини тўлаш, шунингдек, электр энергияси истеъмолининг шартномада назарда тутилган режимига риоя қилиш, ўз тасарруфида бўлган электр тармоқларини эксплуатация қилиш, хавфсизлигини ҳамда электр энергияси истеъмоли билан бөглиқ бўлган ўзи фойдаланадиган ускуналар ва асбобларнинг соз ҳолатда бўлишини таъминлашга доир чора-тадбирларни бажариш мажбуриятини юклайдиган битим;

**электр таъминотининг технологик брони** – технологик жараённи, ишлаб чиқариш циклини тугаллаш учун зарур бўлган электр энергияси ёки қуввати ҳажми;

**электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори** – электр таъминоти шартномасида белгиланган ва тегишли ҳисоб-китоб даврида техник шартларга кўра рухсат этилган қувват, электр қурилмаларидан фойдаланилган энг мақбул иш соатлари сони ва иш кунларидан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган электр энергияси (актив, реактив) миқдори;

**электр энергияси истеъмолчиси** – электр таъминоти шартномасига мувофиқ ишлаб чиқариш ва (ёки) майший эҳтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**электр энергияси сарфи ҳажмини ҳисобга олиш ускунаси** (кейинги ўринларда – ҳисоблагич) – истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажмни кўрсатувчи техник восита;

**электр энергияси сифати** – электр энергияси параметрларининг миллий стандартлари бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги;

**электр энергияси таъминотидаги танаффус (узиб қўйиш)** – истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни тўхтатиш, автоматика қурилмаларининг муваффақиятли ишлаши туфайли ёки электр энергияси истеъмол қилишнинг чекланишига олиб келмайдиган, бир вактнинг ўзида бир нечта линиялар бўйича электр энергиясини олувчи истеъмолчилар учун битта ёки бир нечта электр энергияси етказиб бериш линияларининг узиб қўйилиши туфайли содир бўладиган танаффуслар бундан мустасно;

**электр энергиясини истеъмол қилиш режими** – рухсат этилган қувват коэффициентини ушлаб туриш, меъёрий кучланиши сақлаб туриш, тармоқда электр энергияси йўқотишларини меъёрдан ошириб кетмаслигини таъминлаш;

**электр энергиясини қабул қилгич (электр қабул қилгич)** – электр энергиясини бошқа турдаги энергияга айлантирадиган ускуна (электр жиҳозлар). Куч трансформаторлари электр қабул қилгич ҳисобланмайди;

**электр қурилмаси** – электр энергиясини ишлаб чиқариш, трансформация қилиш (трансформатор), узатиш, тақсимлаш ҳамда уни энергиянинг бошқа турига айлантириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар, электр узатиш линиялари ва ёрдамчи ускуналар йигиндиси (улар ўрнатилган иншоотлар ва бинолар билан бирга);

**энергия таъминоти бўйича авария брони** – истеъмолчилар фаолияти қисман ёки тўлиқ тўхтатилган ҳолда ускуналарни сақлаш, инсонлар ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш, авария ва қўриқлаш ёритгичлари, шамоллатиш, сув ҳайдаш, сув таъминоти, иситиш, ёнгин хавфсизлиги воситалари учун зарур бўлган энг кам электр қуввати миқдори ёки электр энергияси ҳажми;

**ЭҲНАТга мос келадиган ҳисоблагичлар** – республиканинг ҳар бир худудларида жорий қилинган ягона CAS (Central AMI Systems – марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси тизими) тизимига мос келадиган ҳисоблагичлар;

**ЭҲНАТ тизими қурилмалари** – алоқа модуллари, антенна қурилмалари мажмуи, модем, сим-карталар, концентраторлардан иборат ускуналар мажмуи;

**ягона электр энергетика тизими** – электр энергиясini ҳосил қилувчи корхоналар, магистрал электр тармоқлари, худудий электр тармоқлари мажмуи ва тезкор-диспетчерлик маркази;

**ҳисобга олиш нүктаси** – электр таъминоти схемасидаги нүкта, унда ўлчаш асбоби (ёки ҳисобга олиш тизими) ёрдамида электр энергияси сарфининг ҳажми аниқланади;

**ҳисобга олиш тизими** – ўлчов трансформаторлари, иккиламчи занжирлар, синов блоклари, ўтувчи клеммниклар ва ҳисоблагичлардан ташкил топган ускуналар мажмуи;

**ҳисоб-китоб даври** – электр энергияси истеъмолининг сарфи (ҳажми) аникланиши, истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчи ва ҲЭТК ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган вақт даври (ой);

**ҳисоблагични уланиш схемасини текшириш** – ҲЭТК ва (ёки) Ўзэнергоинспекция ваколатли ходими томонидан инструментал усул билан истеъмолчининг ҳисоблагич ва ўлчов трансформаторларининг уланиш схемаси тўғрилигини текшириш ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли электрон далолатнома расмийлаштирилиб, уни тегишли дастурий таъминот базаларига киритиш, далолатнома Ўзэнергоинспекция ходими томонидан расмийлаштирилганда тегишли дастурий таъминот базаларига киритиш учун уни ҲЭТКга тақдим этиш;

**ҳисоблагич ёки ЭҲНАТ базаси хотира маълумотлари** – ҳисоблагичнинг хотирасида ҳамда ЭҲНАТ маълумотларни сақлаш базасида (сервери) сақлаб туриладиган барча маълумотлар мажмуи;

**ҲЭТК** – вилоят, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зonasи) доирасида электр таъминоти шартномаси асосида истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳукуқига эга бўлган юридик шахс.

3. Истеъмол қилинган электр энергиясini ҳисобга олиш учун ўлчаш воситаси метрологик текширувдан ўтганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлган ЭҲНАТга мос келадиган ҳисоблагичлар қўлланилади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва ҲЭТКлар ваколатли вакили истеъмолчилар билан биргаликда зарур ҳолларда, истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги ҳисоблагич (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ва ҳисоблагичларнинг уланиш схемасини текшириб кўради. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҲЭТКга белгиланган шакл бўйича бевосита ўзи, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисбот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисоблагичларидаги кўрсаткичлари автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

ХЭТК шахсий ҳисобварак ва ҳисоблагичларнинг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилишини ва идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизимиға реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

4. Истеъмолчи ўзига тегишли электр тармоқларига кучланиши 1 000 В гача бўлган қўшимча электр қурилмаларини рухсат этилган қувват микдори доирасида улаши мумкин.

5. Ўзэнергоинспекциянинг ваколатли ходимлари электр энергиясидан самарасиз ва нооқилона фойдаланиш, электр энергиясини истеъмол қилиш режимиға риоя қиласлик ва электр қурилмаларининг авария хавфини туғдирадиган ёки одамлар ҳаётига хавф соладиган қониқарсиз техник ҳолати ҳамда электр тармоқларига ноқонуний уланиш, шунингдек, ҳисоблагичларга қасдан шикаст етказганлик, ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш ҳолатлари аниқланганда, тегишли ХЭТКга ёки истеъмолчига ушбу электр қурилмалар электр энергияси таъминотини тўхтатиб қўйиш тўғрисида мажбурий кўрсатма бериш хукуқига эга.

Ўзэнергоинспекция томонидан истеъмолчида электр энергиясидан нооқилона фойдаланганлик, электр энергиясини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни бажармаслик, техник шарт талаблари бўйича қайта тикланувчи энергияси манбаларни жорий этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда (тегишли имзоланган далолатномага мувофиқ), ХЭТК ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда электр энергияси истеъмолининг шартномадаги микдорини камайтиришга ҳақли.

6. ХЭТКга электр тармоғи хўжалиги объектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамлар хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда электр энергиясини узатишни узиб қўйиш ёки чеклашга рухсат этилади.

7. Объектнинг электр таъминоти лойиҳасида кўзда тутилган захира манбанин автоматик ишга тушириш, таъминот манбанин қайта улаш ёки частотали автоматик юксизлантириш вақтида электр энергиясининг узиб қўйилиши (сабабларидан қатъи назар) электр таъминотида танаффус деб ҳисобланмайди.

8. Ваколатли давлат органлари маҳсус қоидалар бўйича фойдаланиладиган электр қурилмаларини қонунчилик хужжатларига мувофиқ энергетика назоратидан ўтказади.

Электр тармоқлари, қурилмалар, асбоблар ва ускуналарнинг техник ҳолатига ва уларни эксплуатация қилишга қўйиладиган талаблар, шунингдек, уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби электр энергетика соҳасидаги қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

9. Ўзэнергоинспекция ва унинг худудий бошқармалари томонидан давлат назоратининг амалга оширилиши истеъмолчиларни ўзлари эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, асбоблар ва ускуналарнинг зарур техник ҳолати ва хавфсизлиги таъминланиши, электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя этилиши учун жавобгарликдан, шунингдек, электр энергиясидан фойдаланиш пайтида пайдо бўладиган авариялар, ёнғинлар, ҳисоблагичларнинг носозликлари ва бошқа қоида бузарликлар тўғрисида ҲЭТКни дарҳол хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

10. Умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд ҳисоблагичларга, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан зарар етказиш ёхуд ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан ўғрилик содир этган, электр энергиясининг нооқилона ва/ёки самарасиз сарфланишига йўл қўйган ва Ўзэнергоинспекция кўрсатмаларини бажармаган истеъмолчилар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## **2-боб. Электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

11. Электр энергияси истеъмолчилари қуидаги ҳуқукларга эга:

ўз электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергиясини етказиб беришнинг тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

ҲЭТКга улар истеъмол қиласидан электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ҳисбот ойи бошланишидан 10 кун олдин берилиши керак;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари миллий стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида ҲЭТК ёки электр таъминоти корхонаси томонидан етказилган заарларни белгиланган тартибда қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаси бекор қилинганда фойдаланилмай қолган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтаришни талаб қилиш;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда электр таъминоти шартномасини бекор қилиш;

электр энергияси етказиб берилиши асоссиз равишда тўхтатилганда, етказилган заарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсуниши бўйича юқори ташкилотга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.

Электр энергияси истеъмолчилари қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Электр энергияси истеъмолчилари қуидагиларга мажбур:

ҲЭТК томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлашга, ҲЭТК ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналари, ҳисоблагич ва ўлчов трансформаторларининг носоз ҳолати, улардаги ўрнатилган муҳрларнинг бузилганлик ҳолатини кўрганда, электр таъминоти корхонасига хабар қилиш;

ишлиб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат бирлигига электр энергияси сарфи меъёрларини ишлиб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш (маиший истеъмолчилардан ташқари);

электр энергиясини иқтисод қилиш бўйича йиллик ташкилий-техник чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳамда уларни ижросини таъминлаш (маиший истеъмолчилардан ташқари);

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Ўзэнергоинспекциянинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиш қоидалари талабларига риоя этиш;

белгиланган тартибда ҲЭТК ва Ўзэнергоинспекция вакилига хизмат гувоҳномалари бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида ҳисоблагич кўрсаткичларини ёзиб олиш ва уларнинг ҳолати, уланиш схемалари ва қурилмаларини кўрикдан ўтказиш учун тўсқинликсиз бориб кўриш имконини бериш;

йил мобайнида янги ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясининг зарур микдори учун ҲЭТКга буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлиб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлилар турларининг) технологик жараёни ишлиб чиқариш эҳтиёжларига, ишлиб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга электр энергияси сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш (маиший истеъмолчилардан ташқари);

рухсат этилган қуввати 50 кВт ва ундан ортиқни ташкил этган барча истеъмолчилар (майший истеъмолчилардан ташқари) реактив энергияни компенсацияловчи қурилмаларни ўрнатишга ва ушбу қурилмаларни соз ҳолатда ишлаб туришини таъминлаш;

истеъмолчилар (майший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар бирлигига сарфланадиган электр энергиясининг белгиланган меъёрлардан ошмаслик;

қонунчилиқда белгиланган тартибда ва муддатда мажбурий энергетика текшируви (энергоаудит) ва экспертизани ўтказиш;

ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар бирлигига сарфланадиган электр энергияси меъёрлари таъминланиши учун йиллик электр энергиясини иқтисод қилиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш.

Уланган қуввати 5 мегаватт ва ундан ортиқ бўлган электр энергияси истеъмолчилари ҲЭТК талабига кўра қуидагиларни ҳисобга олиши ва бу хақида ҲЭТКни хабардор қилиши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдорини;

ягона электр энергетика тизимининг энг қўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфини;

ягона электр энергетика тизимининг энг қўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

13. Объектларидан магистрал электр тармоқлари сифатида фойдаланиладиган истеъмолчилар ҲЭТК билан электр энергияси узатиш хизматларини кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга эмас.

14. Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 12-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишлиарни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши – умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартиbdаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик – уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиши технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ҳар бир ишлаб чиқариш цехларида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига сарфланган электр энергияси миқдорини аниқлаш учун назорат ҳисоблагичларини ўрнатиш;

маҳсулот (иш, хизматлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

корхона бўйича, шу жумладан, кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўtkазиши қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруратини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқарishнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) бир йил ва келгуси давр учун электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини тузиш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

### **3-боб. ҲЭТКнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **15. ҲЭТК қўйидаги хуқуқларга эга:**

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари узрли сабабларсиз бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган заарнинг белгиланган тартибда қопланишини талаб этиш;

Ўзэнергоинспекция кўрсатмаси ёки энергия ресурсларидан фойдаланиш талабларига амал қилинишини текшириш, шу жумладан, ҳисоблагичларни кўздан кечириш учун худудга киришга қаршилик қилганда, техник носоз ва авария келтириб чиқариш мумкин бўлган қурилмалардан фойдаланилганда, электр таъминоти етказиб бериш тўхтатиб қўйиш (ўчириш);

истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов электр таъминоти шартномасида белгиланган миқдорларда ва муддатларда амалга оширилмаган тақдирда, шунингдек, ЭҲНАТга уланган ва олдиндан тўланган маблағ тугагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш қурилмасига эга ҳисоблагич мавжуд бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш, электр энергияси маҳсус тартибга кўра етказиб бериладиган истеъмолчилар бундан мустасно;

металл прокатини ишлаб чиқарувчи ва (ёки) қайта ишловчи корхоналар томонидан индукцион печлардан фойдаланган ҳолда, қурилиш учун ишлаб чиқарилган металл прокати Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган холосасига асосан электр таъминоти шартномасини бир томонлама бекор қилиш;

келишилган электр таъминоти лойиҳасида назарда тутилган реактив энергияни компенсацияловчи қурилмаларни ўрнатмаган ёки соз ҳолда ишлаб туришини таъминламаган истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш;

электр энергиясини махсус тартибга кўра етказиб бериладиган истеъмолчиларда қарздорлик вужудга келган тақдирда, ҳақ тўланмаганлиги учун электр энергияси етказиб берилишини белгиланган тартибда электр таъминотининг авария бронигача, тўлиқ узиб кўйиш эса – фақат қонуний кучга кирган суд қарорига кўра чеклаш;

электр тармоғидан узишга электр таъминоти корхонаси вакилини худудга киритмаган тақдирда, қарздор истеъмолчини электр тармоғининг асосий уланиш нуқтасидан узиш;

ҲЭТК ваколатли вакилининг шахсий гувоҳномаси бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш ва кўрикдан ўтказиш учун истеъмолчиларнинг ҳисоблагичлар ва уларнинг уланиш схемаларини тўскинликсиз бориб кўриш хукуқига эга.

ҲЭТК қонунчиликда белгиланган бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ҲЭТК мазкур Коидалар ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар.

#### 16. ҲЭТК қуидагиларга мажбур:

электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасига электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналарни, электр узатиш тармоқларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек, ўз электр тармоғи хўжалиги обьектларида носозликларни бартараф этиш;

ўз электр тармоғи хўжалиги обьектларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаб туриш;

электр тармоғи хўжалиги обьектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот бериш;

жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда ўз вақтида хабар қилиш;

Ўзэнергоинспекциянинг кўрсатмаларига мувофиқ истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилишини қисман ёки тўлиқ тўхтатиб кўйиш;

электр энергиясининг ўз электр тармоги хўжалиги обьектлари бўйлаб узатилишидаги технологик йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаб чиқиш ва Регуляторга тасдиқлаш учун киритиши;

истеъмолчиларнинг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотида бошқа қоида бузилишлар тўғрисидаги аризаларини истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай кўриб чиқиш, ушбу қоида бузилишларини бартараф этиш ва истеъмолчиларга ушбу Коидаларга мувофиқ батафсил жавоб юбориш;

Ўзэнергоинспекциянинг мазкур Коидалар талаблари бузилиши тўғрисидаги далолатномалари бўйича ундирилган тўловлар тўғрисида маълумотни ҳар ой Ўзэнергоинспекцияга тақдим этиб бориш;

ўз электр тармоғи хўжалиги обьектларида электр энергиясининг технологик сарфларини қисқартириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

электр энергиясининг электр тармоқлари мансублик чегарасида ҳисобга олинмаган истеъмолини аниқлаш;

ҳар ойда бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган энергия ресурслари ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасида тафовут мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни расмийлаштириш ҳамда Ўзэнергоинспекцияга тақдим қилиш;

истеъмолчилар томонидан буюртма берилган электр энергияси ҳажмини етказиб беришнинг техник имкониятларини ва улардаги ҳисоблагичларни мазкур Коидалар талабларига мувофиқлигини баҳолаш бўйича хулоса бориш;

истеъмолчиларнинг электр тармоқлари ва қурилмаларини ўз ҳудудий электр тармоқларига улаш юзасидан техник шартлар бориш;

истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

юридик истеъмолчилардаги муддати ўтган дебитор қарздорликларни камайтириш юзасидан тегишли чоралар кўриш;

истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиши, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – бу ҳақда рад этиши сабабини кўрсатган ҳолда истеъмолчига хабар қилиш;

ҳар йили истеъмолчиларнинг барча тоифалари буюртманомаларини умумлаштириш асосида электр энергияси истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини, шу жумладан, аҳоли истеъмолини, ўз эҳтиёжларига ва келгуси йилда уни узатишга технологик сарфни шакллантириш, йил мобайнида янги ишга тушириладиган обьектлар учун захираларни назарда тутиш ва 1 октябргача “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга тақдим этиши;

келгуси йил учун электр энергияси истеъмоли микдорларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишиши;

маиший истеъмолчининг аризасига асосан ариза берилган пайтнинг ўзида тўловларнинг ҳолати ва истеъмол қилинган электр энергияси учун қарздорликнинг мавжуд эмаслиги (мавжудлиги) тўғрисида маълумотномалар тақдим этиш;

истеъмолчиларга ўрнатилган ҳисоблагичларни белгиланган тартибда алмаштириш, ўрнатиш ва уларни пломбалаш;

истеъмолчиларнинг ҳисоблагичларини белгиланган тартибда ўз вақтида қиёсловдан ўтказиш.

### **ҲЭТК:**

Ўзэнергоинспекция томонидан электр энергиясининг ноқилона сарфланиши, электр қурилмаларининг авария хавфини туғдирадиган ёки инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган қониқарсиз техник ҳолати, шунингдек, бошқа қоидабузарликлар аниқланиб, қоидабузарларни электр тармоқларидан узиб қўйиш бўйича топшириқ берилганда, ушбу топширикни зудлик билан бажаради ва ижро этилганлиги тўғрисида Ўзэнергоинспекцияга хабар беради;

Ўзэнергоинспекцияга электр энергияси истеъмоли юзасидан давлат назорат тадбирларини амалга оширишда тафовутларни аниқлаш мақсадида электр энергиясини назорат қилиш хамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидағи электр энергияси истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш имкониятини таъминлаш учун сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб боради.

Электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган ва белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган кунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганлиги, шунингдек, захира манбанин автоматик улаш, таъминот манбанин автоматик қайта улаш ва автоматик частотали юксизлантириш вақтида электр таъминотидаги танаффуслар учун ҲЭТК истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган ҳолларда, ҲЭТК бунинг натижасида истеъмолчига етказилган зарарни қоплашга, истеъмолчи эса ҲЭТКга етказилган зарарни қоплашга мажбур.

### **4-боб. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш устидан давлат назорати**

17. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, истеъмол қилиш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя қилиниши юзасидан давлат назорати (маиший истеъмолчилар бундан мустасно) қонунчилик хужжатларига мувофиқ Ўзэнергоинспекция томонидан амалга оширилади.

## 18. Ўзэнергоинспекция қўйидаги хуқуқларга эга:

ходимлари хизмат гувоҳномалари бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида истеъмолчиларнинг ҳисоблагич кўрсатгичларини ёзиб олиш ва уларнинг ҳолати, уланиш схемалари ва қурилмаларини кўриқдан ўтказиш учун ҳисоблагичлар, схемалар ҳамда қурилмаларни тўсқинликсиз бориб кўриш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширмаган ҳолда ёқилғи-энергия ресурсларини бехуда сарфлаш, улардан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш борасида давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ назорат тадбирларини ўтказиш;

электр энергиясидан нооқилона ва самарасиз фойдаланганлиги учун юридик шахсларга нисбатан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий ва (ёки) маъмурий жазо чораларини қўллаш;

текширишларга ҲЭТКнинг вакилини жалб этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда топшириқларига мувофиқ республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари жорий этилишини назорат қилиш ва белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чоралар кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб бориш;

Ўзэнергоинспекция томонидан қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, ҲЭТКнинг вакиллари билан биргаликда истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиши бўйича тамғалар ўрнатиш ва далолатнома билан истеъмолчи иштирокида расмийлаштириш;

Ўзэнергоинспекция томонидан истеъмолчиларнинг электр ускуналарида реактив кувват компенсациясининг мақбул даражаси таъминланиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

## **5-боб. Истеъмолчиларнинг янги ва қўшимча қувватларини ягона электр энергетика тизими тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш ва электр таъминоти лойиҳаларини келишиш**

19. Истеъмолчиларнинг янги ва қўшимча қувватларини ягона электр энергетика тизими тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20. Техник шартлар сўралаётган кувватга қараб, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ёки унинг худудий филиаллари томонидан давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – ДХМ) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали берилади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ электр тармогига улаши мумкин бўлган захира қуввати ва манбалари тўғрисида бир йилда икки маротаба янгилаган ҳолда ўз веб-сайтида маълумот бериб боради.

Бунда, агар сўралаётган қувватнинг уланиши тўғридан-тўғри:

“Худудий электр тармоқлари” АЖ тармоқларига мўлжалланаётган бўлса, техник шартлар “Худудий электр тармоқлари” АЖ ёки унинг худудий филиаллари томонидан ишлаб чиқилади ва берилади;

бунда Тошкент шаҳрида рухсат этилган қуввати 500 кВт ва ундан юқори бўлган истеъмолчиларга техник шартлар Энергетика вазирлиги билан келишилган ҳолда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ишлаб чиқилади ва берилади;

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ёки истеъмолчи тармоқларига мўлжалланаётган бўлса, техник шартлар ушбу тармоқлар эгаси томонидан ишлаб чиқилади ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ орқали белгиланган тартибда берилади. “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ёки истеъмолчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

21. Техник шартларнинг бажарилиши барча истеъмолчилар, лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

22. Истеъмолчилар учун техник шартлар тўлов ундирилмасдан берилади.

23. Техник шартлар бўйича ишлаб чиқилган электр таъминоти лойиҳаларини келишиш ва истеъмолчиларнинг янги ва қўшимча қуввати ягона электр энергетика тизими тармоқларига ДХМ ёки ЯИДХП орқали қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда уланади.

24. Электр қурилмаларининг қўшимча қуввати уланганда, захира электр таъминотини талаб этадиган тоифага ўтиш муносабати билан электр қурилмаларининг электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси ўзгарганда ҳамда ташқи электр таъминоти схемаси ўзгарган тақдирда, истеъмолчи қўшимча техник шартлар олишга мажбурдир.

25. Истеъмолчининг уланган қуввати техник шартлар ва электр таъминоти шартномасида белгиланган миқдордан ошириб юборилганда, истеъмолчининг электр тармоқлари тўғридан-тўғри уланган ташкилот (“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ёки таъминловчи истеъмолчи) томонидан қўшимча уланган қувват узиб қўйилади.

Бунда истеъмолчи томонидан истеъмол қилишга рухсат этилган қувватнинг оширилиши туфайли авария ҳолати юзага келганда ва/ёки ягона электр энергетика тизими тармоқларига зарар етказилганда, истеъмолчидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарар суммаси ундирилади.

26. Субистеъмолчилар техник шартларни ҲЭТКнинг рухсати билан истеъмолчидан олади ва электр таъминоти лойиҳасини Ўзэнергоинспекция ва истеъмолчи билан келишади.

27. Субистеъмолчининг юкламаси ортиши сабабли истеъмолчининг ташқи электр таъминоти схемасини ўзгартериш ёки электр таъминоти шартномасида қайд этилган трансформаторлар ва юқори кучланишли двигателлар қувватини ошириш зарурати юзага келса, истеъмолчи юкламани ошириш бўйича техник шартларни олади.

28. Истеъмолчи, агар унда техник имконият мавжуд бўлса, ҲЭТКнинг талаби бўйича ўз электр тармоқларига бошқа истеъмолчиларнинг электр курилмаларини улаши шарт.

29. Кучланиши 1000 В ва ундан юқори бўлган трансформаторлар ёки двигателларнинг янги ёки қўшимча қувватларини улашга, ҲЭТКнинг тармоқ трансформаторларига паст кучланишли курилмаларнинг янги қувватини улашга ёки уларнинг рухсат берилган қувватини ошириш учун техник шартлар ҲЭТК томонидан истеъмолчи-буортмачидан (курувчидан) ёки унинг топшириғи бўйича бош лойиҳа ташкилотидан буортма олингандан сўнг белгиланган тартибда берилади.

30. Тадбиркорлик субъектларига техник шартлар ДХМ ёки ЯИДХП орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Бунда истеъмолчиларнинг хоҳишига кўра уларни электр тармоқларига “тайёр ҳолда” улаш мумкин.

31. Истеъмолчи техник шартларни олиш бўйича буортманомада лойиҳалаштирилаётган обьектни тавсифловчи қуидаги маълумотларни қисқача шаклда қўрсатади:

юклама миқдори;

истеъмолчининг электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси;

жойлашган жойи;

объектни лойиҳалаштириш ва қуриш муддатлари.

32. Истеъмолчи қуидаги ҳолларда қўшимча техник шарт олишга мажбур:

электр таъминотининг ишончлилиги захира таъминот талаб этадиган тоифага ўтганда;

электр курилмаларнинг қўшимча қуввати уланганда;

ташқи электр таъминоти схемаси ўзгарганда.

Белгиланган қувват техник шартлар ва электр таъминоти шартномасида белгиланган миқдордан ошириб юборилганда, ҲЭТК томонидан қўшимча уланган қувват узиб қўйилади. Ушбу ҳолат такорий аниқланганда истеъмолчи электр тармоғидан тўлиқ узилади.

Бунда истеъмолчи томонидан истеъмол қилишга рухсат этилган қувватнинг оширилиши туфайли авария ҳолати юзага келганда ва (ёки) ҲЭТКнинг электр тармоғи хўжалиги обьектларига зарар етказилганда, истеъмолчидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарар суммаси ҳам ундирилади.

33. Объектни электр тармоқларига улаш учун техник шартлар мавжуд техник имкониятларидан келиб чиқиб, энг яқин электр тармоқ хўжалиги объектларидан, уларнинг истиқболда ривожланиши ва бандлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда берилади ва ушбу шартларда қуидагилар кўрсатилади:

истеъмол қилишга рухсат этилган электр қурилмаларининг қуввати;

уланиш нуқтаси (подстанция, электр станцияси ёки электр узатиш линияси), объект уланадиган тармоқ кучланиши, алоҳида ҳолатларда ташки электр энергияси таъминоти схемаси вариантларини ишлаб чиқиш зарурати кўрсатилади;

янги истеъмолчининг уланиши туфайли мавжуд тармоқни кучайтириш бўйича асосланган талаблар (симлар кесимларини ошириш, трансформаторларни алмаштириш, захира ячейкалар ўрнатиш ва шу кабилар);

қисқа тулашиш токларининг ҳисобланган микдори, релели ҳимоя, автоматика, алоқа, изоляция ва ўта кучланишдан ҳимояга қўйиладиган талаблар;

куввати 50 кВт ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар учун реактив қувват ўрнини тўлдиришга қўйиладиган талаблар;

электр энергиясини ҳисобга олиш бўйича қўйиладиган талаблар;

истеъмолчининг ҳудудий электр тармоқлари таъминловчи линиялари уланадиган электр қурилмаларига қўйиладиган ўзига хос талаблар (ягона электр энергетика тизимида қувват танқислиги пайдо бўлганда, бундай электр қабул қилгичларнинг электр таъминотини сақлаш мақсадида захира энергия манбайнинг, кучланиш бериладиган жойларни автоматик ҳимоя қилишнинг зарурлиги, таъминловчи линияларнинг параллел ишлашига йўл қўйилиши, айrim захира таъминловчи линияларга юкламаларни ажратиш ва бошқалар);

истеъмолчи тармоғига уланадиган субистеъмолчилар рўйхати (уларнинг юкламалари ва электр энергияси истеъмоли тўғрисидаги асосий истиқбол маълумотларини кўрсатган ҳолда);

корхона, бино, иншоотлар лойиҳасида (ишчи лойиҳасида) электр қурилмаларини эксплуатация қилишни ташкил этиш бўйича лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш бўйича талаблар;

техник шартларнинг амал қилиш муддати ва бошқа техник талаблар.

Айrim ҳолатларда техник шартларда яқин жойлашган аҳоли ва ижтимоий объектларнинг қувватини инобатга олиш ва энерготизим эктиёжлари учун алоҳида ячейкалар ўрнатилиши талаб этилиши мумкин.

34. Корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқариш қувватларнинг техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган электр таъминоти лойиҳалари (ишчи лойиҳалари) қонунчиликда белгиланган тартибда ҲЭТК томонидан кўриб чиқилиши ва Ўзэнергоинспекция билан келишилиши керак.

35. Истеъмолчиларнинг юкламаларини улаш билан боғлиқ янги электр курилмаларини ва электр тармоғи хўжалигининг объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### **6-боб. Электр энергиясига бўлган эҳтиёж прогнозини шакллантириш тартиби**

36. Республикада электр энергияси истеъмолининг прогнози ҲЭТК томонидан иқтисодий ривожланиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсиши ва уй-жой қурилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир истеъмолчи билан тузилган электр таъминоти шартномаларида кўрсатилган эҳтиёж микдорлари асосида аникланади.

Навбатдаги йил учун электр энергияси истеъмолининг шартномавий микдори амалдаги йиллик электр энергияси истеъмол ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда (қайта тикланувчи энергияси манбалари жорий этилганлиги, энергияни тежаш чора-тадбирлари режаси инобатга олинган, шунингдек, янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда) белгиланади.

37. Электр энергетика объектларининг ички электр энергияси истеъмолининг прогнози (корхоналарнинг электр энергияси ишлаб чиқариш учун ўзининг ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари), белгиланган тартибда тасдиқланган электр энергиясини электр тармоғи бўйлаб узатишда унинг технологик сарфи ҳар йили 15 сентябргача умумлаштирилади ҳамда келгуси йил учун электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси таркибига киритилади.

38. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхона ҳар йили 15 сентябргача Энергетика вазирлиги, Ўзэнергоинспекция, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖга келгуси йилга электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувват ва прогноз тўғрисида маълум қиласи.

39. “Ўзэнергосотиш” АЖ “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда чораклар кесимида келгуси йилги электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг прогноз кўрсаткичларини шакллантиради ва жорий йилнинг 1 октябрига қадар уни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш учун Энергетика вазирлигига киритади.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ тасдиқланган электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ўз тасарруфларидаги ташкилотларга электр энергияси ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилинишининг чоракларга тақсимланган кўрсаткичларини прогноз йил учун белгиланган муддатларда етказадилар.

## 7-боб. Электр таъминоти шартномасини тузиш

40. Электр энергияси бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида товар тури сифатида, ҲЭТК ва энергия қурилмалари шу ташкилот тармоғига бевосита уланган истеъмолчи ўртасида тузилган электр таъминоти шартномаси асосида мазкур Қоидаларга мувофиқ етказиб берилади.

Юридик шахснинг номи ўзгарганда ёки электр қурилмалар мулкдори алмашганда истеъмол қилинадиган қувват ва (ёки) электр таъминотининг ишончлилик тоифаси ўзгармаса, ҲЭТК ва истеъмолчи – электр қурилмаларининг хуқуқий вориси ўртасида электр таъминоти шартномаси оммавий оферта асосида электр таъминоти шартномасини келишиш (қабул қилиш) ва уни ахборот-коммуникация тизимлари орқали янги мулкдор томонидан тасдиқлаш йўли билан тузилади.

Бунда истеъмолчиларда абонентнинг шахсий рақами шакллантирилиши талаб этилса, ҲЭТК томонидан янги истеъмолчи рақами электр таъминоти шартномасида кўрсатилади. Щунингдек, истеъмолчилар шакллантирилган абонентнинг шахсий рақами тўғрисидаги маълумотларни ЯИДХП орқали юридик шахслар учун – солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахслар учун – паспорт ёки идентификация ID-картага оид маълумотларни (паспорт серияси ва рақами), жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини ёки кадастр рақамларидан бирини киритиш йўли билан аникланиши мумкин.

41. ҲЭТК ва истеъмолчи ўртасидаги электр таъминоти шартномаси электр таъминотининг намунавий шартномасига мувофиқ тайёрланган шаклда тузилади.

Электр таъминотининг намунавий шартномаси “Худудий электр тармоклари” АЖ томонидан ишлаб чиқилади, Ўзэнергоинспекция, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишилади ва Энергетика вазирилиги томонидан тасдиқланади.

42. Электр таъминоти шартномаси 2 нусхада тузилади. Бир нусхаси истеъмолчига тақдим этилади, иккинчиси ҲЭТКда қолади. Шартномани расмийлаштириш ва истеъмолчига тақдим этиш электр энергияси етказиб берувчи зиммасида бўлади.

43. Субистеъмолчилар истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномасини тузиши, бунда ҲЭТКдан техник шартда рухсат этилган қувватдан ортиқча қувват уланиши кўзда тутилганда ёки ишончлилик тоифаси ўзгарган ҳолатларда, истеъмолчи ўз тармоғига субистеъмолчиларни улаш учун ҲЭТК розилигини олиш шарт ҳисобланади.

Субистеъмолчилар тўғридан-тўғри электр таъминоти корхонаси билан шартнома тузганда, истеъмолчилар ва субистеъмолчилар ўртасидаги ҳар хил низоли ҳолатлар, жумладан, эксплуатация харажатлари, ўзаро бошқа турдаги тўловлар билан боғлиқ ёки ички электр тармоқдаги носозликлар натижасида истеъмолчи томонидан субистеъмолчи электр тармоқдан ажратилганда, етказилган заарга электр таъминоти корхонаси жавобгар ҳисобланмайди, ҲЭТКнинг айби бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

44. Субистеъмолчиларга ўз тармоқлари орқали электр энергиясини етказиб берувчи истеъмолчилар субистеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олган ҳолда, ҲЭТК билан электр энергиясининг умумий (жами) миқдори бўйича электр таъминоти шартномасини тузади.

#### **8-боб. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари эксплуатация қилишга тайёрлигини аниқлаш ва кучланиши узатиш**

45. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари эксплуатация қилишга тайёрлигини аниқлаш ва уларга кучланиш бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Истеъмолчиларнинг қуввати 20 кВтдан юқори бўлган электр қурилмалари ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига уларнинг эксплуатация қилишга тайёрлиги аниқланмасдан ва Ўзэнергоинспекция томонидан истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш тўғрисидаги далолатнома имзоланмасдан уланганлиги аниқланганда, ушбу электр қурилмалари қоидабузарликлар бартараф этилгунича ва мазкур бузилишларга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилгунича электр тармоқларидан дарҳол узилади.

46. Куввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчиларнинг янги ёки реконструкция қилинган электр қурилмаларида синов-созлаш ишларини амалга ошириш учун 1 ойгача бўлган муддатга кучланиш бериш, Ўзэнергоинспекция томонидан уларнинг синов-созлаш ишларини амалга оширишга тайёрлиги аниқлангани, ҲЭТК томонидан ҳисоблагич ва ҳисобга олиш тизими текшириб пломбалангач, вақтинча электр таъминоти шартномаси тузилгандан ва маълумотлар ҲЭТКнинг дастурий таъминот базасига киритилгандан кейин рухсат берилади.

Синов-созлаш ишлари тугаганидан кейин ҲЭТК томонидан истеъмолчининг электр қурилмалари электр тармоқдан дарҳол ўчирилади.

47. Куввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчиларнинг янги ёки реконструкция қилинган электр қурилмаларига кучланиш бериш, Ўзэнергоинспекция томонидан уларнинг эксплуатация қилишга тайёрлиги аниқлангани, ҳисоблагич ва ҳисобга олиш тизими текширилиб пломбалангач, электр таъминоти шартномаси тузилгандан ва истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар ҲЭТКнинг тегишли дастурий таъминот базаларига киритилгандан кейингина амалга оширилади.

Куввати 20 кВтгача бўлган янги ёки реконструкция қилинган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларига кучланиш бериш учун Ўзэнергоинспекциянинг ушбу электр қурилмалари эксплуатация қилишга тайёрлиги тўғрисида хулосаси талаб этилмайди.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмалари электр тармоқларига қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда уланади.

48. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари эксплуатация қилишга тайёрлигини аниқлайдиган Ўзэнергоинспекция ва унинг худудий бошқармалари ходимлари, шунингдек, ҲЭТК эксплуатация қилиш жараёнида уларнинг нормал ишлаши учун жавобгар бўлмайди.

#### **9-боб. Электр қурилмаларининг техник ҳолати юзасидан томонларнинг жавобгарлиги**

49. Электр қурилмаларининг техник ҳолати ва эксплуатация қилиниши юзасидан истеъмолчилар билан ҲЭТК ўртасидаги жавобгарлик ушбу электр қурилмаларининг баланс бўйича мансублиги билан белгиланади ва электр таъминоти шартномасига илова қилинадиган электр тармоқларининг баланс бўйича мансублигини ва томонларнинг эксплуатация қилиш бўйича жавобгарлигини чегаралаш далолатномасида қайд этилади.

Электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегарасини ва уларни эксплуатация қилиш бўйича жавобгарлигини белгилаш далолатномаси ҲЭТК ва истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланади.

Кучланиши 1000 В ва ундан юқори бўлган электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан жавобгарлик чегаралари:

ёпиқ тақсимлаш қурилмаларининг ташқи томонидан электр узатиш ҳаво линиясининг ўтиш изолятори уланган жойда ва симнинг очиқ тақсимлаш қурилмалари изоляторлари портал тизмасининг тарангловчи қисқичидан чиқиш жойида;

электр узатишнинг таъминловчи ёки чиқувчи линияларининг кабель ёки ҳаводаги кириш симлари уланган жойларида белгиланади. Бунда уланмаларнинг ҳолати учун подстанциядан фойдаланувчи корхона жавоб беради.

Турли истеъмолчиларга тегишли, тармоқланган симларга (ёпиқ ёки ажраткичлар орқали) эга бўлган кучланиши 1000 В ва ундан юқори бўлган электр узатиш линияларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан жавобгарликнинг мансублик чегараси асосий линиянинг тармоқланиш амалга оширилган таянч нуқтасида белгиланади.

Тармоқланган симларни уловчи қисқичларнинг ҳолати учун жавобгарлик асосий электр узатиш линияси эгасига юкланади.

Кучланиши 1000 В гача бўлган электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича истеъмолчи ва ҲЭТК ўртасидаги жавобгарлик чегараси:

ҳаводаги тармоқланища – бино ёки қувур таянчида ўрнатилган биринчи изоляторларда;

кабель билан киритища – бинога кириш жойида таъминловчи кабелнинг уланиш жойларида белгиланади.

Бунда уй-жой мулқдорлари ширкатларига, бошқарув ташкилотларига, муассасаларга ва ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган бошқа истеъмолчиларга тегишли уйлардаги электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги уланмаларнинг ҳолати учун ҲЭТК жавоб беради.

Электр қурилмаларини эксплуатация қилиш хусусиятларига кўра жавобгарликнинг бошқа асосланган чегаралари ҳам белгиланиши мумкин.

50. Эксплуатация жараёнида электр қурилмаларнинг уланмалари ҳолати учун балансда сақловчи ташкилот жавобгар ҳисобланади. Истеъмолчи ўз тасарруфидаги электр қурилмаларнинг техник ҳолати ва электр хавфсизлиги, истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши, электр энергияси оқилона сарфланиши, электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимлари бажарилиши, электр энергияси сифатининг таъминланиши ва Ўзэнергоинспекциянинг кўрсатмалари ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради.

51. Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларида ҳисобга олинмаган ишлаб чиқаришнинг ва электр қурилмаларини эксплуатация қилишнинг ўзига хос (ер ости, портлаш хавфи бўлган ишлаб чиқаришлар, электр тортиш кучи ва бошқа) шартлари мавжуд бўлганда, истеъмолчилар ушбу электр қурилмаларини эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича маҳсус йўриқномаларга эга бўлишлари шарт.

52. Маиший истеъмолчилар томонидан ўз эҳтиёжлари учун монтаж қилинган кучланиши 1000 В дан юқори кучланишдаги электр тармоқларини (электр энергияси узатиш линиялари, трансформатор пунктлари (кейинги ўринларда – ТП) ва бошқалар) фойдаланишга топширилишидан олдин техник хизмат кўрсатиш учун алоҳида шартнома бўйича белгиланган тартибда электр таъминоти корхоналарига берилиши керак.

Истеъмолчи томонидан техник хизмат кўрсатиш шартномаси бекор қилинганда ёки техник хизмат учун ўз вақтида тўлов ўтказилмагандан, ушбу электр тармоғи хўжалиги обьектларига электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади.

53. Маиший истеъмолчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун кучланиши 1000 В дан юқори электр тармоқлари монтаж қилинган ҳолларда:

хисоблагич ТПнинг 0,4 кВли тақсимлаш қурилмасида ўрнатилади;

электр тармоқлари майший истеъмолчининг уйга эгалик қилиш худудидан ташқарида жойлаштирилади.

54. Маиший истеъмолчи 1000 В дан юқори кучланишдаги электр тармоғига эга бўлган ҳолда, майший истеъмолчига тегишли бўлган ушбу электр тармоғидаги (линиялар, ТП) электр энергиясининг технологик сарфлари ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади ва унинг истеъмолига қўшилади ҳамда бу ҳақида электр таъминоти шартномасида тегишли ёзув қайд этилади.

55. Маиший истеъмолчиларга 1000 В гача кучланишдаги битта тармоқдан захира манба сифатида қўшимча фазага эга бўлиш тақиқланади.

56. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

## **10-боб. Ҳисоблагичларни ўрнатиш ва эксплуатация қилиш**

57. Электр энергияси учун ҲЭТК билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида истеъмолчилар мажбурий тартибда ЭҲНАТга мос келадиган ҳисоблагичлар билан таъминланган бўлиши керак.

58. ЭҲНАТ кўрсаткичлар бузилишидан ва инсон омилтининг таъсирини мумкин қадар камайтирган ҳолда, ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишдан комплекс ҳимоя билан таъминланган бўлиши лозим.

59. ЭҲНАТга мос келадиган ҳисоблагичлар бўлмаганда истеъмолчилар ва субистеъмолчиларни электр тармоқларига уланиши тақиқланади.

60. Турли хил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчиларнинг ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ҳисоблагич ўрнатилади. Мазкур Қоидаларнинг 81-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

61. Ҳисоблагичлар, ўлчаш воситалари ва ўлчов трансформаторлари, шунингдек, ЭҲНАТ тизими қурилмалари мазкур Қоидаларга мувофиқ ўрнатилади ва Электр қурилмаларнинг тузилиши қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

Худудий электр тармоқлари корхоналари ва истеъмолчилар томонидан ишга туширилган ЭҲНАТ белгиланган тартибда метрологик текширувдан ўтказилиши керак.

Ҳисоблагич ўлчов (ток, кучланиш) трансформатори орқали уланган бўлса, истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми трансформация коэффициентлари инобатга олинган ҳолда аниқланади.

62. Назорат ҳисоблагичлари алоҳида цехларда, қўп энергия сарфлайдиган агрегатларда, технологик линияларида, биноларда, бир неча оила яшайдиган хонадонларда ўз ҳисобидан ўрнатилади.

63. Кўп квартирали уйлардаги хонадонларда сарфланадиган электр энергиясини ҳисоблаш мақсадида ҳисоблагичлар ҳар бир хонадон учун маҳсус ажратилган жойларда, шунингдек, якка тартиbdаги уй-жойларнинг бино-иншоотларида ва фойдаланиш худудидан ташқарида (таянч, ташқи фасад ва ҳ.к.), электр таъминоти корхонасининг ходимлари томонидан тўсиқсиз кўриш имкониятини берадиган жойга ўрнатилади.

Кўп квартирали уйда уйнинг умумий эҳтиёжлари (зинапояларни ёритиш, лифтлар, насосларнинг ишлиши ва ҳоказолар) учун сарфланадиган электр энергиясини ҳисоб-китоб қилиш мақсадида алоҳида умумий ҳисоблагич ўрнатилади.

64. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергияси ҳисоблагичлари, ўлчаш воситалари, ўлчов трансформаторлари, ЭҲНАТ тизими қурилмалари, шунингдек, уларни ўрнатиш учун зарур бўлган бошқа воситалар истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобига сотиб олинади ва ўрнатилади, ҲЭТК масъул ходими томонидан бепул пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Электр энергияси ҳисоблагичлари, ўлчаш воситалари, ўлчов трансформаторлари ҲЭТК томонидан пломбаланмаган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш тақиқланади.

65. Маиший истеъмолчиларда ўрнатилган ҳисоблагичларни сотиб олиш (электр тармоқларига янги уланадиган якка тартибдаги уй-жойлар ва кўп квартирали уйлардаги хонадонлар), ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий қиёсловдан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, ЭҲНАТга мос келмайдиган) ҳисоблагичларни алмаштириш ҲЭТК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда курувчи ташкилотлар томонидан янги қуриладиган кўп квартирали уйлардаги хонадонларга ҳисоблагичларни сотиб олиш ва ўрнатиш курувчи ташкилот маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳисоблагич якка тартибдаги уй-жойлар ёки кўп квартирали уйлардаги хонадон эгасининг буюртманомасига биноан бир ҳафта муддатда унинг иштироқида ҲЭТК вакили томонидан ўрнатилади.

66. Ҳисобга олиш тизими истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ўлчов трансформаторларининг уланиш схемаси бузилганда ёки унинг ўзи ёки ёрлиғи рухсатсиз алмаштирилганда, шунингдек, ҳисобга олинаётган электр энергияси сарфини камайтириш мақсадида ҳисоблагични ёки унинг пломбаси бузилганда, унга ташқаридан таъсир кўрсатилганда), ушбу тизим қурилмаларини алмаштириш, таъмирлаш, қиёсловдан ўтказиш ва ўрнатиш ишлари истеъмолчи ҳисобидан уларнинг қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда, ҲЭТК томонидан амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби тасдиқланмаса, ҲЭТК маблағи эвазига ҳисоблагич таъмирланади ёки янгисига алмаштирилади.

67. Ҳисоблагичлар, ўлчов трансформаторлари, иккиламчи занжирлар, алоқа линияларининг, шу жумладан, уларга ўрнатилган пломбаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик биносида (иншоотида) ушбу қурилмалар ўрнатилган ташкилотга (электр таъминоти корхонаси ёки истеъмолчига), уларнинг эксплуатацияси ва техник ҳолати учун жавобгарлик эса – қурилма эгасига юкланди. Агар ҳисоблагичлар, ўлчов трансформаторлари, иккиламчи занжирлар, алоқа линиялари учинчи ташкилот биносида (иншоотида) ўрнатилган бўлса, жавобгарлик масаласига ҳолатдан келиб чиқиб, манфаатдор томонлар иштироқида, лозим бўлганда холис эксперталар жалб этилган ҳолда аниқлик киритилади.

68. Ҳисоблагичларнинг:

қобик (корпус) қисмида, дастурлаш тұгмасида, модул алоқа қисмида – ҳисоблагични ишлаб чиқарувчи заводнинг;

ташқи қобиги (корпус) маҳкамланадиган жойларида, ўлчов трансформаторларида эса – алоҳида ажратилган жойларда “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассасасининг ёки унинг худудий бўлинмалари ёки тегишли тартибда аккредитациядан ўтган лабораториянинг;

клеммник қопқоқларида, ток трансформаторларнинг клеммникларида, хотира ва синов блокида, ҳисоблагич дастурлашдан фойдаланиш тугмасида (бўлмасида), ўтувчи клеммникларда, кучланиш трансформаторлари ажратгичлари юритмалари ва ҳимоя автоматларида, модул қурилмаларида (ҲЭТК томонидан алмаштирилганда) – ҲЭТКнинг белгиланган намунадаги пломбалари бўлиши керак.

Ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторлари ишлаб чиқарувчи заводда белгиланган тартибда бирламчи қиёсловдан ўтказилади.

Ўлчов трансформаторлари истеъмолчи ҳисобидан аккредитациядан ўтган метрология хизмати томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда даврий қиёсловдан ўтказилади.

69. Агар майший истеъмолчида ҳисоблагичнинг қиёсловдан ўтказиш оралиги тугаши билан электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қиёслов тадбирлари ўтказилмаган бўлса, унда ушбу истеъмолчи қиёсловдан ўтказиш муддати тугаган ҳисоблагичнинг кўрсаткичларига кўра электр энергияси ҳақини тўлайди.

Бунда электр таъминоти корхонаси майший истеъмолчи томонидан қиёсловдан ўтказиш муддати тугаган ҳисоблагичдан фойдаланган электр энергияси учун қайтадан ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Истеъмолчиларда ҳисоблагичларнинг сифат ва сарф кўрсаткичлари ҳамда ишлаш механизмларига шубҳа туғилганда, аккредитациядан ўтган метрологик хизматида ўз ҳисобидан мустақил қиёсловни ўтказиш ҳуқуқига эга. Ҳисоблагичда белгиланган стандартларга номутаносиблик аниqlанган тақдирда, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

Бунда электр таъминоти корхонаси истеъмолчининг биринчи талабига кўра ҳисоблагичларни бепул ечиш, ўрнатиш, пломбалаш ва рўйхатдан ўтказишга мажбур.

70. ҲЭТК ва Ўзэнергоинспекциянинг ваколатли вакилини ҳисоблагични текширишга қўймаслик далолатнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи ҲЭТКлари ва (ёки) Ўзэнергоинспекция вакили томонидан тузилган далолатнома билан танишиб, уни имзолаши зарур. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, бу ҳақда тегишли белги қўйилади. Рад этиш икки нафар гувоҳ ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Далолатномани имзолашни рад этган истеъмолчи бунинг сабабини тушунтиришга ҳақли ва у далолатномага киритилган бўлиши лозим.

Истеъмолчининг далолатномани имзолашни рад этиши, уни электр тармоқлардан узишга асос бўлади ва бу ҳақда у хабардор қилинган бўлиши лозим.

71. Ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш ҲЭТК билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва кўрсатилган хизматлар ҳақи истеъмолчи томонидан тўланади.

Ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторларини ўзбошимчалик билан бошқа жойга ўрнатиш ва (ёки) алмаштириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, ҲЭТК истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди, ҲЭТК томонидан мазкур Коидаларга мувофиқ қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Юридик шахс бўлган истеъмолчиларга ўрнатилган ҳисоблагич ва ўлчов трансформаторларини алмаштиришда далолатнома фото ва (ёки) видео материалларни илова қилган ҳолда расмийлаштирилади.

72. Ҳисоблагич уланиш схемасини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ишлар фақат ҲЭТК томонидан истеъмолчи иштирокида, бу ҳақида уларни хабардор қилингандан сўнг амалга оширилади. Ишларни бажариш даврида фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб қилиш ҲЭТК томонидан белгиланган вақтингча схемалар бўйича амалга оширилади.

## **11-боб. Электр энергияси истеъмолчиларининг тариф гурухлари**

73. Истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича учта тариф (I, II, III) гурухига бўлинади.

I тариф гурухига асосий ва захира электр таъминоти учун уланган куввати йиғиндиси 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган истеъмолчилар киради. Бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно.

74. II тариф гурухи истеъмолчиларига I тариф истеъмолчиларидан бошқа барча юридик шахс бўлган истеъмолчилар ҳамда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибига кирадиган, худудий электр таъминоти корхоналари, шу жумладан, ҲЭТКдан электр куввати оладиган корхона ва ташкилотларнинг, шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ушбу корхоналар худудидан ташқарида алоҳида жойлашган объектларининг хўжалик эҳтиёжлари киради.

Бунда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибига кирадиган ҳамда электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан хўжалик эҳтиёжлари учун ўзига тегишли тармоқларда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича фойдаланилган электр энергияси амалдаги таннарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

75. III тариф гурухига майший истеъмолчилар киради. Ушбу тариф гурухи бўйича ахоли томонидан турмуш эҳтиёжлари учун уй-жойларда, хонадонларда, ётоқхоналарда, ёрдамчи хўжаликларда, шахсий фойдаланилдиган томорқа боғ объектларида, шу жумладан, боғ ширкатлари ва дала ҳовлилар суғориш насослари, шахсий автомашиналар учун гаражларда сарфланадиган электр энергияси ҳаки ток қабул қилгичларнинг қуввати ҳамда ҳисоблагичлар ўрнатилган жойидан қатъи назар тўланади.

## **12-боб. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

### **1-§. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қоидалари**

76. Бевосита “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналарнинг электр тармоқларидан ҳамда истеъмолчилар ёки субистеъмолчилар электр тармоқлари орқали узатилдиган электр энергияси учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли тарифлар бўйича электр таъминоти шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан муқобил энергия манбаларини ўрнатиб, ўз эҳтиёжидан орттириб тармоқка узатилган ҳамда тармоқдан истеъмол қилинган электр энергияси истеъмолининг ҳажми ўзаро ҳисоб-китоб (бартер) қилинади.

Барча электр энергияси истеъмолчиларининг (майший истеъмолчилардан ташқари) ойлик электр энергияси истеъмоли ҳисоблангандан кейин ҲЭТК томонидан истеъмолчиларга актив электр энергияси бўйича электрон ҳисоб-фактура жўнатади. Мазкур электрон ҳисоб-фактура жўнатилганлиги истеъмолчини тўлаш тўғрисида огохлантириш ҳисобланади. Реактив энергия истеъмоли ҳажми эса далолатнома кўринишида истеъмолчига электрон тарзда жўнатилади.

Барча электр энергияси истеъмолчилари (майший истеъмолчилардан ташқари) ҲЭТК билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин ҳар ойнинг бешинчи санаисига қадар фойдаланилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

77. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида истеъмолчиларни тариф гурухлари бўйича тақсимланиши мазкур Қоидаларга мувофиқ белгиланади.

ҲЭТК билан электр таъминоти шартномаси тузилгандан кейин истеъмолчининг айби билан истеъмолчини тегишли бўлмаган тариф гурухига киритиш ҳолати аниқланганда, ҲЭТК томонидан шартнома тузилган пайтдан, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган давр учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Бунда қайта ҳисоб-китоблар амалдаги тарифга асосан тарифлар фарқи бўйича жами истеъмол қилинган электр энергияси миқдори учун амалга оширилади.

78. I тариф гурухи истеъмолчилари учун табақалаштирилган тариф қўлланилади.

Табақалаштирилган тариф сутканинг вақт зонаси бўйича истеъмол қилинган ҳар 1 кВт соат электр энергияси учун тўловдан иборат. Бунда:

ярим тифиз давр – сутканинг ёруғ вақти (соат 9-00 дан 17-00 гача);

тифиз давр – эрталабки ва кечки максимум (ягона электр энергетика тизимининг максимал юкламалар соатлари соат 6-00 дан 9-00 гача ва соат 17-00 дан 22-00 гача);

тунги давр – сутканинг қоронғи даври (ягона электр энергетика тизимининг минимал юкламалар соатлари соат 22-00 дан 24-00 гача ва соат 00-00 дан 06-00 гача).

Бунда фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар ягона электр энергетика тизимининг:

тифиз давр соатларида – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсуви коэффициент;

тунги давр соатларида – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициент;

ярим тифиз давр соатларида – белгиланган тариф қўллаб амалга оширилади.

79. II ва III тариф гурухлари истеъмолчилари билан белгиланган тариф бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

80. Майнинг фақат юридик шахс томонидан қуёш фотоэлектр станциялари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Майнинг учун ягона электр энергетика тизимида белгиланган тартибда рухсат олиб уланган ҳолда электр энергиясидан фойдаланган тақдирда:

истеъмолчилар истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловлар II тариф гурухига нисбатан икки баравар ўсуви коэффициентга мувофиқ тўланади;

истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳисоби алоҳида ҳисоблагич ўрнатилган ҳолда юритилади;

белгиланган тартибда рухсат олмасдан майнинг билан шуғулланувчи шахсларнинг ягона электр энергетика тизимида уланиш ҳолатлари аниқланганда, уларга II тариф гурухига нисбатан амалдаги тарифга беш баравар ўсуви коэффициент қўлланилади.

81. Ташқи реклама обьекти (конструкцияси, видеоэкранлар, электрон дисплейлар, медиа фасад ва бошқа техник воситалар), иллюминациялар ва светодиодли лампалар шодаси учун фойдаланилган электр энергияси II тариф гурухига асосан белгиланган тарифга уч баравар оширилган коэффициентга мувофиқ ташқи реклама обьектининг ўрнатилган қуввати микдорини 24 соат фойдаланиши ҳисобидан ёки алоҳида ҳисоблагич ўрнатиш орқали ҳисоб-китоб амалга оширилади (бюджет ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар бундан мустасно).

82. Бир неча тариф гурухига мансуб истеъмолчилар билан ҳисобкитоблар ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган ҳисоблагичлар кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

83. Электр энергияси учун ҲЭТК ёки истеъмолчи томонидан ёзиладиган тўлов ҳужжатлари бўйича электр таъминоти шартномасига мувофиқ ҳақ тўланади.

84. ЭҲНАТГа уланган ҳисоблагичга эга бўлган истеъмолчиларга электр энергияси олдиндан тўланган тўлов доирасида етказиб берилади.

85. Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчилар томонидан (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергияси истеъмоли шартномавий миқдордан 10 фоиз ва ундан ортишига йўл қўйилган тақдирда, ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг икки баравари миқдорида қўшимча тўлов ундирилади.

86. Истеъмолчи юридик шахс сифатида тугатилган тақдирда, унинг электр курилмасига ҲЭТК томонидан электр энергиясини етказиб бериш тақиқланади.

Агар, истеъмолчи фаолияти тугатилганлиги ёки тугатилаётганлиги тўғрисида ҲЭТКга мурожаат қилгандан сўнг электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилмаган бўлса, у ҳолда бунинг оқибати учун ҲЭТК қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

87. Ҳисоблагич кўрсаткичлари ёзиб олинмаган ёки электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисбот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҲЭТК томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисоблагич кўрсаткичлари назорат тартибида ҲЭТК томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

88. Электр энергияси учун тўлов қуидаги тартибда амалга оширилади:

маиший истеъмолчилар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт, ЭҲНАТГа уланган майший истеъмолчилар бундан мустасно;

ЭҲНАТГа уланган майший истеъмолчилар қарздорлиги мавжуд бўлганда, дастур орқали дарҳол тармоқдан узилади;

истеъмолчиларга (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергияси 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилади;

истеъмол қилинган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда тўланмаган қарзи бўлган юридик шахсларга электр энергияси етказиб бериш тўхтатиб қўйилади (максус тартибга кўра электр энергияси етказиб бериладиган истеъмолчилар бундан мустасно).

89. Тўлов хужжатида хатолар ёки ҳисоб-китобларда ноаниқликлар аниқланган тақдирда, истеъмолчи ҲЭТКга дарҳол мурожаат қилиши керак.

ҲЭТК истеъмолчи билан бирга мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисоблагичларни ҳам кўриқдан ўтказиши керак.

Ҳисоблагичларни кўриқдан ўтказиш ёки тўлов хужжатидаги хатолар тўғрисидаги мурожаат истеъмолчини тўловни белгиланган муддатда ва тартибда тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Агар ҳисоблагич ва ўлчов трансформаторидаги четга чиқиш ушбу ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторлари учун белгиланган аниқлик доирасидан ошмаса, бундай четга чиқишилар йўл қўйилиши мумкин бўлган четга чиқиш деб ҳисобланади.

Агар тўлов хужжатини текшириш ёки ҳисоблагични кўриқдан ўтказишдан кейин (шу жумладан истеъмолчи мурожаат қилмаса ҳам) электр энергияси микдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш зарурати аниқланса, бунда ҲЭТК томонидан ҳақиқий (аниқ) истеъмол қилинган электр энергияси микдори бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилади ва кейинги ой ҳисоботида инобатга олинади.

90. Ҳисоблагичлар электр тармоқларининг қайси нуқтасида ўрнатилганлигидан қатъи назар, ҲЭТК ва истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия ҲЭТК ва истеъмолчи тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ҳисобга олиниши шарт.

91. Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси микдори ва худди шу даврда худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қабул қилинган электр энергияси микдори ўртасидаги тафовут (шу жумладан, электр энергиясининг амалдаги технологик сарфи норматив сарфдан ошиши ҳисобидан пайдо бўлаётгани), меъёрлар доирасида ушбу электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишдаги унинг технологик сарфининг белгиланган тартибда тасдиқланган нормативи ҳажми чиқариб ташланган ҳолда, худудий электр тармоқларининг келгуси давр балансига ўтказилади.

92. Ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги актив ва реактив энергия технологик сарфининг ҳажми истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш ёки тарафлар келишуви асосида шартномада қайд қилиш орқали аниқланади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, ҲЭТКнинг ёки истеъмолчининг ҳисобига ўтказилади.

93. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҲЭТКнинг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидағи электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҲЭТКнинг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

94. Истеъмолчининг айби билан электр таъминоти шартномасида кўрсатилган электр энергияси ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади. Истеъмолчи ўз фаолиятини тўхтатган (тугатган) тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилади.

95. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) ҳисоб-китоб ойидан кейинги календарь ой тугагач, қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисобланади.

Қоидабузарлик далолатномасига асосан ҳисобланган ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори бўйича ўзаро низо истеъмолчи билан суд тартибida кўрилганда суд ҳужжатларига асосан пеня истеъмолчи ёки таъминотчи корхона фойдасига қайта ҳисобланади.

Истеъмолчининг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби, қувват коэффициенти қийматининг истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномасида кўрсатилганига нисбатан пасайтирилгани учун ҳисобланган маблағ ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

96. Истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун ҳисоб-китоб бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солишириш далолатномасини имзолаш рад этилган тақдирда, қарз тузилган электр таъминоти шартномасига мувофиқ шартномавий ҳажмдан келиб чиқсан ҳолда, истеъмолчининг банқдаги ҳисобварагига ҲЭТК томонидан тўлов талабномаси қўйиш йўли билан ундирилади.

97. Истеъмолчи (маиший истеъмолчилардан ташқари) эгаллаб турган бинодан унинг топширилиши, сотилиши ёки бошқа сабабларга кўра кўчиб кетган тақдирда, у бу ҳақида ҲЭТКни ёзма шаклда хабардор қилиши ҳамда электр энергияси учун кўчиб кетиш кунигача тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт, шундан сўнг ҲЭТК обьектга электр энергияси етказиб беришни тўхтатади. Янги истеъмолчини расмийлаштириш ва электр курилмаларини электр тармоғига улаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

98. Томонлар уларнинг хоҳиши ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий оғатлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда вазиятларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

99. Агар қўрсатилган форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларнинг шартномада белгиланган муддатларда бажарилишига таъсир қилса, у ҳолда ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига, аммо электр таъминоти шартномасининг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган вақтга узайтирилади.

100. ҲЭТК туман, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр энергияси учун тўловни йиғиш функцияларини белгиланган тартибда хусусий операторга ўтказиши мумкин.

Электр энергияси учун тўловни йиғиш функцияларини бажарувчи хусусий операторлар ўз фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширадилар.

101. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҲЭТК уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъи назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб амалга киритилган тариф бўйича ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, электр энергияси (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг тарифи ўзгарган кундан бошлаб:

маиший истеъмолчилар – икки ойдан ортиқ бўлмаган;

бошқа истеъмолчилар – бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга аванс тариқасида тўланган ҳажм учун қўшимча тўлов тўлашдан озод этиладилар.

## **2-§. Истеъмолчилар билан электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилиш**

102. Асосий ва захира электр таъминоти учун уланган қуввати йифиндиси 750 кВА ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қиласди (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно).

Захира электр таъминоти учун ўрнатилган қувват электр тармоқдан ажратилганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилиб, уланган қувват 750 кВА дан кам бўлганда истеъмолчи табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб килинмайди.

Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчи унинг электр қурилмалари “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг икки ёки ундан ортиқ алоҳида филиаллари ёки электр таъминоти корхоналари тармоқларидан таъминланаётган бўлса, ушбу истеъмолчи ўзи жойлашган ҳудуд филиали билан битта электр таъминоти шартномасини тузиб, электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳақ тўлайди, мазкур Қоидаларнинг 104-банди бундан мустасно.

103. Битта электр таъминоти корхонаси тармоғига уланган истеъмолчининг цехлари ёки обьектлари алоҳида-алоҳида ҳар хил ҳудудда ёки ёндош (қўшни) ҳудудда жойлашган бўлиб, битта тақсимловчи умумий тармоққа эга бўлмаса, бунда бу цехлар ёки бошқа алоҳида обьектлар бўйича ҳисоб-китоблар тегишли тариф гурухлари бўйича амалга оширилади.

### **3-§. II тариф гуруҳи истеъмолчилари билан электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиши**

104. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув ташкилотлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари томонидан умумий уй-жой эҳтиёжлариға фойдаланиладиган электр энергияси учун ҲЭТК билан ҳисоб-китоблар электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилган ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари ва майший истеъмолчилар учун белгиланган базавий меъёрда белгиланган тариф бўйича амалга оширилади.

105. ҲЭТК билан кўп квартирали уйлар электр тармоқларининг мансублик чегарасидан майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисоблагичларигача бўлган, умумий фойдаланишдаги электр тармоқларидағи электр энергиясининг технологик сарфлари ҲЭТКнинг технологик сарфлари ҳисоб-китобида инобатга олиниб ҳисобланади.

106. Кўп квартирали уйларни бошқарганда, уй-жой эгаларининг умумий йиғилиши билан вакил қилинган шахс уйнинг умумий эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича ҲЭТК билан электр таъминоти шартномаси тузиш ҳукуқига эга.

Бунда уй-жой эгаларининг умумий йиғилиши билан вакил қилинган шахс ҲЭТК билан ўзаро муносабатларда уй-жой мулкдорлари номидан ҳаракат қилишга ҳақлидир.

107. Кўп квартирали уйларнинг электр ускуналари ва электр тармоқларидан фойдаланишга эксплуатация ташкилоти томонидан улар белгиланган тартибда қабул қилиниб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилгандан кейин рухсат этилади.

108. ҲЭТК тураг жой ва нотураг жой фонди биноларининг эгалари ва ижарачилар (юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар) билан электр таъминоти шартномасини тузади ва уларга шахсий ҳисобварақлари очади.

Битта уй-жой мулкдорлари ширкати бир неча ширкатларга бўлинганда ёки вақтинча тураг жой ва нотураг жой фондининг уй-жойларини кимнингдир мол-мулкига ўтказиш масаласи вақтинча ҳал этилмаган тақдирда, ҲЭТК маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, маълум бир уй-жойларнинг умумий эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган электр энергиясини етказиб беришни тўхтатади.

Бошқарув ташкилотлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкати таркибидан уй-жой эгаларининг умумий йигилиши қарори билан янги ширкат тузиб ажралиб чикканда, электр энергиясидан мавжуд қарздорлиги бўлган ширкатлар ўртасида ўзаро тақсимланган далолатнома тузилиши шарт.

Бошқарув сервис компаниялари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ўз таркибига бошқа ширкатларни кўшиб олганда, электр энергиясидан мавжуд қарздорлиги билан қабул қилиб олади.

**109. Шахсий ҳисобварақ бошқа истеъмолчига ҲЭТК томонидан туар жой ва нотуар жой фондининг янги мулкдорининг кадастр хужжатлари маълумотларига мувофиқ қайта расмийлаштирилади.**

Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва унинг худудий бошқармалари кўчмас мулкка эгалик ҳукуқи давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин уч кун муддатда ҲЭТКга кўчмас мулк эгаси ҳақида маълумот юборади ва унга мувофиқ истеъмолчилар билан шартномалар қайта расмийлаштирилади.

Туар жой ва нотуар жой фонди биносига кўчиб кирган янги мулкдор электр тармоғига уланиши учун 30 кун мобайнида ҲЭТК билан электр таъминоти шартномасини тузиши ва ўз номига шахсий ҳисобварақни расмийлаштириши шарт (маиший истеъмолчилар бундан мустасно). Шахсий ҳисобварағи кўрсатилган муддатда расмийлаштирилмаса, мавжуд қарздорлик бўйича жавобгарлик туар жой ва нотуар жой фонди биносининг янги мулкдори зиммасига юкланади.

Кўчмас мулк олди-сотди битими давлат рўйхатидан ўтказиш органи томонидан давлат рўйхатига олингандан сўнг мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи, нотариал ҳаракат амалга оширилган кун ва қайд этилган рақам, кўчмас мулк кадастр рақами ва кўчмас мулкнинг умумий (туар жой) майдони, шунингдек, мобил телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилган маълумот юборилади. Бунда ҲЭТК маълумот тушгандан кейин бир ой муддатда мулкдор билан электр таъминоти шартномасини тузиши шарт (маиший истеъмолчилар бундан мустасно).

**110. ҲЭТК туар жой ва нотуар жой фонди биноларининг эгалари билан электр энергияси учун ҳисоб-китоблар, туар жой ва нотуар жой биноларининг ижарачиларига (юридик шахс бўлган ижарачилар бундан мустасно) ёки ёлловчиларга топширилишидан қатъий назар, умумий ҳисоблагичлар бўйича амалга оширади. Туар жой ва нотуар жой фонди биноларининг эгалари билан ижарачилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар назорат ҳисоблагичлари бўйича олиб борилиб, ҲЭТК ҳеч қандай ҳисоб-китобларни амалга оширмайди.**

Туар жой ва нотуар жой фонди биноларининг эгалари билан ижарачилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича низолар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

111. Хонадонда, шунингдек, ётоқхоналарда бир нечта оила яшаганда, ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган электр энергияси алоҳида оилалар ўртасида назорат ҳисоблагичлар кўрсаткичлари бўйича тақсимланади.

Назорат ҳисоблагичларини ўрнатиш учун ҲЭТКнинг рухсати талаб қилинмайди.

Назорат ҳисоблагичларининг тўғри ишлашини назорат қилиш, уларнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш ва электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мажбуриятлари яшовчиларнинг зиммасига юкланади.

Умумий фойдаланиладиган жойларда истеъмол қилинган электр энергияси микдори алоҳида оилалар ўртасида амалда яшовчиларнинг сони бўйича тақсимланади.

ҲЭТК электр энергиясидан умумий ҳисоблагичлар орқали фойдаланувчи фуқаролар билан ҳеч қандай ҳисоб-китобларни амалга оширмайди.

112. Электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича мазкур Коидаларга риоя қилиш, тураг жой ва нотурар жой фонди биносидаги ҳисоблагичларнинг сақланиши ва бутлигини таъминлаш учун жавобгарлик тураг жой ва нотурар жой фонди биносининг эгаси зиммасига юкланади.

113. Ҳисоблагичлар зинапоя майдончаларида ўрнатилган тақдирда уларнинг сақланиши ва бутлиги учун уй-жой мулкдорлари ширкати ёки тасарруфида уй-жой бўлган идора, ташкилот жавоб беради.

Кўп квартирали уйлар зинапоя майдончаларида ўрнатилган ҳисоблагичларга зарап етказилганда ёки ўгирланган тақдирда, уй-жой мулкдорлари ширкати ёки идора, ташкилот уларни ўз ҳисобидан тиклаши шарт.

Кўп квартирали уйлардаги хонадонлар ва якка тартибдаги уй-жойлар ичида ўрнатилган ҳисоблагичларнинг сақланиши ва бутунлиги учун истеъмолчи жавоб беради.

Агар ҳисоблагичлар, ўлчов трансформаторлари, иккиласми занжирлар кўп қаватли уйлар зинапоя майдончаларида ёки якка тартибдаги уй-жойларнинг бино-иншоот ва фойдаланиш худудидан ташқарида (трансформатор пункти, таянч, ташқи фасад ва бошқалар) ўрнатилган бўлиб, ҳисоблагич ўлчов тизимига ташқи аралашувлар қилиниши натижасида истеъмол қилинган электр энергияси микдори камайтирилганлиги ҳисоблагич ёки ЭҲНАТ базаси хотира маълумотлари билан ўз тасдини топганда, истеъмолчи жавобгар ҳисобланади.

114. Уй-жой мулкдорлари ширкати, бошқарув ташкилоти, уй-жой мулкдорлари ва тураг жойлардаги ҳамда бошқа бинолардаги хоналарни ижарачиларга (юридик шахсларга ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларга) ижарага берувчи бошқа ташкилотлар ҲЭТКнинг рухсатисиз ижарачиларга тегишли бўлган электр қурилмаларини (электр энергиясидан фойдаланиш мақсадларидан қатъи назар) уйнинг ички электр тармоқларига улаш ҳуқуқига эга эмас.

115. Ижаачилар (юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар) турар жой ва нотурап жой фонди биносининг эгаси билан шартнома тузгандан кейин уч кун муддатда ижарага олинган бинода электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ҲЭТКга мурожаат қилиши шарт.

Ижаачи бинодан кўчиб кетадиган бўлса, турар жой ва нотурап жой фонди биносининг эгаси ижаачидан ҲЭТКнинг у кўчиб кетиш кунигача электр энергияси учун ҳисоб-китоб амалга оширганлиги ҳакидаги маълумотномани талаб қилиши шарт. Кўчиб кетган ижаачиларнинг электр энергияси учун қарзлари бўйича жавобгарлик ижарага берувчи зиммасида бўлади.

116. ҲЭТК билан кўп квартирали уйлар электр тармоқларининг мансублик чегарасидан алоҳида хонадонлар электр ҳисоблагичигача бўлган умумий фойдаланишдаги электр тармоқлари (ўтказгичлар, коммутация аппаратлари, тақсимловчи шчитлар) техник ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун уй-жой мулқдорлари ширкатлари, бошқарув ташкилотлари ва тасарруфида турар жойлар бўлган ташкилотлар жавоб беради.

#### **4-§. III тариф гуруҳи истеъмолчилари билан ҳисоб-китоб қилиш**

117. Маиший истеъмолчилар хонадонларда, шахсий уй-жойларда, ёрдамчи хўжаликлар, шахсий фойдаланиладиган томорқа боғ обьектларида фойдаланилган электр энергияси учун майший эҳтиёжларда қўлланиладиган ток қабул қилгичлар қуввати ва вазифасидан қатъи назар, аҳоли учун белгиланган тариф ва шартлар бўйича ҳақ тўлайдилар.

Шахсий электромобилларни қувватлаш ускуналари учун алоҳида ҳисоблагич ўрнатилади ҳамда алоҳида ҳисобварак орқали II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун белгиланган тариф асосида ҳисоб-китоб қилинади.

118. Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталари билан жиҳозланган кўп квартирали уйлар ва ётоқхоналарда яшайдиган майший истеъмолчилар томонидан фойдаланиладиган электр энергияси ҳақи III тариф гуруҳига кирадиган амалдаги тарифнинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

Бунда ушбу уй-жойларни тармоқка улаш учун берилган техник шартларда, лойиҳа ҳужжатларида ва таъминловчи тармоқларда (трансформаторлар, кабеллар, тақсимловчи шчитлар, коммутация аппаратлари, электр узатгичларда) электр плиталарнинг қуввати аввалдан инобатга олинган бўлиши шарт. Лойиҳа бўйича овқат тайёрлаш учун марказлашмаган ҳолда газ плиталари билан жиҳозланган кўп квартирали уйлар ва ётоқхоналарга мазкур банднинг биринчи хатбошиси татбиқ этилмайди. Бундай уй-жойлар ва ётоқхоналарда газ плиталарни ўзбошимчалик билан электр плиталарга алмаштириш тақиқланади.

Электр энергиясидан ахолига электр энергиясини етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оиласвий корхоналар, оиласвий тадбиркорлар, Уй меҳмонхоналари (хостеллар), “Хунарманд” уюшмаси аъзолари, шунингдек, электр энергиясидан ахоли эҳтиёжлари учун фойдаланадиган локал қозонхоналарга майший истеъмолчиларга белгиланган тариф ва шартлар қўлланилади.

Бунда диний ташкилотлар томонидан фойдаланилган электр энергияси учун тарифлар майший истеъмолчилар учун белгиланган базавий меъёрда белгиланган тариф бўйича амалга оширилади.

**ЭҲНАТГа уланган ҳисоблагичларга эга майший истеъмолчиларга электр энергияси электр таъминоти шартномаси асосида ва олдиндан тўланган тўлов доирасида етказиб берилади.**

119. Муқобил энергия манбалари орқали ишлаб чиқарилиб, энергетика тизимиға узатилган ҳамда тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўзаро ҳисоб-китоб (бартер) қилинади, орттирилган ҳажм эса ҲЭТК ёки истеъмолчи фойдасига “0” кВт\*соатдан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади. Истеъмол қилинадиган электр энергиясидан оқилона фойдаланиш мақсадида майший истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмоли юклама орқали чегараланади.

Бунда ҲЭТК томонидан ЭҲНАТ доирасида истеъмолчиларга эҳтиёжлари учун зарур бўлган қурилмаларнинг минимал қувватидан ҳамда жойлашган худудидан келиб чиқиб, ҳисоблагич орқали 10 – 15 кВт қувват доирасида чеклов киритилади.

120. Бирор-бир сабабга кўра ҳисоблагичга эга бўлмаган ва (ёки) мазкур турар жойда вақтинча яшамаётган майший истеъмолчи электр энергияси учун нотўғри тўлов ҳисбланишининг олдини олиш учун ҲЭТКни бу тўғрида ёзма равища хабардор қилиши шарт.

121. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хонадонлар, хусусий уй-жойлар, боғ участкалари ва бошқа шахсий обьектлардан фойдаланилган истеъмолчилар ишлатилган электр энергияси учун тадбиркорлик фаолиятининг (савдо, хизматлар кўрсатиш, товарлар ишлаб чиқариш, электромобилларни қувватлаш хизматлари ва бошқалар) тури бўйича электр энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига мувофиқ ҳак тўланади.

Бунда тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган электр энергияси бўйича ҳисоб-китоблар учун алоҳида ҳисоблагич ўрнатилиши зарур.

122. ҲЭТК ҳар бир майший истеъмолчи билан электр таъминоти шартномасини тузади ва зарур ҳолларда электр энергияси ҳақини тўлаш учун унга белгиланган намуналиги ҳисоб-китоб дафтарчасини беради.

Бунда майший истеъмолчи тармоқка белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайтдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб дафтарчасининг ҳар бир вараги квитанция ва билдиришномадан иборат бўлиб, уларда майший истеъмолчининг шахсий ҳисобварафи туширилган бўлиши керак.

Тўлов ҳужжатининг ҳар иккала қисми (билдиришнома ва квитанция) бир хилда, аниқ, ўчириб ёзишларсиз тўлдирилиши керак. Тўлов ҳужжатларида фамилия, манзил, тўловнинг жорий ва олдинги санаси ҳамда саналарга мувофиқ ҳисоблагич кўрсаткичлари ва тўлов суммаси кўрсатилиши керак.

123. Майший истеъмолчи томонидан ҳисоб-китоб даврида амалда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори истеъмолчининг ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Агар ҳисоблагич ўлчов трансформаторлари (ток, кучланиш) орқали уланган бўлса, амалда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори ушбу ўлчов трансформатор трансформация коэффициенти инобатга олинган ҳолда аниқланади.

124. Ҳисоблагичлардан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва тўлов ҳужжатини ёзиб бериш ҲЭТКнинг вакили ёки истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

ҲЭТК вакили томонидан ёзиб берилган тўлов ҳужжати (билдиришнома) майший истеъмолчига имзо қўйдирив топширилади, у бўлмаган тақдирда эса – у билан бирга бир хонадонда (хусусий уйда) яшовчи вояга етган шахсга топширилади ёки билдиришнома билан бирга буортма хат орқали жўнатилади.

125. Агар навбатдаги айланиб чиқиши давомида ҳисоблагич ўрнатилган хона ёпиқ бўлса, бу ҳақда майший истеъмолчининг шахсий ҳисобварафида тегишли белги қайд этилади.

Ҳисоблагич кўрсаткичларини назорат тартибида ёзиб олиш бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ҲЭТК электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ёки олдинги давр учун амалдаги электр энергияси истеъмолининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларга асосан тўлов ёзиш хуқукига эга бўлиб, бу ҳақида майший истеъмолчининг ҳисобварафида тегишли белги қўйилади. Бунда ҳисоблагичлардан назорат кўрсаткичлари ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади.

126. ҲЭТКнинг вакили гувоҳномасини кўрсатган тақдирда, хонадондаги ҳисоблагич кўрсаткичларини ва уланиш схемаларини соат 08-00 дан 20-00 гача ҳеч қандай қаршиликларсиз кўриш хуқукига эгадир.

Ҳисоблагичларни кўздан кечириш учун ҲЭТК ходимини қўймаслик мазкур Коидаларнинг 70-бандида белгиланган чоралар кўрилишига сабаб бўлади.

127. Тўлов хужжатларини ёзиш ва ҳақ тўлаш пайтида йўл қўйилган хатолар ҲЭТК томонидан даъво муддати мобайнида ушбу хатоликлар аниқлангунига қадар ҳисобга олинади.

128. Тўлов тегишли ташкилот томонидан қабул қилиб олинган сана тўлов амалга оширилган сана ҳисобланади.

Тўлов электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилган тақдирда, маблағлар истеъмолчининг шахсий ҳисобварагига ўтказилган (транзакция) сана тўлов амалга оширилган вақт деб ҳисобланади.

129. Аҳолидан тўловларни қабул қиласиган ташкилот (тижорат банкларининг бўлимлари, “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг бўлимлари ва аҳолидан тўловни қабул қилиб олиш пунктлари) тўлов хужжатларини ўрам, бандероллар ва электрон реестрларга жамлайдилар.

Ҳар қайси бандеролда (банк бўлими томонидан маълум даврда қабул қилиб олинган майший истеъмолчиларнинг тўлов хужжатлари тўпламида) уларни ҲЭТКга бериш вақтида ёрлик бўлиши лозим, ёрлиқда қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- бандеролни шакллантириш бошланган ва тугалланган сана;
- бандеролдаги ҳужжатлар сони;
- қабул қилиб олинган тўловларнинг умумий суммаси;
- касса хизмати кўрсатилганлиги учун тўлов сифатида ушлаб қолинган сумма;
- ҲЭТК ҳисобварагига ўтказиладиган сумма.

Бунда аҳолидан тўловни қабул қилиб олувчи ташкилотлар электр энергияси учун тўлов сифатида келиб тушган маблағлар шартномада белгиланган муддатларда ҲЭТКга ўтказилишини таъминлаши шарт.

130. Майший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайдилар.

Пеня ҳисоблагич кўрсаткичлари ёзиб олингандан кейин ва амалга оширилган қайта ҳисоб-китоблардан сўнг, шунингдек, белгиланган тартибда киритилган олдиндан тўлов ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг 11-кунидан бошлаб майший истеъмолчининг аниқлаштирилган қарздорлик (тўланмаган қарз) суммасидан ундирилади.

Пеняни ҳисоблаш учун қарздорлик ҳосил бўлган ой аниқланади ва тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня шу ойдан бошлаб ҳисобланади.

Истеъмол қилинган электр энергияси бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда, майший истеъмолчига тегишли бўлган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган вояга етган жисмоний шахслар қарздорликни тўлаш бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Вояга етган жисмоний шахснинг солидар жавобгарлиги у майший истеъмолчига тегишли бўлган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган вақтдан бошлаб вужудга келади ва рўйхатдан чиқарилган вақтгача амал қиласи.

131. Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда мазкур Қоидалар асосида қайта ҳисобланади.

132. Тариф ўзгарганда, тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртacha суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари тўлов кунида ёзиб олинган деб ҳисобланади.

Тарифлар ўзгаргандан кейин истеъмол қилинган электр энергияси миқдори учун янги тариф бўйича ҳақ тўланади.

### **5-§. Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, ушбу ҳолатларни расмийлаштириш ва ҳисобга олинмаган электр энергияси ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

133. Куйидаги ҳолатлар истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ноқонуний фойдаланиш) ҳолатлари деб ҳисобланади:

а) электр таъминоти шартномасини тузмасдан, электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш.

Агар истеъмолчи энергия таъминоти корхонаси ходими билан тил бириклириб, уланишда норматив-хукуқий хужжатлар талабларини бажармасдан, шартномасиз ва ҳисоблагичи ҲЭТКнинг тегишли дастурий таъминоти базаларига киритилмасдан электр тармоғига уланиб, электр энергиясидан фойдаланган тақдирда ўзбошимчалик билан фойдаланишга тенглаштирилади (истеъмолчининг электр тармоғига уланиш учун тегишли хужжатлари мавжуд бўлиб, лекин ҳисоблагич ҲЭТКнинг тегишли дастурий таъминоти базасига ойдан-ойга ўтиш жараёнида дастурга кирмай қолган ҳолатлар бундан мустасно);

б) ҳисоблагич кўрсаткичларини қасдан камайтириш мақсадида унга ташки таъсир кўрсатиш;

в) ҳисоблагич ва ўлчов трансформаторларининг тамғаларини ўзбошимчалик билан бузиш;

г) I тариф гуруҳи истеъмолчиларида ўрнатилган ҳисоблагичда сутканинг вақт зonasини ўзбошимчалик билан ташки таъсир кўрсатиш орқали ўзgartiriш;

д) ўзбошимчалик билан ҳисоблагич ёки ўлчов трансформаторларини алмаштириш;

е) ҳисоблагичнинг уланиш схемасини ўзбошимчалик билан ўзgartiriш;

ж) ҳисоблагиң хотирасидаги күрсаткичларни йўқ қилиш мақсадида ҳисоблагиң қасдан йўқ қилиш (ёки юбориш, синдириб майдалаш ва шу кабилар). Истеъмолчининг айбисиз ҳисоблагиң юқори кучланиш/ток келиши натижасида эриб кетиши ёки бошқа табиий сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиши бундан мустасно;

- з) ҳисоблагиңдан ташқари уланиш;
- и) ҳисобга олинадиган электр энергияси миқдорини камайтириш мақсадида ўлчов трансформаторларига биритирилган паспорт маълумотларини қасдан ўзгартириб қўйиш;

к) юридик шахс истеъмолчилар томонидан (маиший истеъмолчилар бундан мустасно) электр энергиясини йўқ қилиш мақсадида электр ҳисоблагиң ЭҲНАТ тизимидан қасдан узиб (техник узилишлар бундан мустасно), ҳақиқий күрсатгич бўйича ҳисобот бермасдан электр ҳисоблагић күрсаткичини яшириш (бунда яширилган электр энергияси миқдори икки ойлик истеъмолидан кам бўлмаганда).

Мазкур банднинг барча кичик бандларида келтирилган ҳолатларда истеъмол қилинган электр энергияси қайта ҳисоб-китоб қилинади ва истеъмолчидан ундирилади.

Агар истеъмолчиларнинг ҳисоблагиchlари, ўлчов трансформаторлари энергетика обьекти корхонасига тегишли ҳудудда (подстанция, трансформатор пункти ва бошқалар) ўрнатилган бўлиб, ҳисоблагић ўлчов тизимига ташқи аралашувлар натижасида истеъмол қилинган электр энергияси миқдори камайтирилганлиги ҳисоблагић ёки ЭҲНАТ базаси хотира маълумотлари билан ўз тасдифини топганда, истеъмолчи жавобгар ҳисобланади.

Қоидаларнинг ушбу бандида назарда тутилган қоида бузилишлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

134. Қуйидаги ҳолатлар истеъмолчилар томонидан тўловлар амалга ошириладиган электр энергияси ҳажмига таъсир қилмаган ҳолда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва нормаларга риоя этмаслик ҳолатлари ҳисобланади:

- а) техник шартларда рухсат этилган қувватдан ортиқча қувватни улаб фойдаланиш;
- б) электр энергиясидан нооқилона ва самарасиз фойдаланиш. Бунда электр энергиясидан нооқилона ва самарасиз фойдаланганлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий ва (ёки) маъмурий жазо чораси қўлланилиши мумкин;
- в) истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисоблаш тизимига таъсир қилмайдиган усувларда ЭҲНАТ тизими муқобил ишлашига таъсир кўрсатиш.

Ушбу бандда келтирилган ҳолатларда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

135. Куйидаги ҳолатлар техник хато ва камчиликлар ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг истеъмолчининг айбисиз бузилиши деб ҳисобланади:

а) истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларда нотўғри тариф гурухи қўлланилиши (майнинг соҳаси бундан мустасно);

б) истеъмолчига мансуб бўлган тармоқлардаги технологик сарфлар ҳамда қувват коэффициентининг ( $\cos \phi$ ) иқтисодий қиймати ҳисоб-китоб қилинмаслиги;

в) арифметик ва техник хатоликлар натижасида кам ёки кўп ҳисобланиши;

г) ҳисоблаш тизимига таъсир қилмаган ҳолда, иккиласмчи ток занжирида кириш ва чиқиш симлар ўзаро ўрни алмаштириб уланган ҳолатлар (“бериш” / “қабул” режими). Қуёш панеллари ўрнатилганлиги бундан мустасно;

д) ҳисоблагич ёки ўлчов трансформаторлари навбатдан ташқари ёки даврий қиёслов кўригидан ўтказилганда давлат стандартларида рухсат этилган хатолик меъёрларидан кам ёки кўп кўрсаткичларда ишлаганлиги аниқланганда;

е) ҳисоблагич иккиласмчи занжир симларининг механик таъсирдан узилиши (табиий узилиш) ҳамда ҳисоблагич ёки ўлчов трансформаторларининг истеъмолчининг айбисиз бузилиши;

ж) ҳисобга олинадиган электр энергияси микдорини камайтириш мақсадида дастурга қўшимча камаювчи коэффициентларни киритиш;

Ушбу ҳолатларда истеъмолчига истеъмол қилинган ҳақиқий электр энергияси сарфи бўйича ҲЭТК ёки истеъмолчи манфаатига қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

136. Қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланганда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва (ёки) Ўзэнергоинспекция ваколатли ходимлари томонидан мазкур Қоидаларга 1-иловага мувофиқ электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузилганлиги тўғрисида далолатнома (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштирилади. Зарурат бўлганда, далолатномага ҳолат юзасидан фотосуратлар ва бошқа ашёвий далиллар илова қилиниши мумкин.

Далолатнома ваколатли ходимлар ва истеъмолчи томонидан имзоланади. Истеъмолчи далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, икки нафар холис ва (ёки) маҳалла фуқаролар йигини масъул ходимлари жалб этилиб, ҳолат уларга маълум қилинади ҳамда уларнинг далолатномага имзо қўйиши таъминланади. ҲЭТК ходимлари дарҳол мазкур истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Истеъмолчининг электр қурилмалари электр тармоғидан ажратилгандан сўнг “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва/ёки Ўзэнергоинспекция ваколатли ходимлари томонидан белгиланган намунадаги муҳр билан қайта электр тармогига ўзбошимча уланишнинг олдини олиш мақсадида пломбаланади.

Электр қабул қилгичлар қувватини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда, электр қабул қилгичларнинг умумий қуввати ўлчов воситалари ёрдамида аниқланади.

Мазкур Коидаларнинг бузилиш ҳолатларини аниқлаш ва расмийлаштиришга масъул ходимлар далолатномани расмийлаштиришда, мазкур бандда келтирилган талабларга амал қилмаган ҳолатларда, улар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ҲЭТКнинг бошқа ходимлари томонидан мазкур Коидаларни бузиш ҳолатлари аниқланганда, улар бу ҳақда ўз раҳбари ҳамда далолатнома расмийлаштиришга ваколатли бўлган масъул ходимларга маълум қиласди.

137. Кўрикдан ўтказиш ва далолатномани расмийлаштириш жараёнида ҳисоблагич ёки ўлчов трансформаторларига ташқи таъсир, яъни инсон аралашуви мавжудлигига шубҳа пайдо бўлганда, ўлчов воситаларини (ҳисоблагич ва бошқа зарур ускуналар) алоҳида идишга (кути, идиш, полиэтилен қопча ва бошқалар) солиб, истеъмолчи билан биргалиқда муҳрлаб иш хужжатларига кўшиш мақсадида олиб қўйилади.

Ҳисоблагични олиб қўйиш тўғрисида ҲЭТК ёки Ўзэнергоинспекция ходими томонидан бу тўғрисида икки нусхада тегишли далолатнома расмийлаштирилиб, унга томонлар имзо қўядилар ҳамда унинг бир нусхаси истеъмолчига топширилади. Мазкур далолатномада сана, ҳисоблагич русуми, давлат рақами, кўрсаткичлари, пломбалари рақамлари тўлиқ қайд этилади.

138. Мазкур Коидаларни бузганлик ҳолатлари натижасида ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори электр таъминоти корхонасида тузилган маҳсус комиссия томонидан истеъмолчи иштирокида ёки унинг иштирокисиз (хоҳишига кўра) уч иш кунида аниқланади.

Истеъмолчи томонидан асосли хужжатлар тақдим қилинган тақдирда, электр таъминоти корхонаси маҳсус комиссия аъзолари томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

139. Маҳсус комиссия аъзолари истеъмолчи ёки унинг ишончли вакили иштирокида (хоҳишига кўра) ҳисобга олинмаган электр энергиясини ҳисоблашда, унинг ҳақиқий (аниқ) миқдорини аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу миқдор ҳисобланishi керак.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи ёки суд органлари томонидан қоидабузарлик бўйича ҳисобланган электр энергияси миқдорини қайта ҳисоблаш зарур деб топилса, у ҳолда тўпланган хужжатларга асосан ҲЭТК вилоят филиали, Ўзэнергоинспекциянинг тегишли ҳудудий бошқармаси, шунингдек, хулоса бериш ваколатига эга бўлган эксперт/мутахассислар билан биргалиқда комиссия тузган ҳолда қайта ҳисоб-китоб амалга оширилиши мумкин.

140. Мазкур Қоидаларнинг 133 ва 135-бандларида келтирилган қоида бузилишлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар умумий даъво муддати давридан (уч йил) ошмаган ҳолда амалга оширилади.

141. Аввал аниқланиб далолатнома расмийлаштирилган ва дастурий таъминотга киритилган қоидабузарлик ёки хато-камчиликлар истеъмолчи томонидан такроран содир этилганда, аввалги расмийлаштирилган далолатнома бўйича ҳисобланган давр учун такроран ҳисоб-китоб қилиниши мумкин эмас.

Электр энергияси сарфининг қайта ҳисоб-китоби бўйича амалга оширилган тўловлар истеъмолчини мазкур Қоидаларни бузганлик учун қонунчилик хужжатларида белгиланган жиной ва маъмурий жавобгарликдан ҳамда иқтисодий жарималардан озод этмайди.

## **6-§. Ҳисобга олинмаган электр энергияси ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

142. Мазкур Қоидаларнинг 133-бандида назарда тутилган қоидабузарликлар аниқланганда, ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори даъво муддатини инобатга олган ҳолда амалдаги тариф миқдори (маиший истеъмолчиларга амалдаги базавий меъёрлари учун белгиланган тарифда) бўйича куйидаги мезонлар асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Бунда 133-банднинг:

“а” кичик бандидаги қоидабузарлик содир этилганда – қоидабузарлик аниқланган бино ёки обьектга мулк ҳукуқи вужудга келган ёхуд фаолиятини бошлаган кундан ёки тармоққа уланган кундан (асосли ҳужжатларга кўра) далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар, далолатномада қайд этилган электр қабул қилгичларнинг умумий қуввати бўйича суткасига 24 соат ишлаши ҳисобидан.

Бунда тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида фақатгина расмий равишда давлат рўйхатидан ўтказилган кун тўғрисида солиқ органларидан олинган маълумот, кадастр, маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли қарорлари, ер майдонидан ижарада фойдаланаётган бўлса ижара шартномаси асос бўлади;

“б”, “д”, “е” ва “ж” кичик бандларидағи қоидабузарлик содир этилганда – ҳисоблагич хотираси ёки ЭҲНАТ базаси маълумот базаси маълумотлари ёрдамида ҳисоблагичга ташқи таъсир қилинганлиги аниқланган кундан, аниқлаш имкони бўлмагандага истеъмолчи электр ҳисоблагичининг схемаси текширилиб, далолатнома расмийлаштирилади, уни тегишли дастурий таъминот базасига киритилган кундан далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар далолатномада қайд этилган электр қабул қилгичларнинг умумий қуввати бўйича юридик шахс бўлган истеъмолчиларга шартномадаги иш соатига асосан (маиший истеъмолчиларга суткасига 24 соат ишлаши ҳисобидан) тўловларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади;

“в” кичик бандидаги қоидабузарлик содир этилганда – ҳисоблагич ўрнатилган кундан ёки ҳисоблагич хотирасидан (ЭҲНАТ маълумотларни сақлаш базасида) аниқланган ташқи таъсир қилинган кундан бошлаб, далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар далолатномада қайд этилган электр қабул қилгичларнинг умумий қуввати бўйича, юридик шахс бўлган истеъмолчиларга шартномадаги иш соатига асосан (маиший истеъмолчиларга суткасига 24 соат ишлаши ҳисобидан) тўловларни инобатта олган ҳолда ҳисобланади (ҳисоблагичнинг электрон муҳри бузилмаган ҳолатлар бундан мустасно). Ҳисоблагичнинг тамғалари бузилганда, ҳисоблагич электрон муҳрлари бузилиши бўйича ҳисоблагични ишлаб чиқарувчи завод хуносасига асосан ҳисоб-китоб қилинади;

“г” кичик бандидаги қоидабузарлик содир этилганда – ҳисоблагич ўрнатилган кундан ёки ҳисоблагич хотирасига (ЭҲНАТ маълумотларни сақлаш базасига) табақалаштирилган тариф сутканинг вақт зонаси ўзгартирилган кундан бошлаб, далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар ҳисобга олинмаган электр энергияси сарфидан келиб чиқиб, тигиз давр соатларида белгиланган тарифга асосан тўловларни инобатта олган ҳолда, ҳисобланади;

“з” кичик бандидаги қоидабузарлик содир этилганда – электр таъминоти шартномаси расмийлаштирилган кундан далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда ҳисоблагичдан ташқари тармоққа уланган электр қабул қилгичлар қувватидан келиб чиқиб, юридик шахс бўлган истеъмолчиларга шартномадаги иш соатига асосан (маиший истеъмолчиларига суткасига 24 соат ишлаши ҳисобидан) ҳисобланади;

“и” кичик бандидаги қоидабузарлик содир этилганда – ўлчов трансформатори ўрнатилган кундан бошлаб далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар ҳисоблагич қайд этган электр энергияси сарфига нисбатан ўлчов коэффициентлари орасидаги тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади;

“к” кичик бандидаги қоидабузарлик содир этилганда – ҳисоблагич қайд этган кўрсаткичлар тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Истеъмолчи бир пайтнинг ўзида мазкур Қоидаларнинг 133-бандида назарда тутилган қоидабузарликларнинг бир нечтасини содир этганда, ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қайта ҳисоблаш мезонларининг энг юқори миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Мазкур Қоидаларнинг 133-бандида назарда тутилган қоидабузарлик содир этилганлиги аниқланганда, ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори амалдаги тарифга уч баравар ўсуви коэффициент қўлланилган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

143. Мазкур Қоидаларнинг 135-бандида назарда тутилган Қоидалар истеъмолчининг айбисиз бузилиши аниқланганда, сарфланган электр энергияси миқдори ҳар бир даврдаги тарифда ва даъво муддатини инобатта олган ҳолда куйидаги мезонлар асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда 135-банднинг:

“а” кичик бандидаги техник хато ва камчиликлар аниқланганда – тариф гурухи нотўғри қўлланилган кундан бошлаб далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар истеъмол қилинган ҳақиқий электр энергияси сарфидан келиб чиқиб, тарифлар орасидаги тафовут микдори бўйича;

“б” кичик бандидаги хатолик аниқланганда – ҳисобга олинмай қолган технологик сарф (актив ва реактив) микдоридан ҳамда реактив қувватнинг иқтисодий қийматининг ( $\cos \phi$ ) ҳар бир даврдаги тариф микдори бўйича;

“в” кичик бандидаги хатолик аниқланганда – ҳисоб-китоблардаги арифметик ёки техник хатоликлар туфайли ҳисобланган барча нотўғри (кам ёки кўп) хатоликлар, қайта таҳлил қилиниб истеъмолчи ёки ҲЭТК фойдасига;

“г” кичик бандидаги техник хато ва камчиликлар аниқланганда – ҳисоблагичнинг иккиласми ток занжирлари кириш ва чиқиш симлари ўрни алмаштириб уланиши натижасида келиб чиқсан электр энергияси микдоридаги тафовутни ҳисоботларга қўшиш орқали ҳисоб-китоб қилинади. Бунда истеъмолчининг муқобил энергия манбалари ўрнатилганлиги таҳлил қилиниши лозим;

“д” кичик бандидаги хатолик аниқланганда – ҳисоблагич ёки ўлчов трансформаторлари хатолик билан ишлашни бошлаган кундан далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар, ҳақиқий ҳисобга олинмаган электр энергияси микдори бўйича ҳисобланади. Хатолик билан ишлашни бошлаган кунни аниқлаш имкони бўлмаса, ҳисоблагич ўрнатилган кундан далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар ҳисоб-китоб қилинади;

“е” кичик бандидаги техник хато ва камчиликлар аниқланганда - ҳисоблагич хотирасидан (ЭҲНАТ маълумотларни сақлаш базасидан) ҳисоблагич ишдан чиқсан ёки кучланиш ва/ёки ток симлари узилган кундан ёхуд ҳисоблагични ишлаб чиқарувчи завод хулосасига асосан ишдан чиқсанни аниқланган кундан далолатнома расмийлаштирилган кунга қадар ҳақиқий истеъмол қилинган электр энергияси сарфи ҳисобланади. Агар ҳақиқий истеъмолни аниқлаш имкони бўлмаса, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Бунда электр энергиясининг ўртacha суткалик сарфини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги ҳамда шу даврда ҳисоблагич ўрнатилиши лозим.

Истеъмол қилинган энергия (актив, реактив) сарфи ҲЭТК томонидан аниқланган қоидабузарлик натижасида ҳисобга олинмаган электр энергияси (актив, реактив) микдорлари, пеня ва бошқа жарималар худудий электр тармоқлари ҳисобвараfiga ундирилади.

Ўзэнергоинспекция иштирокида аниқланган электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолати бўйича расмийлаштирилган қоидабузарлик далолатномасига асосан:

истеъмолчига электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади ва Ўзэнергоинспекция мутахассислари томонидан пломба ўрнатилади;

амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб бўйича тўловлар Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишини назорат қилиш инспекциясини молиялаштиришни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 28 сентябрдаги 512-сон қарорига мувофиқ электр энергетика ташкилотларининг алоҳида ҳисобварағига (22636) ундирилади ва тўловлар амалга оширилгандан сўнг тармоққа қайта улашга рухсат берилади.

Бунда, рухсатсиз пломбани бузганлик учун белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

144. Мазкур Қоидаларда назарда тутилган қоида бузилиши ҳолатларида истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиб қўйиш ва қайта улаш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жойига чиқсан ҳолда электр тармоқларидан узиб қўйилган истеъмолчиларни қайта улашда истеъмолчилардан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари (маиший истеъмолчилардан 2 баравари) микдорида тўлов ундирилади ва ушбу маблағлар ҲЭТКнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Масофадан (ЭХНАТдан) узиб қўйиладиган ва уланадиган истеъмолчиларни тармоққа қайта улаш учун тўлов ундирилмайди.

### **13-боб. Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига чегирмалар ва устамалар**

145. Электр таъминоти шартномасида кўрсатилган рухсат этилган куввати 50 кВт ва ундан ортиқни ташкил этган барча истеъмолчилар реактив кувватни компенсация қилишга мажбурдирлар.

146. Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) ҲЭТК томонидан берилган техник шартлар бўйича ёки электр таъминоти шартномасида кўрсатилган рухсат этилган қувват 50 кВт ва ундан ортиқни ташкил этган I ва II тариф гурухлари истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади (бюджет ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно).

147. Истеъмолчи томонидан реактив кувват етарли даражада компенсация қилинмаганлиги оқибатида ягона электр энергетика тизими тармоқларида ҳосил бўлган йўқотишлар истеъмолчи томонидан энергиядан нооқилона сарфланган ҳисобланади.

148. Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергия ҳисоблагичларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда тегишли равишда истеъмол қилинган (ҳосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар.соат учун тўлов тарзида ундирилади.

ХЭТК томонидан уланган қуввати 50 кВт ва ундан ортиқ бўлган I ва II тариф гурухлари истеъмолчиларига истеъмол қилинган реактив энергия учун тўловлар ундирилади, лекин бюджет ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари истеъмол қилинган реактив энергия ҳамда реактив энергия ўрни етарлича қопланмаганлиги ҳисобига ҳосил бўлган қувват коэффициенти ( $\cos \phi$ ) ҳисоботларда кўрсатиб ўтилади, лекин маблаг кўринишида ҳисобланмайди ва тўловлар ундирилмайди.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва белгиланган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Бир неча тариф гурухларига мансуб бўлган истеъмолчилар учун реактив энергиянинг шартномавий миқдори ҳар бир тариф гурухи бўйича аниқланади ва электр таъминоти шартномасида кўрсатилади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Икки ва ундан ортиқ алоҳида обьектларга (худуд) эга бўлган истеъмолчига нисбатан реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори ва реактив энергиянинг амалдаги истеъмоли ҳар бир обьект бўйича аниқланади. Бунда барча обьектлар бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори ва реактив энергия бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилган реактив энергия миқдори йигиндиси аниқланади.

Қуввати 50 МВт ва ундан ортиқ бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда электр энергиясини сақлаш тизими ташкилотлари реактив энергия компенсацияси учун устамалар худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ҳар ой якуни билан истеъмол қилинган реактив энергия миқдори ҳосил қилинган реактив энергия миқдоридан ортиқ бўлганда қўлланилади.

**149. Устамалар ХЭТК томонидан истеъмолчи уланган электр тармоғининг катта юклама соатларида реактив энергия истеъмол қилинганда ва ягона электр энергетика тизимининг кам юклама соатларида истеъмолчи реактив энергия ҳосил қилганда қўлланади.**

Реактив энергия учун устама актив энергиянинг амалдаги тарифидан қўшилган қиймат солигини ҳисобга олмаган ҳолда қуйидаги миқдорда белгиланади:

5 фоиз - реактив энергия мазкур Қоидаларнинг 148-банди олтинчи хатбоисига мувофиқ аниқланган иқтисодий қийматнинг амалдаги миқдори доирасида истеъмол қилинганда;

10 фоиз - реактив энергия мазкур Қоидаларнинг 148-банди олтинчи хатбоисига мувофиқ аниқланган иқтисодий қийматнинг амалдаги миқдоридан ортиқ истеъмол қилинганда.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича қопланмагани ҳисобига кувват коэффициенти қийматининг истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномасида кўрсатилганига нисбатан пасайтирилгани аниқланганда, ҲЭТК электр энергияси йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилгани учун истеъмолчилардан қўшимча маблаглар Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясини молиялаштиришни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 28 сентябрдаги 512-сон қарорига мувофиқ ҲЭТКнинг алоҳида ҳисобварагига (22636) ундирилади.

Бунда ҲЭТК томонидан истеъмолчиларга истеъмол қилинган электр энергияси ва кувват коэффициенти кўрсаткичлари пасайтирилгани учун тўловни амалга оширишга алоҳида ҳисоб-фактура тақдим этилади.

150. Истеъмолчилар реактив кувватни етарли даражада компенсация қилмаганлиги натижасида тармоқларда актив энергиянинг қўшимча йўқотишлири учун қайта ҳисоб-китоблар амалдаги тарифга нисбатан уч баравар миқдорда ҳисобланади.

151. Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Реактив энергия учун тақдим этиладиган чегирма актив энергиянинг амалдаги тарифидан қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда 15 фоиз миқдорида белгиланади.

152. Электр тармоғининг катта ва кичик юкламали соатлари – бу сутканинг истеъмолчи томонидан реактив кувватнинг истеъмол қилиниши (ҳосил қилиниши) туфайли ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларида электр энергиясининг қўшимча равишда йўқотилишига олиб келадиган вақтларидир.

ҲЭТК электр тармоғининг катта ва кичик юкламали соатларини, истеъмолчининг ва у фойдаланадиган тармоқнинг реактив юкламаси жадвалларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар қайси истеъмолчи учун алоҳида белгилаши мумкин.

Ҳар бир суткадаги катта ва кичик юкламали соатлар йифиндиси 24 соатга тенг, шу жумладан:

катта юкламали соатлар – соат 06-00 дан 22-00 гача;

кичик юкламали соатлар – соат 22-00 дан 06-00 гача.

153. Реактив энергиянинг истеъмол қилиниши ҳамда ҳосил қилиниши ҳисоблагичлар ёрдамида қайд этилади.

154. “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК истеъмолчи томонидан ягона электр энергетика тизими тармоғида катта юкламали соатларда реактив энергияни ҳосил қилиш ва (ёки) кичик юкламали соатларда уни мажбурий истеъмол қилиш белгилаган бўлса, энергияни ҳисобга олиш усули ҲЭТК ва истеъмолчи ўртасида келишилади ва электр таъминоти шартномасида қайд этилади.

155. ҲЭТК томонидан берилган техник шартлар бўйича ёки электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳамда фойдаланишга рухсат этилган қувват 50 кВт ва ундан ортиқни ташкил этадиган I ва II тариф гурухлари истеъмолчилари билан тузилган электр таъминоти шартномасида қуидагилар кўрсатилади:

ягона электр энергетика тизими тармоғидан ҳисбот даври учун истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг иқтисодий қиймати;

талаб этиладиган қувват коэффициенти ( $\cos \phi$ );

ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламаларининг назорат соатлари (йилнинг ҳар бир ойи бўйича бўлиб чиқиши орқали);

электр тармоқларнинг катта юклама соатларида ойлик реактив энергия истеъмолини техник чегаралари. Ушбу чегаралардан ошиб кетганда, ҲЭТК электр энергиясининг ҳисоблаш нуқтасида кучланиши электр тармоғининг энг катта юкламали соатлари учун электр таъминоти шартномасида белгиланган даражасидан пасайиб кетиши учун жавоб бермайди;

электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизимининг электр тармоғига бир ойда ҳосил қилинадиган ва (ёки) бир ойда кичик юкламали соатларда мажбурий истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг чегаравий қийматлари.

Ҳисбот даври учун реактив энергия истеъмолининг иқтисодий қиймати техник чегара ҳисобланиб, унинг ортишида ҲЭТК электр энергиясининг ҳисобга олиш нуқтасидаги кучланиш электр таъминоти шартномасида белгиланган даражадан камайиб кетиши учун жавоб бермайди.

#### **14-боб. Электр энергиясининг сифати учун электр энергияси тарифига чегирмалар (устамалар)**

156. Электр энергияси сифати учун тарифга чегирмалар (устамалар) амалдаги тарифлар бўйича белгиланади. Электр энергияси сифати учун тарифларга устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига мувофиқ истеъмолчилардан (майший истеъмолчилардан ташқари) ундирилади.

157. Электр энергияси учун ҳисоб-китобларда кўлланадиган электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – ЭСК) рўйхати миллий стандартлари асосида электр таъминоти шартномасида белгиланади.

158. Агар истеъмолчининг электр энергияси сифати ёмонлашувидаги улуши электр таъминоти шартномасида белгиланган йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошса, белгиланган қиймат тарифга устама ёки акс ҳолда – тарифга чегирма ҳисобланади.

159. Ҳар бир ЭСК бўйича чегирмалар (устамалар) миқдори кўриб чиқилаётган ЭСКнинг ҳисоб-китоб давридаги жами нисбий давомийлиги кўрсаткичларига (T1 ва T2) кўра йўл қўйилиши мумкин бўлган нормал ва максимал қийматлар сифатида ҳисобланади. T1 ва T2 қийматлари ўлчаш вақти давомида аниқланади, ўлчаш вақтининг давомийлиги ҳар бир ЭСК бўйича шартномада белгиланади, лекин у бир иш суткасидан кам бўлмаслиги керак. Автоматлаштирилган ўлчов воситалари мавжуд бўлганда T1 ва T2 қийматлари узлуксиз равишда ўлчаниши лозим. Ҳисоб-китоб қилинадиган вақт оралигини мунтазам ўлчаш электр таъминоти шартномасида (лекин бир чоракда бир мартадан кам эмас) белгиланади.

160. Истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида қайд этилган ҳар қайси ЭСК бўйича электр энергияси сифатининг ёмонлашувидаги улушкининг қиймати ҳар замонда ўлчашлар асосида белгиланади ва ўлчаш баённомасида қайд этилади. Амалдаги улушларнинг ушбу қийматларидан томонлардан бири уларни қайта кўриб чиқиши таклиф этмагунича фойдаланилади.

161. ЭСКни ўлчаш ишлари аккредитациядан ўтган синов лабораторияси томонидан ҲЭТК ва истеъмолчи билан биргаликда электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўтказилади. Электр таъминоти шартномасида ўлчашлар даврийлиги тўғрисида кўрсатмалар бўлмаганда, шунингдек, истеъмолчи ёки ягона электр энергетика тизимининг иш шароитлари кескин ўзгарганда, ўлчашлар томонлардан бирининг ташаббусига кўра аккредитациядан ўтган синов лабораторияси томонидан ўтказилиши мумкин. Иккинчи томон ўлчашларни ўтказишининг аниқ санасини уч кун муддатда келишиб олиши керак ва бу ишлар ташаббус кўрсатган томоннинг мурожаатидан кейин ўн кун муддатда бажарилиши лозим.

162. Кучланишдаги тафовутлар, номутаносибликлар коэффициентлари ва кучланишдаги ўзгаришлар ҲЭТК ва истеъмолчи ўртасидаги келишув асосида фазалардан бирида ёки барча фазаларда аниқланади. Барча фазаларда ўлчашда T1 ва T2 ўртача қиймат сифатида аниқланади.

163. Истеъмолчининг электр энергияси сифати ёмонлашувидаги улушини аниқлаш тартиби электр таъминоти шартномасида кўрсатилади.

164. Юридик истеъмолчиларга тасарруфидаги мавжуд эски электр қурилмаларини янги энергиятежамкор қурилмаларга алмаштириш натижасида иқтисод қилинган электр энергияси ҳажмига уч йил давомида амалдаги тарифга нисбатан 15 фоиз чегирма берилади. Бунда:

истеъмолчилар электр қурилмаларни алмаштириш жадвали ва унинг натижасида эришиладиган иқтисодни назарда тутувчи дастурни тасдиқлаш учун Ўзэнергоинспекцияга киритади;

Ўзэнергоинспекция ўн кун муддатда тақдим этилган дастурни асосланганлигини кўриб чиқади ва натижаси бўйича келишади ёки асослантирган ҳолда келишишни рад этади;

тасдиқланган дастурга асосан амалга оширилган ишлар натижасида иқтисод қилинган электр энергияси ҳажми энергия аудитор томонидан ўрганилади ва ушбу ҳажмлар бўйича хulosा берилади;

энергия аудитор хulosаси Ўзэнергоинспекция ва ҲЭТКга тақдим этилади ва ижобий хulosа тақдим этилган кундан бошлаб чегирмалар қўлланилади.

### **15-боб. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш шартлари**

165. Электр энергияси истеъмолини чеклаш, шунингдек, истеъмолчилар юкламалари жадвалларини тартибга солиш чора-тадбирлари, белгиланган тартибда тасдиқланган ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергияси танқислигида истеъмолчиларни чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларига (кейинги ўринларда – чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари) мувофиқ амалга оширилади.

166. Қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича Чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан истеъмолчилар билан бирга ишлаб чиқилади ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК билан келишилиб, тасдиқлаш учун “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан Энергетика вазирлигига киритилади.

Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланган чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда қўлланилади.

167. Электр энергиясини Чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари электр станциялари ва электр тармоқлари ускуналарининг йўл қўйиб бўлмайдиган шароитларда ишлашининг олдини олиш, ягона электр энергетика тизимининг барқарор параллель ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш мақсадида ягона электр энергетика тизимида электр энергияси ва қувват танқис бўлган ҳолатлар учун тузилади.

168. Электр энергиясининг чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчининг технологик ва авария бронини аниқлаш далолатномасига асосан жорий йилнинг 1 октябридан кейинги йилнинг 1 октябригача бўлган давр учун тузилади ҳамда жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун уларни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Жадвалларнинг қуидаги турлари тузилади:

ягона электр энергетика тизимида ёки гидроресурслар етишмагандан, электр энергиясини (кВт.соатда) чеклаш жадвали. Жадвалда электр энергияси истеъмолини истеъмолчиларнинг технологик бронигача, кейинчалик эса авария бронигача (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари) ва бунда истеъмолни бешта навбатга бўлган ҳолда қисқартириш назарда тутилиши лозим;

ягона электр энергетика тизимида кувват етишмагандан, қувватни (кВтда) чеклаш жадвали. Жадвалда ягона электр энергетика тизимининг эрталабки ва кечки энг катта юкламалари юзага келадиган соатларда истеъмол қилинадиган қувватни истеъмолчиларнинг авария бронигача камайтириш ва бунда истеъмол қилинадиган қувватни 5 та навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим;

қувват тақчиллиги юзага келиши натижасида авария хавфи пайдо бўлганда ва чеклаш жадвалларини жорий қилиш имконияти бўлмагандан, қувватни чеклаш жадвали. Жадвалда узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари ягона электр энергетика тизими истеъмолчиларини тўлиқ узиб қўйиш ва узиб қўйиладиган қувватни 5 навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим.

169. Айрим ҳолларда истеъмолчиларни узиб қўйишнинг маҳсус жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Электр энергиясини узиб қўйиш жадвали ва маҳсус жадвалга асосан автоматика, телебошқарув қурилмаларига ёки доимий хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ишончли телефон алоқасига эга бўлган подстанциялар киритилиши лозим. Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилиши электр таъминотининг авария бронигача чеклаб қўйилиши мумкин.

170. Ягона электр энергетика тизимида чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини амалга киритиш тартиби қуидагилар:

чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари Энергетика вазирини ва мутасаддилик қилувчи унинг ўринбосарини дарҳол хабардор қилган ҳолда, “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК томонидан тезкор журналга ёзган ҳолда амалга киритилади;

диспетчерлик бошқарувининг барча даражаларида электр энергияси ва қуввати истеъмоли чекланишини жорий этиш фармойиши тезкор журналда чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақт қайд этилган ҳолда берилади;

ҲЭТК истеъмолчиларга кейинги суткаларда электр энергиясини чеклаш жадвалларининг амалга киритилиши тўғрисида жорий сутканинг соат 14-00 дан кечиктирмай, чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақтини кўрсатган ҳолда маълум қиласди;

“Миллий диспетчерлик маркази” ДУК, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва бошқа электр станциялари томонидан чекловлар (авария, табиий офат, таъмирлаш туфайли) киритилганда, ҲЭТК электр энергиясини етказиб беришдаги танаффуслар учун жавобгар бўлмайди;

чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини зудлик билан жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақидаги билдиришнома сутканинг вақтидан қатъи назар, чеклашнинг амал қилиши бошланишидан бир соат олдин истеъмолчиларга етказилади;

чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини истеъмолчилар томонидан ҲЭТКдан чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол жорий этилади;

электр энергияси истеъмолини узоқ вақтга камайтириш зарур бўлганда, қувватни чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига тенг бўлган электр энергияси ва қувватни чеклаш жадвали амалга киритилади.

чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига киритилган юридик шахслар, шу жумладан, узлуксиз ишлаб чиқариш технологик жараёнинг эга корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (чеклаш ва узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари) чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларининг ҲЭТК томонидан кўрсатилган муддатда сўзсиз бажарилишини ташкил этиши шарт. Акс ҳолда, улар узиб қўйиш ва чеклаш жадваллари бажарилмаганлиги туфайли ягона электр энергетика тизими марказларидан мажбурий узиб қўйиш натижасида юзага келадиган оқибатлар учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ҲЭТК электр энергияси ва қувватини чеклаш жадвалларини амалга киритиш тўғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажарилмагандан, уларни огохлантиргандан сўнг электр энергияси ва қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи микдорда электр энергияси етказиб берилишини мажбурий равишда чеклайди ёхуд белгиланган тартибда таъсир чораларини кўради.

Бунда технологик жараёнлар бузилишининг оқибатлари учун жавобгарлик истеъмолчилар корхоналарининг раҳбарлари зиммасига юкланди.

171. Ягона электр энергетика тизимида электр энергияси ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҲЭТК ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан ташқи реклама объектлари, рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритгичларни, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаб қилишга ҳақли.

## 16-боб. Блок-станцияларга эга бўлган истеъмолчилар билаи ўзаро муносабатлар

172. Блок-станциялар “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК ва юқори турувчи оператив-диспетчерлик хизматлари билан ўзаро келишилган иш режимига риоя қилишлари ҳамда уларнинг кўрсатмалари ва фармойишларига бўйсунишлари шарт.

Блок-станциялар томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ягона электр энергетика тизимиға етказиб беришнинг йиллик ҳажмлари “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК билан келишилган ҳолда электр энергиясини ягона харид қилувчиси ва блок-станция ўртасида тузиладиган шартнома билан расмийлаштирилади.

173. “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК электр энергиясининг ягона харид қилувчиси ва блок-станция ўртасида ягона электр энергетика тизимиға электр энергиясини етказиб бериш бўйича тузилган шартномада назарда тутилган электр энергияси етказиб беришнинг ойлик микдорига мувофиқ блок-станцияларнинг ягона электр энергетика тизимиға ҳар бир сутка учун юклама ва электр энергияси етказиб бериш жадвалини белгилайди.

Блок-станция томонидан юклама диспетчерлик жадвалида белгиланган микдордан камайтирилса, “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ ёки “Худудий электр тармоқлари” АЖ блок-станция тегишли бўлган саноат ва идоравий мансуб истеъмолчилар бўйича қувватни блок-станция юкламасини камайтирган микдорда чеклаш жорий қилиш хукуқига эга, блок-станция юкламасининг камайишига форс-мажор ҳолатлар сабаб бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

174. Ягона электр энергетика тизимиға етказиб бериладиган, шунингдек, ҲЭТКдан олинадиган актив электр энергияси блок-станция томонидан баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилган, актив электр энергиясини қабул қилиш ва етказиб беришнинг алоҳида қайд этадиган ҳисоблагичлари ёрдамида ҳисобга олинади.

Блок-станцияга тегишли бўлган электр тармоғи хўжалигининг объектларидаги электр энергиясининг технологик сарфлари блок-станцияга тегишли бўлади.

175. Блок-станцияга эга бўлган истеъмолчи:

электр энергиясини ягона харид қилувчиси билан – ягона электр энергетика тизимиға етказиб берилган электр энергияси учун;

худудий электр тармоқлари билан – ҲЭТК ва блок-станцияга эга истеъмолчи ўртасида тузилган электр таъминоти шартномаси асосида олинган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қиласи.

Ҳисоб-китоб даврида электр энергетика тизимиға электр энергияси етказиб берилган ва электр энергетика тизимиғдан электр энергияси истеъмол қилинган ҳолларда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ филиали билан ҳисоб-китоб етказиб берилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмларининг сальдоси бўйича амалга оширилади.

176. Етказиб бериладиган ва истеъмол қилинадиган электр энергияси учун блок-станциялар билан ҳисоб-китоб белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

177. Ҳисоб-китоб даврида ягона электр энергетика тизимига блок-станция айби билан тўлиқ етказиб берилмаган электр энергияси шартномада белгиланган электр энергияси ҳажми ва ягона электр энергетика тармоғига амалда етказиб берилган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовут бўйича аниқланади.

178. Блок-станция форс-мажор ҳолатлар туфайли электр энергияси етказиб беришдаги танаффуслар учун жавоб бермайди.

### **17-боб. Якунловчи қоида**

179. Электр энергияси истеъмолчилари, ҲЭТК, Ўзэнергоинспекция, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, “Ўзэнергосотиши” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Иссиқлик электр станциялари” АЖ электр энергияси учун тўловларни йиғиш функцияларини амалга оширувчи хусусий операторларнинг мансабдор шахслари мазкур Қоидаларни бузганлик учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

# **Elektr energiyasidan foydalanish qoidalari buzilganligi haqida —son DALOLATNOMA**

202 yil " " \_\_\_\_\_

## tumani (shahar)

Biz,

(“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ va/yoki “O‘zenergoinspeksiya” vakolatli xodimlarining lavozimlari va F.I.O.)

(Iste'molchi vakilini lavozimi va F.I.O.)

ishtirokida

da

elektr energiyasidan foydalanish qoidalariga rioya etilishini tekshirush natijasiga ko‘ra quyidagi larni aniqladik.

- Iste'molchining shartnoma raqami (shaxsiy hisob raqami) \_\_\_\_\_ faoliyat turi \_\_\_\_\_. manzili \_\_\_\_\_, tel \_\_\_\_\_, tarmoqqa ulagan elektr qabul qilgichlarining umumiyligini quvvati \_\_\_\_\_ kWt.
  - Elektr hisoblagich rusumi \_\_\_\_\_ zavod № \_\_\_\_\_ tok transformatori  
kuchlanish transformatori \_\_\_\_\_ tamg'a raqamlari \_\_\_\_\_  
Ko'rsatkichlari (Aktiv)(+)\_(-)\_ (Reaktiv)(+)\_(-)\_
  - Amaldagi Elektr energiyasidan foydalanish qoidalarining \_\_\_\_\_ bandlari talablari buzilganligi, yani \_\_\_\_\_

4. Dalolatnomalar bilan tanishdim va bir nusxasini oldim, uning mazmuni bo'yicha quyidagi larni bildiraman:

Iste'molchi qayta hisob-kitobni amalga oshirish uchun tuman (shahar) elektr ta'minoti korxonasiga 3 kun muddat ichida murojaat qilishi, qayta hisob-kitob qilingan to'lovni amalga oshirmagan taqdirda, elektr tarmog'idan uzib qo'yilishi va majburiy tartibda undirish yuzasidan sudga da'vo arizasi kiritilishi to'grisida ogohlantirildi.

## Dalolatnoma tuzuvchilar:

(F.I.Q.)

(1m2o)

(F.I.O.)

(jmz)

(F.I.O.)

(imzo)

#### Iste'molchi (guvohlar):

0.100

(imzo)

10 of 10

1

200

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “ЗГ” майдаги 319сон қарорига  
2-илова

## Табиий газдан фойдаланиш ҚОИДАЛАРИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Табиий газдан фойдаланиш қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) табиий газни етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги талабларни белгилайди.

### 2-боб. Асосий тушунчалар

2. Мазкур Қоидаларда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**авария ҳолатларида газ етказиб бериш жадваллари** – авария ҳолатларида ёки газ қувурлари ва тармоқларининг технологик иш режими бузилган ҳолатларда, истеъмолчиларни газ тармоқларидан (қисман ёки тўлиқ) узуб қўйиш навбатини ҳисобга олган ҳолда, уларга табиий газни етказиб бериш жадваллари;

**аралашиб ҳолати ва санасини тасдиқлайдиган хужжатлар** – ҳисоблагич ёки ўлчов қисмларининг функция юритишига (ишлашига) аралашиб ҳолати ва санасини аниқлаш имконини берадиган маълумотларни ўз ичига олган хужжатлар ёки материаллар;

**бошқа истеъмолчилар** – майший истеъмолчилар тоифасига кирмаган табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар;

**газдан фойдаланиш ускунаси** – энергия самарадорлиги, энергияни тежаш ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган, марказлаштирилган иситиши ва иссиқ сув таъминоти тизимларида иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун, турли ишлаб чиқаришларнинг технологик жараёнларида табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланадиган қозонлар, ишлаб чиқариш печлари, утилизаторлар, технологик линиялар, компрессор ҳамда газдан хомашё сифатида фойдаланадиган қурилмалар, шунингдек кўп квартирали ва турар жой биноларида ўрнатилган ҳамда газдан майший эҳтиёж учун ёқилғи сифатида фойдаланиладиган ускуналар;

**газ узатиш ташкилоти** – табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган магистрал газ узатиш тизими оператори;

**газ таъминоти ташкилоти** – табиий газни газ узатиш ташкилотидан қабул қилувчи ва тақсимлаш тармоқлари орқали истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб берувчи (сотувчи) ташкилот;

**газ хўжалиги** – истеъмолчиларга тегишли худуддаги барча газдан фойдаланиш ускуналари, тармоқлар, зулфинлар, жўмраклар, электр кимёвий емирилишдан ҳимоялаш воситалари, газ тақсимлаш пунктлари (кейинги ўринларда – ГТП) ва газ тақсимлаш қурилмалари (кейинги ўринларда – ГТК);

**газ тармоғининг бўлиниш чегараси** – газ узатиш ташкилоти, газ таъминоти ташкилоти ва истеъмолчилар ўртасидаги газ тармоғининг ҳисоблагич ўрнатилиши лозим бўлган ва тегишлилиги бўйича аникланадиган бўлиниш нуқтаси;

Бунда, агар ҳисоблагичлар истеъмолчига тегишли ва истеъмолчининг худудида бўлса, ташқи (узиб қўядиган) зулфин ёки жўмрак, агар ҳисоблагичлар газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотга тегишли бўлиб, истеъмолчи худудидан ташқари бўлса – ҳисоблагич газ тармоғининг бўлиниш чегараси ҳисобланади;

**газ ҳисоблаш ускунаси (кейинги ўринларда – ҳисоблагич)** – бир ёки бир нечта функцияларни, хусусан табиий газ сарфини (ҳажмини), ҳароратини ва босимини ўлчаш, ҳисоблагичнинг ишлаш вақтини ҳисобга олиш, ўлчов кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, сақлаш ва акс эттириш, масофадан онлайн режимда автоматик тарзда ўчириб-ёқиши клапанига ҳамда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимиға (кейинги ўринларда – ТГНҲАТ) уланиш имкониятига эга бўлган ўлчов – техник воситаси;

**газлаштириш техник шартлари** – истеъмолчининг янги ва қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотининг газ қувурларига ёки тармоқларига улашнинг техник имкониятини яратадиган ва газлаштириш лойиҳа-техник ҳужжатларини (кейинги ўринларда – ЛТҲ) ишлаб чиқиши учун асос ҳисобланадиган дастлабки ҳужжат;

**газ тақсимлаш тармоқлари (кейинги ўринларда – газ тармоқлари)** – газ таъминоти ташкилотининг ёки истеъмолчининг тасарруфида (балансида) бўлган табиий газни етказиб берувчи ҳамда тақсимловчи қўча ва уй ичидаги жойлашган газ тармоқлари комплекси.

**захира ёқилғи** – табиий газни етказиб бериш қисқарадиган ёки тўхтатиладиган даврда табиий газга муқобил манба сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бошқа ёқилғи;

**захира ёқилғи ҳўжалиги** – захира ёқилгини сақлаш, узатиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналар ва қурилмалар комплекси;

**ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи истеъмолчилар** – газдан ёқилғи ёки хомашё сифатида, шунингдек, умумий ҳисобланган қуввати соатига 100 кВт ва ундан юқори бўлган газдан фойдаланиш ускуналаридан майиши ва ишлаб чиқариш (ёки тижорат) мақсадларида фойдаланувчилар;

**ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчилар** – табиий газни етказиб бериш шартлари ва рўйхати маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган ижтимоий соҳа муассасалари ва бюджет ташкилотлари;

**ишга тушириш-созлаш ишлари (кейинги ўринларда – ИТСИ)** – техник коммуникациялар ва арматураларга эга газдан фойдаланиш ускунасини ишлашга тайёрлаш ва ишга тушириш, газдан фойдаланиш ускунаси юкламасини унинг эгаси ҳисобланган ташкилот билан келишилган даражагача етказиши, шунингдек фойдали иш коэффициентини мақбуллаштирумасдан газдан фойдаланиш ускунасининг иситиш режимини созлашдан иборат бўлган ишлар комплекси;

**коммунал-маиший истеъмолчилар** – газдан ёқилғи сифатида, шунингдек, умумий ҳисобланган қуввати соатига 100 кВт.гача бўлган газдан фойдаланиш ускуналарида миший ва ишлаб чиқариш (тижорат) мақсадларида газдан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари;

**кўрсаткичларни назорат учун олиш** – масъул ходим томонидан ҳисоблагич кўрсатгичларини ёзиб олиш ва ўрнатилган тамғалар бутунлигини кўздан кечириш;

**қоидабузарлик** – истеъмолчилар томонидан мазкур Қоидалар талабларига амал қилинmasлиги натижасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракат;

**қисман ўчириладиган истеъмолчилар** – табиий газни етказиб бериш шартлари ва рўйхати маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган, куз-қиши мавсумида ҳаво ҳарорати пасайиб кетган даврларда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида фақатгина ишлаб чиқариш фаолияти ўчириладиган, лекин иситиш тизимдаги газдан фойдаланиш ускуналари ўчирилмайдиган (ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган) истеъмолчилар;

**мавсумий истеъмолчилар** – газлаштириш техник шартларига мувофиқ табиий газдан асосий ёқилги сифатида маълум бир давр мобайнида фойдаланувчи истеъмолчилар;

**миший истеъмолчилар** – турар жойларда миший (овқат тайёрлаш, иссиқ сув ва иситиш) эҳтиёжлар учун табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланувчи аҳоли;

**миший мақсадларда газдан фойдаланиш** – турар ва нотурар жойларда, ишлаб чиқариш объектларида, ташкилотларда овқат тайёрлаш, иссиқ сув ва иситиш учун табиий газдан ёқилги сифатида фойдаланиш;

**магистрал газ қувури (кейинги ўринларда – газ қувурлари)** – таркибида ҳалқалари (лупинглари) ва тармоқлари бўлган, газни узоқ масофага етказиб беришга мўлжалланган қувур;

**масъул ходим** – истеъмолчиларнинг мазкур Қоидаларга риоя қилинишини назорат қилиш ваколатига эга бўлган газ таъминоти (газ) ташкилоти, трейдерлар ва Ўзэнергоинспекция ходимлари;

**ноқонуний фойдаланиш** – газ тармоқларига ёки қувурларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд ҳисоблагичларга, шу жумладан уларнинг тамғаларига ва бошқа элементларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш;

**печь ва дудбуронларни қуриш ва қўрикдан ўтказиш хизмати** – тегишли далолатнома тузган ҳолда печларни қуриш, монтаж қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, дудбуронлар ва шамоллатиш тизимларини қўрикдан ўтказиш, тозалаш ва носозликларни бартараф этиш ишлари билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилот;

**режим-созлаш ишлари** (кейинги ўринларда – РСИ) – ускуналарни ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган техник параметрларида (паспортида) кўрсатилган иш юкламалари оралиғида фойдали иш коэффициентига эришиш мақсадида газдан фойдаланиш ускуналарини созлаш, ёқилғи ёкиш жараёнларини тартибга солиш воситаларини, иссиқликни утилизация қилувчи ва ёрдамчи ускуналарни созлашни ўз ичига оладиган ишлар комплекси;

**сўнгти кўрик далолатномаси** – газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти ва трейдерларнинг масъул ходимлари томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудларда зиммаларига юклатилган вазифалари доирасида ўтказилган назорат тадбирлари, газ истеъмоли ҳажмини аниқлашга таъсир кўрсатадиган барча зарур маълумотларни акс эттирувчи охирги электрон ёки қоғоз шаклда расмийлаштирилган ҳужжат;

**стратегик аҳамиятга эга бўлган истеъмолчилар** – узлуксиз фаолият кўрсатувчи ишлаб чиқариш-технологик объектларга эга бўлган ҳамда табиий газни етказиб бериш шартлари ва рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган истеъмолчилар;

**табиий газ** – газ ёки нефть хомашёсини қайта ишловчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган, шунингдек республикага импорт қилинадиган, ёқилғи ёки хомашё сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳамда физик-кимёвий кўрсаткичлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган гази;

**табиий газ ишлаб чиқарувчилар** – табиий газни қабул қилиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ва етказиб беришни, шунингдек углеводород хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш орқали табиий газни етказиб бериш фаолиятини амалга оширадиган ташкилотлар;

**табиий газни етказиб бериш шартномаси** – газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотлари ёки трейдер ташкилотига табиий газни истеъмолчига ўзининг газ кувурлари (тармоқлари) орқали етказиш, истеъмолчига эса қабул қилинган табиий газ учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини юклайдиган битим;

**тўлиқ ўчириладиган истеъмолчилар** – табиий газни етказиб бериш шартлари ва рўйхати маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган, куз-қиши мавсумида ҳаво ҳарорати пасайиб кетган даврларда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида газ тармоқларидан тўлиқ ўчирилиши белгиланадиган (ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган) истеъмолчилар;

**трейдер** – табиий газни марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиши билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга ёки рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатга эга юридик шахс (магистрал газ узатиш ва газ таъминоти ташкилотлари бундан мустасно);

**ҳисоб-китоб даври** – табиий газ истеъмолининг сарфи (ҳажми) аниқланиши, истеъмол қилинган табиий газ учун истеъмолчи ва газ таъминоти ташкилоти ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилиши зарур бўлган вақт оралиғи (ой);

**хатлов далолатномаси** – масъул ходимлар томонидан истеъмолчи иштирокида истеъмолчининг табиий газ истеъмоли ҳажмини аниқлашга таъсир кўрсатадиган барча маълумотлари (номланиши, манзили ва реквизитлари, ҳисоблагичлар ва уларнинг кўрсаткичлари, ҳисоблагичлар ва бошқа қурилмаларга ўрнатилган тамғаларни бутлиги ва газдан фойдаланиш ускунасининг техник тавсифлари, газ хўжалигининг лойиҳа маълумотлари, расмийлаштириш санасидаги ҳисоб-китоблар ҳолати, ваколатли органлар томонидан табиий газдан оқилона фойдаланиш бўйича берилган хулосаларнинг мавжудлиги, шунингдек, майший истеъмолчилар бўйича яшовчилар, ҳайвонлар сони ва иситиладиган бинолар ҳажми) акс эттирилган хужжат; Бунда:

хатлов далолатномасини расмийлаштиришда шаффофликни таъминлаш учун хатлов натижалари тўғрисидаги маълумотларни кунлик киритиб бориши мақсадида газ таъминоти ташкилоти ва трейдер томонидан белгиланган тартибида (ваколатли органлар томонидан мониторинг қилиш имконини берувчи ҳамда киберхавфсизлик талабларига мос келувчи) электрон база яратилади.

мазкур электрон база Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Энергетика вазирлиги, Ўзэнергоинспекция ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг электрон тизимларига интеграция қилинади ёки ундан фойдаланиш имконияти яратилади;

ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ва коммунал-майший истеъмолчилар бўйича хатлов далолатномаларини расмийлаштириш газ таъминоти (газ узатиш, трейдер) ташкилотлари томонидан Ўзэнергоинспекция масъул ходимлари билан биргаликда ўtkaziladigan хатлов натижалари бўйича амалга оширилади;

**чеклов киритиладиган истеъмолчилар** – табиий газни етказиб бериш шартлари ва рўйхати маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган, куз-қиши мавсумида ҳаво ҳарорати пасайиб кетган даврларда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида сутканинг маълум бир вақтларида вақтинчалик табиий газни етказиб берилиши тўхтатиладиган (ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган) истеъмолчилар.

### **3-боб. Истеъмолчилар, газ таъминоти ташкилотлари ва назорат органларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари**

#### **3. Майший истеъмолчилар қўйидаги хуқуқларга эга:**

табиий газнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган ҳажмларда ва сифатда, узатиш (етказиши) режимига риоя қилган ҳолда узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонунчилик хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

табиий газни узатилиши тұхтатилиши натижасыда вужудға келган (белгиланған тартибда тегишли хужжатлар асосыда тасдиқланадиган) зарарни қоплашни талаб этиш;

газ таъминоти ташкилоти вакилини ва қайта уланиш учун құшымча ҳақ түламасдан, газдан фойдаланиш ускуналарини газ таъминотидан вақтинге ёки түлиқ узиб қўйиш мақсадида чақириш.

Маиший истеъмолчилар қонунчиллик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4. Маиший истеъмолчиларнинг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

янги туар жойларга кўчиб ўтилганда ҳамда мавжуд уй-жой фондини газлаштириш давомида газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари бўйича зарур кўрсатмаларни газ таъминоти ташкилотининг масъул ходимидан олиш;

ўз тасарруфидаги газ тармоқлари, газдан фойдаланиш ускуналари шунингдек, фойдаланилаётган ертўлалар, техник йўлаклар ва бошқаларни соз ҳолатда сақлаш, электр ёритиш ва шамоллатиш тизимининг доимий ишлашини таъминлаш, бунда, кўп квартирали ва туар жой биноларида газ плиталар – икки йилда бир марта техник тафтишдан ўтказилишини таъминлаш;

бошқа газдан фойдаланиш ускуналарини – бир йилда бир марта буюртма асосида газ таъминоти ташкилоти ёки тегишли ваколатга эга бўлган ташкилотларни жалб қилган ҳолда техник тафтишдан ўтказилишини таъминлаш;

фавқулодда ва авария ҳолатларида, куннинг исталган вақтида ўз хизмат гувоҳномаларини кўрсатган масъул ходимларга қаршилик кўрсатмасдан уларни газ хўжалигида газ сизиб чиқиш ҳолатини текшириш учун барча ертўлалар, техник йўлаклар, хоналарга киришини таъминлаш;

белгиланған тартибда дудбуронлар ва шамоллатиш тизимларининг ҳолатини ўз вақтида текширилишини ташкил қилиш;

дудбуронлар ва шамоллатиш тизимларидаги носозликлар тўғрисида печь ва дудбуронларни қуриш ва қўриқдан ўтказиш хизматларига носозликларни тузатиш учун зудлик билан хабар бериш ва хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни қуриш;

газ таъминоти ташкилотини туар жойларни бузилиши ёки қайта қурилиши ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиш;

газ таъминоти ташкилотининг техника хавфсизлиги ва газ хавфсизлигини таъминлаш масалаларида мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

уй ичи газ тармоғини коррозия ва бошқа таъсирдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш, мунтазам равища бўяб туриш;

табиий газдан оқилона фойдаланиш, табиий газдан фойдаланишда сертификатланған, энергия тежамкор газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш, уларни хавфсизлик автоматика тизимлари билан жиҳозлаш;

фойдаланилган табиий газ ва газдан фойдаланиш ускунаси ҳамда уй ичи газ тармоқларига хизмат кўрсатиш доирасида бажарилган ишлар учун газ таъминоти ташкилоти билан белгиланған хизмат кўрсатиш тарифлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

газдан фойдаланиш ускунасини тоза сақлаш, овқат тайёрлаш жараёнида газ ёндиригичларни ифлосланишдан сақлаш;

газлаштириш лойиҳаси – ЛТХни сақланишини таъминлаш ҳамда уни газ таъминоти ташкилоти ва бошқа ваколатли давлат органлари вакили талаби билан тақдим қилиш;

ертўла, йўлак, ҳовли, кўчада табиий газ хиди сезилган тақдирда, авария хизматига “104” ёки “112” телефони орқали хабар бериш;

газ билан тўлган (тўпланиб қолган) жойлардан одамларни олиб чиқиш, электр ёритиш тизимларини ёниб ёки ўчиб қолиши, очик олов ёки учқун пайдо бўлишини олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш;

газ таъминоти ташкилоти масъул ходимларига соат 08:00 дан 20:00 гача ҳисоблагичларни кўздан кечириш, ички газ тармоқлари ва газдан фойдаланиш ускуналарига техник ҳамда профилактика хизматларини кўрсатиш учун қаршиликсиз киришини таъминлаш;

ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларга қасдан шикаст етказишнинг олдини олиш ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

одамлар ухлайдиган ва дам оладиган хоналарда очик оловда ишлайдиган газдан фойдаланиш ускуналаридан (иситиш печлар, қозонлар) фойдаланмаслик, бундай ускуналарни хона ташқарисига ўрнатиш, одамлар ухлайдиган ва дам оладиган хоналарни иситиш тизимларида фақатгина сув иситиш қозонларидан фойдаланишни жорий қилиш.

## 5. Бошқа истеъмолчилар куйидаги ҳуқуқларга эга:

Шартнома асосида етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисоблагичларининг ишлаш ишончлилигини текшириш учун ишчи комиссияни ташкил этиш;

табиий газнинг техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилишини талаб қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб олиш;

табиий газни етказиб берилишини тўхтатилиши натижасида вужудга келган (белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар асосида тасдиқланадиган) зарарни қопланишини;

табиий газни етказиб беришни вақтинча тўхтатилишини талаб этиш.

Бошқа истеъмолчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Бошқа истеъмолчиларнинг мажбуриятлари:

табиий газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

ўз тасарруфидаги газ қувурлари ва газ хўжалиги ускуналарини техник соз ҳолатда сақлаш, бинолар ертўлалардаги ер ости коммуникацияларини бинога кирган қисмининг мустаҳкамлиги ва зичлигини таъминлаш, шунингдек биноларнинг қурилиш элементлари билан газ тармоқларининг ўзаро кесишган жойларини кузатиб бориши;

газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускуналарида вужудга келган табиий газни сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилотини зудлик билан хабардор қилиши;

ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида тармоқларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиши;

газ таъминоти ташкилотларининг газ тармоқларига сертификатланмаган, ЛТҲга мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

масъул ходимларни (тегишли хизмат гувоҳномаси кўрсатилган тақдирда) ҳисоблагичларни ва/ёки газдан фойдаланиш ускуналарини, давлат ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларини дудбурон ва шамоллатиш тизимларини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришларини таъминлаш;

газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиши;

ҳисоблагич кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга ошираслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

ҳисоблагич ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулай шаклда дарҳол хабардор қилиши;

ўзининг газ хўжалигидаги ҳисоблагичларидан газ таъминоти ташкилотининг ТГНҲАТга онлайн тарзда маълумотлар узатилиши таъминлаш;

газ тармоғи транзит сифатида ташкилот ҳудудидан ўтказилган ҳолларда ушбу ҳудуд эгаси газ таъминоти ташкилотининг газ тармоғини текшириб туриш ва унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, авария ҳолларининг олдини олиш ҳамда улар юзага келганда бартараф этиши учун газ таъминоти ташкилоти вакилини ушбу ташкилот ҳудудига кириши учун зарур шароит яратиши;

ҳисоблагични газ тармоғининг бўлиниш чегарасига (кузатув мосламалари ҳамда кириш эшиги очилганда сигнал берувчи қурилмалар билан таъминланган бинога (контейнерга) ўрнатиш ҳамда уни газ таъминоти ташкилоти масъул ходими томонидан доимий назорат қилиниши учун зарур шароит яратиши;

газ тармоқларини бино ва иншоотларнинг том, девор ва пол ости қисмидан ёпиқ ҳолда ўтказмасликни (монтаж қилинмаслигини) таъминлаш;

ҳисоблагич ўрнатилган жойдан кейинги газ тармоқларни биринчи навбатда (йўл инфратузилмасига таъсир қилмаган ҳолда) ер устидан тортиш;

ўзининг газ хўжалигидаги ер остидан ўтказилган газ қувурларининг трассаси бўйлаб зарур огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатиш;

газдан фойдаланиш ускуналарининг уланиш жойларида метан ва ис гази сизиб чиқишини барвақт аниқлайдиган, хабар (сигнал) берадиган ва газ сизиб чиқиши ҳолатларида газни тармоқдан клапан орқали автоматик тарзда ўчириб қўядиган газоанализаторлар билан таъминлаш;

Ўзэнергоинспекция ва газ таъминоти корхонаси ўзларининг ваколатлари доирасида (табиий газдан ноқонуний ва самарасиз фойдаланишни олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш ва бошқа йўналишларда) берилган кўрсатмаларни бажариш;

табиий газдан фойдаланишда сертификатланган, энергия тежамкор бўлган газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш, уларни хавфсизлик автоматикаси билан жиҳозлаш.

## 7. Табиий газдан фойдаланишда куйидагилар таъкиқланади:

ўзбошимчалик билан газлаштириш, газдан фойдаланиш ускунасини мустақил равишида кўчириш, алмаштириш ва таъмирлашга;

газдан фойдаланиш ускунаси жойлашган хоналарда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган талабларга номувофиқ тарзда қайта режалаштириш ва курилиш-монтаж ишларини бажаришга;

газдан фойдаланиш ускунаси, дудбурон ва шамоллатиш тизимларининг конструкциялари ва ўрнатилган элементларига (қисмларига) ўзбошимча йўл билан ўзгартириш киритишига, шунингдек, дудбуронларни тозалашга мўлжалланган шамоллатиш тизимларини ва люкларни ёпиб қўйишига;

хавфсизлик ва тартибга солиш автомата тизимларини ўзбошимчалик билан ўчиришига, газдан фойдаланиш ускуналари, автомата ва беркитиш арматуралари яроқсиз ҳолга келган тақдирда газдан фойдаланишига;

газлаштирилган печлар ва дудбуронларда синч зичлиги, сувоқдаги (ёриклар) бузилиши ҳолатлари юзага келганда, дудбурон ва шамоллатиш тизимлари яроқлилиги ҳақидаги далолатнома мавжуд бўлмагандан ёки унинг муддати ўтганида, шунингдек газдан фойдаланиш ускуналари техник тафтишдан ўтказилмагандан ҳамда дарчалар (фрамугалар), жалюза панжаралари, шамоллатиш тизими панжаралари, ҳаммом ва ошхона эшиклари остидаги тирқишлиарнинг ёпиқ ҳолатларида, дудбурон ва шамоллатиш тизимларида тортиш кучи йўқ бўлганда газдан фойдаланиш ускуналаридан фойдаланишига;

дудбурон ва шамоллатиш тизимларини ўзбошимчалик билан тозалашга;

ишлаб турган газдан фойдаланиш ускуналарини қаровсиз қолдиришига (узлуксиз ишлаб туришни назарда тутадиган ва бунинг учун тегишли автоматлаштирилган тизимга эга газдан фойдаланиш ускуналари бундан мустасно);

газдан фойдаланиш ускуналаридан ўн икки ёшгача бўлган болалар, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмайдиган ва ушбу ускуналардан фойдаланиш қоидаларидан бехабар шахсларни фойдаланишига йўл қўйишга;

газ қувурларига (тармоқларига) юкларни осиш ва оғир вазнли буюмларни устига қўйишга;

табиий газ ва газдан фойдаланиш ускуналаридан бошқа мақсадларда, шунингдек газ плиталаридан ҳамда очик оловда ишлатиладиган газдан фойдаланиш ускуналаридан хоналарни иситиш учун фойдаланишига;

газдан фойдаланиш ускунаси ўрнатилган хоналарда ухлаш ва дам олиш мақсадида фойдаланишига;

табиий газ сизиб чиқиши жойларини аниқлаш учун очик оловдан фойдаланишига;

ТГНҲАТга уланган ҳисоблагичларга ўрнатилган модем қурилмасини газ таъминоти ташкилоти масъул ходимини хабардор қилмасдан ўчириб қўйишга ёки алмаштиришига.

8. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг худудий давлат ёнгин назорат органлари ҳар йили иситиш мавсуми бошланишидан олдин аҳоли хонадонлари ва туар жойлардаги дудбурон ва шамоллатиш каналларининг техник ҳолатини тафтишдан ўтказади. Тафтиш натижалари бўйича аниқланган носозликларни бартараф этади ҳамда ушбу соҳада давлат, идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизматлари томонидан дудбуронларни текшириш, профилактик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажаради ва назоратга олади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг худудий давлат ёнгин назорат органлари томонидан дудбуронларни кўрикдан ўтказишга қаршилик қилиш ёки ушбу ишларни амалга оширишига имкон бермаслик, Ёнгин хавфсизлиги худудий бўлимлари масъул ходими томонидан истеъмолчига нисбатан маъмурий баённома тузиш асосида чора кўришга, шунингдек ушбу масъул ходимнинг газ таъминоти ташкилотига юборган расмий кўрсатмасига мувофиқ истеъмолчини газ таъминотидан узишга асос бўлади.

Табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари ва мазкур Қоидаларга риоя этмаслик натижасида содир бўладиган салбий оқибатлар учун жавобгарлик газ тармоғининг бўлинниш чегарасига мувофиқ равишда тегишли газ тармоғи эгасининг зиммасига юклатилади.

#### 9. Газ таъминоти ташкилоти қуйидаги ҳукуқларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчини мазкур Қоидаларга мувофиқ белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни истеъмолчига етказиб бериладиган табиий газни қисқартириш ёки тўхтатиш;

газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатлари аниқланганда ва истеъмолчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 129, 133 ва 134-бандларида белгиланган мажбуриятларни бажармасдан ўзи ва ўзгаларнинг хавфсизлиги учун хавф туғдирганда ушбу истеъмолчиларни дарҳол газ тармоғидан узиш;

истеъмолчилардан мазкур Қоидаларни ва табиий газни етказиб бериш шартномаси шартларини бажарилишини талаб қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, лекин зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

мазкур Қоидаларнинг 129, 130 ва 134-бандларида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш;

ҳисоблагичларга уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралашилганда, ўрнатилган тамғаларнинг бутунлиги бузилганда ва тамғалар узилган ҳолатларда газ тармоқларига рухсатсиз уланганда мазкур Қоидаларнинг 127, 129, 130 ва 134-бандларида белгиланган чораларни қўллаш;

истеъмолчиларнинг газдан фойдаланиш ускуналари белгиланган муддатда техник кўриқдан ўтказилмаганлиги ёки истеъмолчи томонидан ушбу ускуналарни техник кўриқдан ўтказишдан бош тортиши, ушбу истеъмолчиларни вақтинча табиий газ тармоғидан узиб қўйиш;

истеъмолчиларнинг эскирган ва яроқсиз ҳолга келган газдан фойдаланиш ускуналари, таъмирталаб газ тармоқлари ва газ тақсимлаш пунктларига табиий газни етказиб беришни тўхтатиш;

металл прокати ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан индукцион печлардан фойдаланган ҳолда қурилиш ишлари учун ишлаб чиқарилган металл прокати қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган тақдирда, улар билан тузилган табиий газни етказиб бериш шартномасини бир тарафлама бекор қилиш.

#### 10. Газ таъминоти ташкилоти қуйидагиларга мажбур:

ўзининг тасарруфидаги газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларда ўз ҳисобидан зарур таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш;

ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларга рухсатсиз уланиш ҳолатларини аниқлаш учун тармоқларни даврий қўздан кечириш;

табиий газни етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрисида истеъмолчиларни ўз вақтида хабардор қилиш;

табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-торож қилинганлиги тўғрисида ҳукуқни муҳофаза қилиш органларини кечиктирмасдан ўз вақтида хабардор қилиш;

ҳисоблагич кўрсаткичларини ҳар ойда киритиб бориш ва интерактив хизматларнинг бошқа имкониятларидан фойдаланиш учун истеъмолчиларга ҳақ ундиришмасдан шахсий кабинет очиш имконини бериш;

маиший истеъмолчининг аризасига асосан истеъмол қилинган табий газ бўйича ҳисоб-китоб ҳолати ҳамда қарздорлик мавжуд эмаслиги (мавжудлиги) хақида маълумотномани икки иш куни ичида ҳақ ундирамаган ҳолда тақдим этиш;

истеъмолчига табий газни етказиб бериш шартномасида кўрсатилган шартларга мувофиқ газ етказиб бериш. Баҳор-ёз даврида барча истеъмолчиларга газ етказиб бериш учун ресурслар ва қувватлар етарли бўлмаган ҳолатларда, истеъмолчилар ўргасида газ ресурсларининг тақсимотини Энергетика вазирлиги билан келишилган кўрсаткичларга мувофиқ амалга ошириш;

истеъмолчиларга зарур йўриқномаларни бериш (ўтказиш) ва газ хўжалигида ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналаридан ва ҳисоблагичлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича эслатмаларни топшириш. Бунда йўриқномалар масъул ходим томонидан ўтказилиб, табий газни етказиб бериш шартномаси иловасига белги қўйилиши ва истеъмолчи томонидан имзоланиши шарт. Эслатмада эса газ таъминоти ташкилотининг авария хизмати телефон рақамлари кўрсатилади;

ваколатли давлат органларининг, шу жумладан, Ўзэнергоинспекциянинг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

истеъмолчининг ёзма, оғзаки ва электрон буюртмаси асосида уч иш кунида газдан фойдаланиш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш;

олдиндан тўловни амалга ошираган ҳамда истеъмол қилинган табий газ учун қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда истеъмолчиларнинг газ таъминотини тўхтатиш (узиш);

ҳисоблагичга ва бошқа қурилмаларга (жумладан, ҳисоблагичдан олдинги ва кейинги монометрларга) тамға қўйиш;

ҳисоблагич ва бошқа қурилмаларга ўрнатилган QR-кодли тамғаларни электрон дастури (Биллинг тизими) орқали юритиш;

ҳисоблагичнинг ички конфигурация маълумотларини ўзгартиришни олдини олиш мақсадида ҳисоблагич клавиатураси ва портини узиб қўйиш;

Газ таъминоти ташкилоти қонунчилик хужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Истеъмолчи томонидан берилган ёзма, оғзаки ва электрон буюртмаси асосида белгиланган тарифлар бўйича газдан фойдаланиш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида – бир кун давомида;

табий газ сизиб чиқишида – дарҳол. Бундай ҳолатлар газ таъминоти ташкилотининг авария хизмати томонидан бартараф этилади;

иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида – бир кун давомида;

иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) – икки кун давомида;

газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда – беш кун давомида.

12. Газ таъминоти ташкилоти ёки тегишли рухсатномага эга бўлган юридик шахслар истеъмолчилардан келиб тушган ёзма, оғзаки ва электрон буюртмалар асосида газдан фойдаланиш ускуналари ва газ тармоқларига белгиланган тарифлар ва табиий газни етказиб бериш шартномаси асосида белгиланган муддатларда техник хизмат кўрсатади.

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган техник хизматлар рақамлаштирилган дастурий таъминот орқали рўйхатга олинади, кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар истеъмолчиларга СМС-хабар орқали юборилади.

13. Табиий газни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, истеъмол қилиш соҳасидаги норматив-хуқуқий, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя килиниши устидан давлат назорати қонунчилик хужжатларига мувофиқ Ўзэнергоинспекция томонидан амалга оширилади.

Ўзэнергоинспекциянинг хуқуқ ва мажбуриятлари унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ўзэнергоинспекциянинг ваколатли ходимлари томонидан табиий газдан самарасиз ва нооқилона фойдаланиш, табиий газни истеъмол қилиш режимига риоя қилмаслик ва табиий газ қурилмаларининг авария хавфини туғдирадиган ёки одамлар хаётига хавф соладиган қоникарсиз техник ҳолати, газ тармоқларига ноқонуний уланиш, ҳисоблагичларга қасдан шикаст етказганлик, ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш максадида уларга ташқаридан аралашиб ҳолатлари аниқланганда, тегишли газ таъминоти корхонасига ёки истеъмолчига ушбу қурилмаларга газ етказиб беришни тўхтатилиши тўғрисида мажбурий кўрсатма бериш хуқуқига эга.

Ўзэнергоинспекция томонидан истеъмолчида табиий газдан нооқилона фойдаланганлик, электр энергиясини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни бажармаслик, техник шарт талабларига мувофиқ қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этмаслик ҳолатлари аниқланганда (тегишли расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ), газ таъминоти корхонаси ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда, табиий газ истеъмолининг шартномада белгиланган миқдорларини камайтиришга ҳақли.

#### **4-боб. Табиий газга бўлган йиллик эҳтиёжни аниқлаш**

14. Истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) ҳар йили 15 июль санасига қадар газ таъминоти (трейдер) ташкилотига келгуси йил учун ойлар кесимида тақсимланган табиий газ истеъмолининг прогноз ҳажмлари бўйича буюртма беради.

15. Табиий газни ишлаб чиқарувчилар ҳар йили 1 август санасига қадар келгуси йил учун табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда газ узатиш ташкилотнинг магистрал газ қувурларигача етказиб бериладиган ҳажмларни, ўзининг газга бўлган эҳтиёжлари ва технологик йўқотишларини аниқлайди.

16. Келгуси йил учун табиий газга бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлиги учун техник ва илмий асосланган меъёрларга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, табиий газнинг икки йиллик (ҳар чораклик) амалдаги сарфи ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларига боғлиқ равишда истеъмолчи томонидан тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши керак.

Маиший ва коммунал-маиший истеъмолчиларнинг келгуси йилда табиий газга бўлган эҳтиёжи табиий газни белгиланган истеъмол қилиш меъёрлари ва (ёки) икки йиллик (ҳар чораклик) амалдаги сарфи асосида газ таъминоти ташкилотлари томонидан аниқланади.

17. Газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотлари ҳар йили 1 сентябргача газ транспорт тизими техник жиҳатдан барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишларга сарфланадиган ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериладиган газ ҳажмларига бўлган эҳтиёжни (ойлар кесимида) тақсимлаган ҳолда (келгуси йилда янги ишга тушириладиган объектлар учун захира ҳажмларини назарда тутган ҳолда), келгуси йил учун табиий газ эҳтиёжининг прогнозини шакллантиради ҳамда Энергетика вазирлигига тақдим этади.

18. Энергетика вазирлиги тақдим этилган буюртмалар асосида ресурс ва газ узатиш имкониятлари, шунингдек, республикадаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва табиий газ экспорти ҳажмларини ҳисобга олиб, табиий газ ресурсига бўлган эҳтиёжни ойлар кесимида тақсимлаган ҳолда, республика бўйича келгуси йил учун табиий газ ресурслари ва истеъмоли балансини ишлаб чиқади ҳамда келгуси йил республика бўйича табиий газ ресурслари ва истеъмоли баланси лойиҳасини тайёрлаш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 1 октябрга қадар тақдим этади.

19. Энергетика вазирлиги келгуси йил учун республика бўйича табиий газ табиий газ ресурслари ва истеъмолининг тасдиқланган балансига мувофиқ ҳар йили 1 декабрга қадар трейдер ташкилоти ва газ таъминоти ташкилотига истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришнинг йиллик ва ойлик ҳажмларини тақдим этади. Трейдер ташкилоти томонидан магистрал газ кувурларига уланган истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришнинг йиллик ва ойлик ҳажмларини газ узатиш ташкилотига, газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришнинг йиллик ва ойлик ҳажмлари бўйича маълумотларни газ таъминоти ташкилотларига юборади.

Газ таъминоти ташкилотлари истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) буюртмаларини табиий газ ресурслари ва истеъмолининг тасдиқланган балансига мувофиқ белгиланган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқишига ҳақлидир.

20. Қуйидаги истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришда устуворлик берилади:

маиший истеъмолчиларга;

идоравий ва муниципал уй-жой фондига, юридик шахслар ётоқхоналарига ва уй-жой мулқдорлари ширкатларига – аҳолини газ билан таъминлаш мақсадида ҳамда локал қозонхоналарга – аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларга.

## **5-боб. Мαιший ва коммунал-майший истеъмолчиларни табиий газ тармоқларига уланиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби**

21. Истеъмолчилар (шу жумладан, умумий ҳисобланган қуввати соатига 100 кВт.гача бўлган газдан фойдаланиш ускуналарига эга оиласий корхоналар) амалдаги норматив-хуқукий ҳужжатларда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида газлаштириш ишларини бажариш ҳукуқига эга ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда, ишлаб чиқилган газлаштириш лойиҳаларига асосан табиий газ билан таъминланади.

22. Истеъмолчиларни қуйидаги тартибда табиий газ билан таъминлашнинг техник имкониятлари кўриб чиқилади:

истеъмолчи давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда – ДХМ) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали газ таъминоти ташкилотига газлаштириш ҳақидаги аризани газлаштириш объектининг кадастр ҳужжати нусхасини илова қилган ҳолда тақдим этади;

табиий газ ресурслари ва истеъмоли баланси ҳамда газ тақсимлаш тизимининг техник имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда истеъмолчи объектини газлаштириш бўйича техник имкониятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниqlаш мақсадида газ тақсимлаш тармоқларига уланадиган истеъмолчиларнинг объектлари газ таъминоти ташкилотининг мутахассислари томонидан уч иш куни мобайнида ўрганилади.

Истеъмолчининг обьекти жойлашган ҳудудда газ таъминоти ташкилоти томонидан тегишли параметрларда истеъмолчига табиий газни етказиш имкони мавжуд қувватга (босим, ҳажм) эга бўлган газни тақсимлаш тармоғи ҳамда табиий газ ресурслари мавжуд бўлганда, истеъмолчини газ билан таъминлаш бўйича техник имконият мавжуд деб ҳисобланади.

Ўрганиш натижаси бўйича газ таъминоти ташкилоти томонидан ижобий қарор қабул қилингандан сўнг, истеъмолчига ички газ қувурлари, газдан фойдаланиш ускуналари (тури ва сони) ва ҳисоблагичларга нисбатан қўйилган талабларни ўз ичига олган газлаштириш техник шартлари берилади.

Газлаштирилган уй-жойлар майший истеъмолчи ва оиласий корхонага ажратилганда, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида техник шарт ва ЛТҲни ишлаб чиқилиши ҳамда истеъмолчининг маблағлари ҳисобидан алоҳида ҳисоблагичларни ўрнатиш шарти билан уй-жойга нисбатан эгалик ҳукуқини белгиловчи ҳужжатларга (кадастр ҳужжати) асосланиб газ билан таъминланади.

Газлаштирилган уй-жойлар икки ва ундан ортиқ майший истеъмолчига ажратилган тақдирда, ҳар бир уй қисми учун алоҳида ЛТҲни ишлаб чиқиш ва газлаштириш учун кўшимича техник шартларни олмасдан ҳисоблагич ўрнатиш шарти билан уй-жойга нисбатан эгалик ҳукуқини белгиловчи ҳужжатларга (кадастр ҳужжати) асосланиб газ билан таъминланади.

23. Газлаштириш (газдан фойдаланиш ускуналари, курилма ва уй ичи газ қувурлари) ЛТҲлари қонунчиллик ҳужжатларига мувофиқ мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган лойиҳа ташкилотлари томонидан газлаштириш техник шартлари асосида ишлаб чиқилади.

24. ЛТҲда қуйидаги ечимлар назарда тутилиши керак:

белгиланган стандартларга мувофиқ самарали газдан фойдаланиш ускунасини ўрнатиш;

истеъмол қилинаётган табиий газ сарфининг ҳисобланган диапазонида ҳисобга олишнинг ишончлилигини таъминлайдиган, газ ҳажмини стандарт шартларга мувофиқлаштириш учун зарур қурилмалар билан жиҳозланган ҳамда табиий газ истеъмолини ТГНҲАТга мос келадиган ҳисоблагичларни (уларни жойлашув нуқталарини кўрсатган ҳолда) ўрнатиш;

газ қувури ва ундаги қурилмаларни техник назоратини амалга оширилишида шаффоффликни таъминлаш мақсадида газ қувурларини бурчаксимон темир тиргаклар (устунлар)га ўрнатиш.

25. Газ таъминоти ташкилоти томонидан газлаштириш лойиҳаси қурилиш-монтаж ишлари (кейинги ўринларда – ҚМИ) бошланишидан аввал, бироқ газлаштириш учун техник шартлар берилган кундан бошлаб 12 ойдан кечикмасдан, рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим.

26. ҚМИ ЛТҲга ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ, мазкур ишларни бажариш ҳуқуқига эга ташкилот томонидан ижро-техник ҳужжатлари асосида ва ертўла иншоотларидаги бошқа коммуникацияларнинг ертўла иншоотига кириш жойларини мустаҳкам ва зич ёпилганлигини таъминлаган (ушбу ишларни бажарилганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирган тарзда) ҳолда, табиий газ истеъмолчisinинг (ташаббускор) маблағлари ҳисобидан бажарилади.

27. ҚМИни амалга оширган ташкилот газ таъминоти ташкилотига дудбурон ва каналларини текшириш ишларини, шунингдек, ертўла иншоотларидаги бошқа коммуникацияларнинг кириш жойларини мустаҳкам ва зич (герметик) ёпилганлигини таъминлаган ҳолда, амалга оширилганлиги тўғрисида тегишли далолатномаларни тақдим этади.

28. Истеъмолчининг объектини газ тармоғига улаш жараёнида мавжуд газ тармоқларида босимни нолгача пасайтиришда атмосферага чиқарилган, паст, ўрта ва юқори босим остидаги газ қувурларининг узиб қўйиладиган қисмларини газ билан тозалаш ва кейинги тўлдириш ҳамда ташқи газ қувурларини ишга тушириш ишларини амалга ошириш учун сарфланган газ ҳажми бўйича тўловлар истеъмолчининг ҳисобидан қопланади.

Истеъмолчининг объектини газ тармоқларига уланишида янги газ қурилмаларини ва газ тармоғи хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва қуриш, ишлаб турган объектлар (қурилмалар)ни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш зарурияти юзага келса, ушбу ишлар истеъмолчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

29. ИТСИ якунлангач, ишга тушириш далолатномаси тузилади ва истеъмолчига мазкур Қоидаларга мувофиқ зарур кўрсатмалар берилади. Шундан сўнг, истеъмолчи ишга тушириш далолатномасига имзо чекади ва табиий газни етказиб бериш шартномаси тузилади (ишга тушириш далолатномасининг бир нусхаси газ таъминоти ташкилотида сакланади).

Истеъмолчилар билан табиий газни етказиб бериш шартномаси ДХМ, ЯИДХП ёки газ таъминоти ташкилотининг электрон дастурий таъминоти тизими орқали электрон ракамли имзодан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

**6-боб. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи, ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга истеъмолчиларни табиий газ тақсимлаш тармоқларига улаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби**

30. Истеъмолчилар (шу жумладан умумий ҳисоб қуввати соатига 100 кВт ва ундан юқори ёки йиллик газ сарфи 100 000 куб метрдан юқори бўлган газдан фойдаланиш ускуналарига эга оиласвий корхоналар) амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлардаги талабларга кўра газлаштириш ишларини бажариш хуқуқига эга ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилган ЛТҲга асосан табиий газ билан таъминланади.

31. Янги турдаги газдан фойдаланиш ускуналарини ишга тушириш ва (ёки) фойдаланилаётган қувватларни реконструкция қилиш ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни мўлжаллаётган истеъмолчи газ тармоқларига уланишнинг техник имкониятларини келишиш ва техник шартни олиш учун ДХМ ёки ЯИДХП орқали белгиланган тартибда табиий газ истеъмоли бўйича асосланган ҳисоб-китобларга эга буюртмани газ таъминоти ташкилотига (йирик стратегик корхоналар газ транспорт тизимига уланиш бўйича газ узатиш ташкилотига тўғридан тўғри мурожаат қиласди) тақдим этади.

Буюртмада табиий газдан фойдаланиш даври, газдан фойдаланиш ускунасининг тури ва техник тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар, захира ёқилғисидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, газ истеъмолининг режалаштирилаётган ҳажмлари кўрсатилади ва ишлаб чиқариш қувватларининг жойлашиш режаси буюртмага илова қилинади.

32. Буюртма янги газлаштириш техник шартларини олишда ёки муддатини узайтиришда ҳам истеъмолчи томонидан газ таъминоти ташкилотига тақдим этилади.

Буюртмани кўриб чиқиш муддати уч иш кунини ташкил қиласди.

33. Газ таъминоти ташкилоти томонидан буюртмани кўриб чиқиш натижаси бўйича ижобий қарор қабул қиласди тақдирда, истеъмолчига қуидагилар кўрсатилган газлаштириш техник шартлари берилади:

газ қувурига уланиш жойи;

бўлиниш чегаралари ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларининг жойлашув схемаси;

уланиш нұқтасидаги табиий газнинг максимал соатлик, кунлик, йиллик сарфи ва ишчи босими, шунингдек, ушбу босимнинг ўзгариш чегаралари;

газ тақсимлаш шохобчаси (кейинги ўринларда – ГТШ) иншоотини қуриш зарурлиги, ГТШга бўлган техник талаблар, автоматика тури, газ қувурлари сони ва уларнинг ҳар биридаги табиий газ босими, газ хўжалигидағи қурилмалар, жиҳозлар ва қувурларни коррозиядан ҳимоялаш чора-тадбирлари ва бошқалар;

кўшимча газ қувурларини қуриш ишлари;

газдан фойдаланиш ускунаси ва газ горелкали қурилмаларга қўйиладиган талаблар (тури ва сони), мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги;

ҳисоблагичга қўйиладиган талаблар;

табиий газдан асосий ёқилғи тури сифатида фойдаланишнинг аниқ даври (ойлар бўйича);

захира ёқилғидан фойдаланиш даврини кўрсатган ҳолда, захира ёқилғи хўжалигини қуриш зарурлиги;

газдан фойдаланиш ускуналари уланиш жойида метан ва ис газини барвақт аниқлайдиган, хабар (сигнал) берадиган ва газни клапан орқали автоматик тарзда ўчириб қўядиган газоанализаторларни ўрнатиш.

Газлаштириш техник шартларининг амал қилиш муддати улар берилган кундан бошлаб бир йилни ташкил қиласди. Белгиланган муддат ўтгач, агар истеъмолчи газлаштиришни тугатмаган бўлса, газлаштириш учун янги техник шартлар олиниши лозим.

34. Табиий газ ресурслари ва истеъмоли баланси ҳамда қурилмаларнинг техник имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда газлаштириш учун техник шартларни бериш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, газ таъминоти ташкилоти мазкур Коидаларнинг 32-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган муддатда истеъмолчига рад этиш сабабларини асослаган ҳолда, тегишли ёзма хабарнома юборади ва тақдим қилинган ҳужжатларни қайтаради.

35. Истеъмолчилар ва газлаштириш ЛТҲларини ишлаб чиқсан лойиҳалаштириш ташкилотлари учун газлаштириш техник шартлари талабларини бажариши мажбурий ҳисобланади. Техник шартларда кўрсатилган талабларни рад этишга факат газ таъминоти ташкилоти билан келишилган тақдирда йўл қўйилади.

Мазкур келишиш газ таъминоти ташкилоти томонидан истеъмолчининг мурожаати (буюртмаси) берилган кундан кейин уч иш куни давомида амалга оширилади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Истеъмолчиларнинг (аҳолидан ташқари) газ тармоқларига уланишлари билан боғлиқ янги газ қурилмаларини ва газ тармоғи хўжалиги обьектларини лойиҳалаш ва қуриш, ишлаб турган обьектлар (қурилмалар)ни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишлари истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

36. Истеъмолчи, кўчмас мулк эгаси ўзгарган ҳолларда, техник шартларда кўрсатиб ўтилган талабларни ўзгартиришга эҳтиёж бўлмагандан, табиий газни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома янги истеъмолчи билан қайта тузилади. Бунда газлаштириш техник шартларини тақорорий расмийлаштириш талаб қилинмайди.

37. Тадбиркорлик субъектларига газлаштириш техник шартларини бериш ДХМ ёки ЯИДХП орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ундирилмасдан амалга оширилади. Бунда истеъмолчиларнинг хоҳиши билан газ тармоқларига “тайёр ҳолда” бажариш шартларида амалга оширилиши мумкин.

38. Газлаштириш ЛТҲлари қуидаги қисмлардан иборат бўлади:

тушунтириш хати;

иссиқлик-механика қисми;

технология қисми;

назорат-ўлчов приборлари ва автоматика қисми;

газ таъминоти қисми;

захира ёқилғи ҳўжалиги қисми;

ускуналар ва материаллар тавсифи (спецификацияси) қисми;

электр таъминоти қисми.

39. ЛТҲ мазкур турдаги фаолиятни амалга ошириш хуқуқига эга бўлган лойиҳалаштириш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади.

Лойиҳалаштириш ташкилоти газ таъминоти тизими бўйича ишлаб чиқилган лойиҳанинг амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардаги талабларга мувофиқлиги юзасидан жавобгар ҳисобланади.

40. ЛТҲ қуидагиларни назарда тутиши керак:

юқори энергия самарадорликка ва тежамкорликка эга технологик схемалар, жараёнлар ва сертификатга эга газдан фойдаланиш ускуналарини ва газ ёндиригичларни қўлланилиши;

истеъмол қилинаётган табиий газ сарфининг ҳисобланган оралиғида (диапазонида) ҳисобга олишнинг ишончлилигини таъминлайдиган, газ ҳажмини белгиланган стандарт шароитларга келтириш учун зарур қурилмалар билан жиҳозланган ҳамда ТГНҲАТга мос бўлган ҳисоблагичларни қўллаш;

ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўладиган иккиласмачи энергия ресурсларидан иқтисодий асосланган ва техник жиҳатдан имконияти мавжуд бўлган тарзда фойдаланиш;

хавфсизлик автоматикаси қурилмаларининг мавжудлиги;

иссиқлик алмашинуви жараёнларини автоматик тарзда тартибга солиш ва назорат қилиш тизимларини қўллаш;

табиий газни ва ундан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ҳисобга олинишини таъминлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигига ёқилғи-энергия ресурсларини белгиланган норматив кўрсаткичлари бўйича сарфланиш меъёrlарини;

амалдаги лойиҳалаштириш нормаларига мувофиқ агрегатларни ва иссиқлик қувурларининг қизиш юзасини ҳимояловчи иссиқлик изоляция қопламаларини қўллаш;

ёнувчи маҳсулотларнинг таркиби ва ҳароратини назорат қилинишини таъминлаш;

бинолар ва иншоотларнинг иситиладиган ҳажмлари, шунингдек, ушбу объектлардан газ қувурларигача бўлган масофалар тўғрисидаги маълумотлар.

41. ЛТҲ белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак.

42. ЛТҲ газ таъминоти ташкилоти томонидан ҚМИ бошланишига қадар, техник шартлар берилган кундан бошлаб 12 ойдан кечиктирилмасдан рўйхатдан ўтказилиши керак.

ЛТҲ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилгандан сўнг истеъмолчининг ёзма шаклдаги мурожаати асосида ЛТҲ газ таъминоти ташкилотида беш иш кунидан кечикмай тўлов ундирилмасдан рўйхатдан ўтказилади.

Агар, ҚМИ рўйхатдан ўтказиш кунидан буён 12 ой мобайнида бошланмаган ёхуд газлаштиришда техник шартлардан чекланиш ҳолатлари аниқланган бўлса, ЛТҲ газ таъминоти ташкилотида қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт.

ЛТҲни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, газ таъминоти ташкилоти беш иш куни мобайнида истеъмолчига рад этиш сабабларини ва бартараф этилиши керак бўлган камчиликларни асослаган ҳолда, тегишли ёзма хабарнома юборади.

43. ЛТҲга мувофиқ ҚМИ ушбу ишларни амалга ошириш ҳукуқига эга ташкилот томонидан тегишли ижро-техник ҳужжатларини тузган (ишлаб чиқсан) ҳолда бажарилади.

44. Газ таъминотидаги мавжуд тизимларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда уларни қуриш ва фойдаланишга топшириш талаблари янги қурилиш объектларига нисбатан белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

45. ҚМИ тугалланганидан сўнг мазкур ишларни бажариш ҳукуқига эга ташкилот томонидан газдан фойдаланиш ускунасини ИТСИ ва РСИ амалга оширилади.

РСИ бир йилда 100 000 куб метр ва ундан кўп табиий газдан фойдаланадиган корхоналар ва технологик нефть-газ объектлари (қурилмалари) учун мажбурий ҳисобланади.

46. ИТСИ ва РСИ тугалланганлиги тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади. Бундан ташқари, техник ҳисобот тузилади ва унда газдан фойдаланиш ускунасининг турли иш режимларида газдан оқилона фойдаланиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ёқилғини ёниш жараёнларини автоматик бошқариш жиҳозлари ва воситалари, иссиқликни утилизация қилиш ҳамда ёрдамчи ускуналар, қозонхоналар учун сув тайёрлаш тизимларидағи ускуналарни созлашга таъсир күрсатувчи энергия самарадорлик күрсаткичлари қайд этилади.

47. ИТСИ ва РСИ натижалари асосида уларни бажарган ташкилот истеъмолчи томонидан тасдиқланадиган вақтингачалик режим (технология) хариталарини ишлаб чиқади ва истеъмолчига топширади.

48. Вақтингачалик режим (технология) хариталари истеъмолчи томонидан тасдиқланади ва унинг асл нусхалари истеъмолчида сақланади, иш жойларида (объектларда) эса уларнинг нусхалари кўринадиган жойларга ўрнатилган бўлиши керак.

49. Эксплуатация қилинадиган табиий газдан фойдаланиш ва ёрдамчи ускуналарда ҳар уч йилда камида бир маротаба, газдан энергия сифатида фойдаланувчи ташкилотларда эса (мукаммал ва жорий таъмирлашни ўтказиш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда) ҳар тўрт йилда бир маротаба РСИнинг куйидаги турларини ўтказиш назарда тутилиши керак:

газдан фойдаланиш ускунасини иссиқлик техникаси (режимлари) жиҳатидан созлаш;

ёниш жараёнини назорат қилиш ва автоматик бошқариш воситаларини созлаш;

газдан фойдаланиш ускунасини ишлатишда хавфсизликни таъминловчи автомата воситаларини созлаш;

иссиқликни утилизация қилувчи ва ёрдамчи ускуналарни созлаш;

сувни тайёрлаш тизимларини созлаш;

захира ёнилғиси хўжалигини эксплуатация қилиш жараёнларини созлаш;

табиий газ ва захира ёқилғисини биргаликда ёндиришда ёниш жараёнини созлаш.

50. Газдан фойдаланиш ускунасида ва ёрдамчи ускунада РСИ куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

газдан фойдаланиш ускунасини мукаммал ёки режадан ташқари таъмирлашдан кейин;

газдан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатадиган конструктив ўзгаришлар киритилгандан кейин;

газдан фойдаланиш ускунаси режим (технология) хариталари талабларидан мунтазам равишда четланиш ҳолатларида ишлаганда;

фойдаланилаётган ёқилғининг тури ва тавсифлари ўзгарганда.

51. Янгидан қурилган, реконструкция қилинган ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозланыётган газдан фойдаланиш ускунасини, газ қувурларини ва улардаги ускуналарни фойдаланишга қабул қилиш ишлари қабул қилиш комиссияси томонидан қонунчилик хужжатларида белгиланган талабларга, техник тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга ҳамда мазкур Қоидаларга мувофиқ қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибга асосан ташкил этилган маҳсус ахборот тизимлари орқали ЭРИдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

52. Газдан фойдаланиш ускунасини кўрикдан ўтказиш ва табиий газ узатишга рухсатнома бериш истеъмолчининг аризаси тушган кундан бошлаб, 10 иш куни мобайнида газ таъминоти ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Истеъмолчининг обьектини кўрикдан ўтказиш учун истеъмолчи томонидан газ таъминоти ташкилотига лойиха ва ижро-техник хужжатлари билан биргаликда қўйидаги рухсатномалар тақдим этилиши керак:

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан ИТСИни ўтказиш учун берилган рухсатнома;

Ўзэнергоинспекция ҳудудий бошқармасининг истеъмолчининг (бир йилда 100 000 куб метр ва ундан кўп табиий газдан фойдаланадиган) обьектида кўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги тўғрисида хулосаси.

53. Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси рухсатномасисиз ва Ўзэнергоинспекция ҳудудий бошқармасининг истеъмолчининг (бир йилда 100 000 куб метр ва ундан кўп табиий газдан фойдаланадиган) обьектида кўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги тўғрисида хулосасисиз табиий газдан фойдаланиш ускуналарига табиий газни етказиб бериш тақиқланади.

Юридик шахсларга тегишли ташкилот ёки ишлаб чиқариш обьектлари сотилганида ёки ижарага берилганида, ушбу ташкилотдаги табиий газдан фойдаланиш ускуналари ўзгармаганда, мазкур ташкилотга илгари берилган рухсатномалар ва хулосаларнинг амал қилиш муддати сақланиб қолади.

54. Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг тегишли рухсатномасисиз ва Ўзэнергоинспекция ҳудудий бошқармасининг кўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги тўғрисида хулосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газни етказиб бериш ҳолатлари аниқланганда, тегишли мутасадди органлар (ташкилотлар)нинг тақдимномаларига асосан, табиий газни етказиб берилиши аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг қайта тикланади.

55. Янгидан курилган, реконструкция қилинган ёки техник жиҳатдан қайта жихозланган газдан фойдаланиш ускунасига, газ қувурлари ва ёрдамчи ускуналарга Газ таъминоти ташкилоти табиий газ мазкур Коидаларнинг 52-банди талаблари бажарилган тақдирда узатилади.

56. Истеъмолчида мазкур Коидаларнинг 52-бандида кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, ИТСИ ва РСИ амалга ошириш учун кўрсатилган ҳажмда газ берилишини таъминлаш учун газ таъминоти ташкилоти ва истеъмолчи ўртасида табиий газни етказиб бериш шартномаси тузилади.

57. Истеъмолчи томонидан РСИ тугатилгандан сўнг, бажарилган ишларнинг сифатини баҳолаш учун истеъмолчи Ўзэнергоинспекциянинг ҳудудий бошқармасига ёзма шаклда мурожаат қилиши ва техник ҳисоботни илова қилиши лозим.

Бажарилган созлаш ишларининг сифати белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда Ўзэнергоинспекция ҳудудий бошқармаларининг кўрсатмасига асосан созлаш ишларини бажарган ташкилот ҳисобидан (истеъмолчи ва ташкилот ўртасида тузиладиган шартномада белгиланиши тавсия қилинади) газдан фойдаланиш ускунаси такроран созланади.

## **7-боб. Табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш**

58. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан табиий газни етказиб бериш шартномалари газ таъминоти ташкилотининг дастурий таъминоти ёхуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга асосан ташкил этилган маҳсус ахборот тизимлари орқали ЭРИдан фойдаланган ҳолда тузилади.

Бунда:

мазкур тартиб юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли бўйича лимитларни белгилаш ва уларга ўзгартиришлар киритилишида ҳам татбиқ этилади;

давлат ташкилотлари (буортмачилари) билан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталига автоматик равишда юборилиши таъминланади;

бюджет буортмачилари билан тузилган шартномалар туман (шахар) газначилик бўлинмаларида электрон шаклда (инсон омилисиз) рўйхатдан ўтказилади.

59. Маиший истеъмолчилар билан табиий газни етказиб бериш шартномаси тузилмаган тақдирда, шартнома истеъмолчи газ тармогига белгиланган тартибда амалда уланган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Бунда газ таъминоти ташкилоти мазкур истеъмолчи билан табиий газни етказиб бериш шартномаси тузиши ҳамда мазкур Коидалардаги талабларни таъминланиши юзасидан зарур чораларни кўриши шарт.

Кадастр агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари истеъмолчининг кўчмас мулкка бўлган хукуқларини давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг уч кун муддатда истеъмолчи билан табиий газни етказиб бериш шартномасини қайта расмийлаштириш учун газ таъминоти ташкилотига кўчмас мулк эгаси тўғрисида маълумот юборади.

60. Табиий газ истеъмолчиларининг бошқа тоифаларига табиий газ фақат белгиланган тартибда тузиладиган шартномалар асосида етказиб берилади.

61. Истеъмолчиларга шартномада белгиланган ҳажмда табиий газ (маиший истеъмолчилардан ташқари) мазкур Қоидаларнинг 14 ва 19-бандларида белгиланган талабларга мувофиқ етказиб берилади.

62. Табиий газни етказиб бериш шартномасида газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисоблагичларга техник хизмат кўрсатиш даврийлиги ва тартиби қонунчилик хужжатлари талабларига ва техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги хужжатларга мувофиқ кўрсатилиши шарт.

63. Табиий газни етказиб бериш шартномаси электрон шаклда тузилади ва газ таъминоти ташкилотининг рақамлаштирилган дастурий таъминоти ёки қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибга асосан ташкил этилган маҳсус ахборот тизимларидан истеъмолчи ёки назорат қилувчи органларнинг сўровларига асосан олиш имконияти яратилади.

### **8-боб. Истеъмолчиларга табиий газни етказиб бериш тартиби**

64. Истеъмолчиларга табиий газни етказиб бериш газ таъминоти ва трейдер ташкилолари томонидан мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

65. Истеъмолчи томонидан унга етказиб берилаётган табиий газдан фақат табиий газни етказиб бериш шартномасида кўрсатилган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади. Етказиб берилган табиий газ ҳажмидан бир қисмини учинчи шахсларга ўтказиш ёки сотиш фақат газ таъминоти ташкилоти билан учинчи шахс ўртасида тегишли шартномани тузиш ҳамда учинчи шахс обьектига алоҳида ҳисоблагич ўрнатиш асосида амалга оширилиши шарт. Бунда истеъмолчига (битта юридик шахсга) тегишли бўлган бир нечта ҳудудларда жойлашган обьектларида газ сарфи ҳисобини алоҳида юритиш учун ушбу обьектларнинг ҳар бири алоҳида ҳисоблагичлар билан таъминланиши керак. Бунда газ таъминоти ташкилоти ва истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоблар газ қувурларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблагич орқали амалга оширилади.

66. Газ таъминоти ташкилоти табиий газни белгиланган ўртача суткалик меъёр доирасида ой мобайнида бир хил микдорда, истеъмол қилишининг суткалик меъёридан камайтириш орқали чеклаш зарурати юзага келган ҳолатларда эса – томонлар ўртасида келишилган режа жадваллари бўйича табиий газни етказиб бериши, истеъмолчи эса (маиший истеъмолчилар ва умумий ҳисобланган қуввати соатига 100 кВт.дан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасига эга оиласији корхоналардан ташқари) бўлиниш чегарасида ўрнатилган масофадан туриб ўчириб-ёкиш клапанига эга бўлган ҳисоблагич орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларининг тармоқларига ва газ тақсимлаш станциясига тўғридан тўғри уланган истеъмолчиларга табиий газ, газ узатиш ташкилотининг газ тақсимлаш станцияси (кейинги ўринларда – ГТС) орқали етказиб берилади ва унинг сарфи фақат ГТСда ўрнатилган ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида аниқланади.

ГТСлардан кейин ўрнатилган бошқа ҳисоблагиchlар газ узатиш ва газ таъминоти ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар учун қўлланилмайди.

ГТСда истеъмолчиларни табиий газ билан таъминлаш аҳоли ва саноат тармоғи орқали амалга оширилади. Бунда ГТСда аҳоли тармоғи, саноат тармоғи ва алоҳида тартиб билан белгиланган стратегик ташкилотлар тармоғи бўлиши талаб этилади.

Магистрал газ қувурлари ва ГТСларнинг меъёрий хужжатларда белгиланган ҳимоя худудида табиий газ истеъмолчилари жойлашуви қатъян ман этилади.

Эгалик ҳукуқидан қатъий назар барча газ тақсимлаш станциялари қурилиши учун мўлжалланган ер майдонлари доимий фойдаланиш ҳукуқи асосида Энергетика вазирлигига ажратилади ва кейинчалик газ узатиш ташкилотига ижара ҳукуқи асосида фойдаланишга берилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган барча ГТС газ узатиш ташкилоти тасарруфига ҳамда ГТС ичида ва (ёки) ташқарисига қурилган саноат тугунлари газ таъминоти ташкилоти тасарруфига (агар қонунчилик хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) бегараз ўтказилади.

Мазкур Қоидаларга иловада келтирилган табиий газни етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотларга ҳаки тўланмагани учун табиий газни етказиб беришни камайтириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, уларни табиий газдан тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

67. Газ узатиш ташкилоти табиий газнинг ГТСдан чиқиш босимини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган параметрларга мос равишда бўлишини таъминлайди.

68. Мазкур Қоидаларнинг 20-бандида келтирилган истеъмолчиларни (маиший ва коммунал-маиший истеъмолчилар ҳамда оиласиий корхоналардан ташқари) об-ҳаво совиб кетиши даврида табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари Ўзэнергоинспекция, табиий газ ишлаб чиқарувчи, газ таъминоти, газ узатиш ташкилотлари билан келишилган ҳолда тўлиқ ўчириладиган, қисман ўчириладиган ва чеклов киритиладиган истеъмолчилар рўйхатини тасдиқлаб, Энергетика вазирлигига киритади.

69. Тасдиқланган рўйхатлар барча манфаатдор ташкилотларга юборилади. Мазкур рўйхатларни қўллаш табиий газни етказиб бериш прогноз қўрсаткичлари Қоидаларнинг 20-бандида келтирилган истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш имконини бермаган тақдирда, Энергетика вазирлигининг қарорлари билан қайта тузилган (тасдиқланган) рўйхатлар газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотлари томонидан жорий этилади.

Рўйхатларга киритилган истеъмолчилар қисқармайдиган микдорда (камида уч ой давомида эҳтиёжни қоплайдиган) муқобил ёқилги захирасига эга бўлиши зарур ва ҳаво ҳарорати пасайиб кетган даврларда ушбу ёқилгидан фойдаланишга ўтадилар.

Шунингдек, захира ёқилғисининг яратилмаганлиги ва истеъмолчини мавсумга тайёр эмаслиги ушбу истеъмолчилар билан тузилган табиий газни етказиб бериш шартномаларини бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

Иситиш мавсуми бошланишидан олдин камида З ойлик захира ёқилғисига эга бўлмаган (маиший, коммунал-маиший истеъмолчилар ва оиласвий корхоналар бундан мустасно) ёқилғининг ва зарур захирасини яратиш чораларини кўрмаган истеъмолчиларга табиий газни етказиб берилмаслиги мумкин.

Ҳаво ҳарорати пасайиб кетган даврда ёки куз-қиши мавсумида захира ёқилғисига ўтказиш жадвалига киритилган алоҳида истеъмолчиларга табиий газни қайтадан етказиб бериш Энергетика вазирлигининг тегишли қарорлари билан амалга оширилади, бунда истеъмолчиларни захира ёқилғи турларига ўтказиш бўйича тасдиқланган жадвалларига зарур ўзгартишлар киритилади.

70. Трейдер, газ узатиш ва газ таъминоти ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиб тақдим қилинган жадвалларга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари истеъмолчиларга (маиший ва коммунал-маиший истеъмолчилари, шунингдек оиласвий корхоналар бундан мустасно) табиий газни етказиб бериш жадвалларини ва авариялар рўй бериши эҳтимолини инобатга олиб, ёки магистрал газ узатиш тизими ва газ тақсимлаш тармоқлари ишида табиий газни узатиш технологияси ва гидравлик балансига риоя этган ҳолда уларни тармоқлардан тўлиқ ўчириш, қисман ўчириш ва вактинча чеклов киритиш навбатини тасдиқлайдилар.

Авариялар рўй бериши мумкин бўлган пайтдаги тасдиқланган газ етказиб бериш жадваллари тегишли ташкилотларга юборилади ва магистрал газ қувурлари, газ тақсимлаш тармоқларида авариявий вазиятларда газ таъминоти ташкилоти томонидан қўлланилади.

Авариялар натижасида обьектлар, магистрал газ қувурлари ва газ тақсимлаш тармоқларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, газ таъминоти ташкилотларининг диспетчерлик хизматлари истеъмолчиларга авариялар пайтида қўлланиладиган жадвалларни амалда жорий этиш тўғрисида истеъмолчиларга суткалик газ етказиб бериш ҳажмларидаги тегишли ўзгаришлар билан бирга зарур кўрсатмаларни берадилар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини ҳамда аҳолини бу хақида оммавий аҳборот воситалари орқали хабардор қиладилар.

Газ етказиб беришнинг режалаштирилаётган қисқариши (тўхтатилиши) тўғрисида:

табиий газ ишлаб чиқарувчилар газ узатиш ташкилотини – 2 соат мобайнида;

газ узатиш ташкилотлари газ таъминоти ташкилоти ва трейдерларни – 2 соат мобайнида;

газ таъминоти ташкилотлари (жойлардаги маҳаллий ҳокимияти органлари орқали) истеъмолчиларни – 1 соат мобайнида хабардор қилиши шарт.

71. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлашва истеъмол қилишнинг республика миқёсида ягона узлуксиз технологик жараёнини ва режимларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчилар томонидан табиий газни ишлаб чиқарувчи, газ узатиш ва газ таъминоти ташкилотларининг тегишли кўрсатмаларини бажаришлари мажбурий ҳисобланади.

72. Газни узатишда табиий газни ишлаб чиқарувчилар, газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотлари ва истеъмолчилар газ қазиб чиқариш объектларида, газни қайта ишлаш заводларида, магистрал газ қувурлари, шунингдек, истеъмолчиларнинг газдан фойдаланиш ускуналари ва газ тармоқларида фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларида белгиланган талабларга қатъий риоя этишлари шарт.

73. Газ узатиш ташкилоти табиий газни:

магистрал газ қувурларга тўғридан-тўғри чиқиши (уланиш) жойига эга истеъмолчиларга трейдер томонидан бевосита тузилган шартномалар асосида бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблагичлар орқали;

магистрал газ қувурлари ва газ тармоқлари бўлиниши чегарасидаги газ таъминот ташкилотларига – кейинчалик истеъмолчиларга сотиш учун хўжалик ҳисобидаги ҳисоблагичлар орқали етказиб беради.

74. Табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришнинг бошқа шартлари табиий газни етказиб бериш шартномаларида белгиланади.

## **9-боб. Табиий газни ҳисобга олиш тартиби**

75. Истеъмолчиларга масофадан туриб ўчириб-ёкиш клапанига ҳамда ТГНҲАТга уланиш имкониятига эга бўлмаган ҳисоблагичларсиз табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришга йўл қўйилмайди.

76. Истеъмолчиларга (майший истеъмолчилардан ташқари) етказиб берилаётган табиий газ миқдори газ тармоқларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича аниқланади ва иккала тараф (газ таъминоти (узатиш) ташкилоти ва истеъмолчи) имзолайдиган табиий газни етказиб бериш – қабул қилиш далолатномаси асосида расмийлантирилади.

Етказиб берилган табиий газ учун ҳисоб-китоб стандарт шароитларга ( $t = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760 \text{ mm simob ustuuni}$ ) келтирган газ ҳажмини куб метрларда ўлчаш асосида амалга оширилади.

Газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчилар бўйича табиий газ сарфини ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олинади:

манометрлар ва термометрларнинг созлиги, уларнинг қиёсловдан ўтказилганлиги ва амал қилиш муддатларига мувофиқлиги;

ГТШни созлаш (тартибга солиш) муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимининг, ГТШнинг созланганлиги тўғрисидаги далолатномада қайд этилган параметрларга мувофиқлиги.

Юқоридаги кўрсаткичларга риоя қилинмаганида, ҳисоб-китобларни амалга оширишда Р ортиқча = 1,0 кг/см<sup>2</sup> босимга мос равишда стандарт шароитга келтирилади.

Газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти истеъмолчи билан биргалиқда ҳисоблагичга газ узатиш ташкилотининг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган табиий газнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича зарур тузатувчи ўзгартиришларни, уларни тақдим этилган вақтдан 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши зарур. Табиий газнинг физик-кимёвий кўрсаткичларни ҳисоблагичларга ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотининг зиммасида бўлади.

77. Ҳисоблагичлардан олинган кўрсаткичларнинг электрон архив маълумотлари охирги уч йил давомида газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти ва истеъмолчида сақланиши лозим.

78. Майший истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинаётган табиий газ ҳажми ҳисоблагичлар бўйича, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ҳисоблагич мавжуд бўлмаган ҳолларда ахолига майший эҳтиёжлари учун бериладиган табиий газнинг бир ойлик сарф меъёрлари бўйича аниқланади.

79. Ҳисоблагичларни монтаж қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни текшириш амалдаги қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

2024 йил 1 июлдан бошлаб янги газлаштирилаётган хонадонларга (ТГНҲАТга уланиш ва автоматик ўчириб-ёкиш клапанига эга бўлган) ҳисоблагичлар (тегишли давлат дастурлари асосида ўрнатиладиган ҳисоблагичлар бундан мустасно) истеъмолчининг ўз ҳисобидан сотиб олиниши ва газ таъминоти ташкилоти томонидан ўрнатилиб, муҳр билан тамғаланишини лозим.

80. Табиий газ сарфини (ҳажмини) ҳисоблашда фақатгина Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситаларининг Давлат реестрига киритилган турдаги, масофадан туриб ўчириб-ёкиш клапанига эга ва ТГНҲАТга уланиш имконияти мавжуд ҳисоблагичлардан фойдаланилиши шарт.

81. Ҳисоблагичлар уларнинг фойдаланиш учун ярокли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ қиёслов сертификатига ҳамда ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган шаклдаги амал қилувчи белгилари ва тамғаларига эга бўлиши шарт.

82. ТГНҲАТни жорий қилиш лойиҳаси доирасида ўрнатилган замонавий ҳисоблагичлар газ таъминоти ташкилотларининг мулки ҳисобланади.

83. Мавжуд ҳисоблагичларни замонавий ҳисоблагичларга алмаштирилишига қадар уларни даврий қиёсловдан ўз вақтида ўтказишни ташкил этиш учун жавобгарлик газ таъминоти ташкилоти зиммасига юкланди.

Қиёсловдан ўтказиш вақтида ҳисоблагичларни яроқсизлиги (таъмирлаш имконияти бўлмаганда) аниқланган тақдирда, ушбу ҳақидаги аккредитациядан ўтказилган метрология ташкилоти ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатли органнинг тегишли хуносаси билан мулқдорга қайтарилади.

84. Ҳисоблагичларни алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, қиёсловдан ўтказиш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиниши тегишли сарф-харажатлари ҳисоблагичнинг мулқдори ҳисобидан қопланган ҳамда газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотининг вакиллари томонидан истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

85. Ҳисоблагичга ва бошқа қурилмаларга тамға қўйиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

трейдер билан табиий газ ишлаб чиқарувчи ўртасидаги табиий газ сотиб олиш шартномасига асосан газ узатиш ташкилотининг газ транспорт тизими бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблагичда табиий газ ишлаб чиқарувчи ва газ узатиш ташкилотининг масъул ходимлари томонидан тамға ўрнатилади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади;

трейдер билан газ узатиш ташкилоти ўртасидаги газни ташиш шартномасига асосан табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришда истеъмолчиларнинг газ тармоқлари билан газ узатиш ташкилотининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблагичларда газ узатиш ташкилоти ва истеъмолчининг тамғалари ўрнатилади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади;

газ таъминоти ташкилотининг газ тақсимлаш тармоқлари билан истеъмолчининг газ тармоқлари бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблагичларда газ таъминоти ташкилотининг тамғалари ўрнатилади ва далолатнома билан истеъмолчи иштирокида расмийлаштирилади;

газ таъминоти ташкилотидан табиий газ сотиб олиш шартномасига асосан газдан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг ГТС худудида жойлашган ҳисоблагичларда газ таъминоти ва газ узатиш ташкилотининг тамғалари ўрнатилади ва тегишли далолатнома билан истеъмолчи иштирокида расмийлаштирилади;

Ўзэнергоинспекция томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти вакиллари билан биргаликда истеъмолчиларнинг газ жиҳозларига табиий газни етказиб беришни тўхтатиш бўйича тамгалар ўрнатилади ва тегишли далолатнома билан истеъмолчи иштирокида расмийлаштирилади.

86. Ҳисоблагич, шу жумладан ўрнатилган тамгаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик истеъмолчи зиммасига юклатилади.

87. Ҳисоблагич ўрнатилгандан сўнг газ таъминоти ташкилоти томонидан ҳисоблагич рўйхатга олинади ва ТГНҲАТнинг платформасига киритилади.

88. Ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган метрология ташкилоти ёки қонунчиллик хужжатларида белгиланган бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

89. Ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш даврийлиги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан белгиланади.

90. Ҳисоблагичларни ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қиёсловдан ўтказиши ташкил этиш ишлари газ узатиш (газ таъминоти) ташкилотлари томонидан тасдиқланадиган ҳисоблагичларга техник хизмат кўрсатиш регламентига мувофиқ газ таъминоти ташкилоти ва трейдерлар томонидан амалга оширилади.

91. Ҳисоблагичларни алмаштириш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, қиёсловдан ўтказиш ва созлигини мониторинг қилиш мақсадларида ечиб олиш масъул ходимлар томонидан истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

Бундай ҳолатда, аҳоли истеъмолчилари (бошқа истеъмолчилар эса ўз ҳисобидан) ҳисоблагич ўрнига текширилган бошқа ҳисоблагич газ таъминоти ташкилоти ҳисобидан дарҳол ўрнатилади.

Ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш учун ечиб олиниши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

Юридик шахсларга тегишли ташкилот ёки ишлаб чиқариш обьектлари сотилганида ёки ижарага берилганида, ушбу корхона ҳисоблагични учун қиёсловдан ўтганлиги тўғрисида берилган сертификатнинг амал қилиш муддати сақланиб қолади.

92. Алмаштириш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, қиёсловдан ўтказиш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олинган ҳисоблагичларни ўрнатиш газ узатиш (газ таъминоти) ташкилоти масъул ходимлари томонидан амалга оширилади ва шу вақтнинг ўзида тамғаланади.

Заруриятга кўра, автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларида ҳисоблагичнинг импульс тармоқлари ва торайтирувчи қурилмани (шайба) ўрнатиш ва алмаштириш жараёнида комиссион тартибда Ўзэнергоинспекция, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва бошқа мутахассислар иштирок этади.

93. Хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қиёсловдан ўтказиш учун ҳисоблагичларни ечиб олиш ва ўрнатиш шартлари табиий газни етказиб бериш шартномасида кўрсатилади.

94. Ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш натижаларидан норози бўлган истеъмолчилар белгиланган тартибда юқори турувчи орган (ташкилот) ёки судга мурожаат қилишлари мумкин.

95. Истеъмолчи (маиший истеъмолчилардан ташқари) масъул ходимлар томонидан хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништирган тақдирда сутканинг исталган вақтида ҳисоблагичларни, газ тармоқларини, газдан фойдаланиш ускуналарини, уларнинг уланиш схемаларини ҳамда газдан фойдаланиш ҳолатини кўздан кечириш учун тўсқинликсиз ўзларига тегишли худудга кириш имкониятини таъминлаши шарт.

Маиший истеъмолчиларнинг ҳисоблагичи, газдан фойдаланиш ускуналари ва газдан фойдаланиш ҳолатларини кўздан кечириш соат 08:00 дан 20:00 гача амалга оширилади. Кўздан кечириш ва қайта назорат ишларининг натижалари масъул ходимлар томонидан далолатнома асосида расмийлаштирилиши лозим.

96. Истеъмолчи газ таъминоти ташкилоти, Ўзэнергоинспекция масъул ходимларини ҳисоблагичларни, газдан фойдаланиш ускуналарини ва уларни уланиш схемаларини кўздан кечириш имкониятини таъминламаган тақдирда, масъул ходимлар ушбу ҳолатни далолатнома билан расмийлаштириб ва унинг бир нусхасини истеъмолчига тақдим этган ҳолда уни табиий газ тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, далолатномада бу ҳолат қайд этилади. Рад этиш ҳолати икки гувоҳ ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан ёхуд тегишли далиллар (фотосурат ёки видео тасвир) билан тасдиқланиши керак. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён қилиш ҳуқуқига эга ва бу тўғрисида далолатномада зарур қайдлар кўрсатилиши шарт.

Далолатномага имзо қўйишни рад этиш истеъмолчини газ тармоғидан узиб қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида истеъмолчи дарҳол огоҳлантирилади.

Газ узатиш, газ таъминоти ва трейдер ташкилоти ўртасида ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадар уч нусхада “Маҳсулотни етказиб бериш-қабул қилиш” тўғрисидаги товар транспорт юк хати расмийлаштирилади ва уч томонлама имзоланади.

## **10-боб. Маиший истеъмолчилар томонидан табиий газ учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

97. Ҳисоб-китоб ойида истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газ ҳажми истеъмолчиларда ўрнатилган Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган турдаги ТГНҲАТга уланиш имконини берувчи ҳисоблагичлар оркали газ таъминоти ташкилоти ёки трейдерларнинг электрон дастурларига онлайн равищда келиб тушадиган маълумотлар асосида аниқланади. Ҳисобот ойида ҳисоблагичлардан газ таъминоти ташкилоти ёки трейдерларнинг дастурларига маълумотлар тўлиқ келиб тушмаган тақдирда ёки ТГНҲАТга уланмаган ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари масъул ходимлар томонидан жойига чиқсан ҳолда бевосита ҳисоблагичдан ёзиб олиш асосида аниқланади.

98. Ҳисоб-китоб ойида ҳисоблагичлардан кўрсаткичлар тўлиқ келиб тушиши таъминланмаган ёки ТГНҲАТда ҳисоблагичнинг носозликлари кузатилган тақдирда, ушбу истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб фақатгина жорий ойда табиий газни истеъмол қилишнинг амалдаги меъёрларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Кейинги ойда ҳисоб-китоблар ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмга (зарурият туғилганида, жойига чиқсан ҳолда) аниқлик киритилган тарзда амалга оширилади. Бунда тегишли кўрсаткичларга аниқлик киритилгандан сўнг ҳақиқатда истеъмол қилинган газ ҳажми бўйича қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. ТГНҲАТга уланган истеъмолчиларга табиий газни газ таъминоти ташкилотининг биллинг тизимиға охирги марта ҳақиқий кўрсатгич келиб тушган даврдан (сана, ой) бошлаб хатловда аниқланган маълумотлар бўйича истеъмол қилиш меъёрларини инобатга олиб, ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

99. ТГНХАТга уланган ва белгиланган мөъёрлар асосида ҳисоб-китоб қилинадиган истеъмолчиларга ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми биллинг тизими орқали автоматлаштирилган режимда аниқланади.

100. Газ таъминоти ташкилотининг вакили ёки истеъмолчи томонидан биллинг тизимига киритилган кўрсаткичлар асосида етказиб берилган табиий газ ҳажми, дебитор ва кредитор қарздорликлар бўйича тўлақонли (якуний) ҳисоб-китоблар ҳар бир истеъмолчининг шахсий ҳисобварағлари бўйича амалга оширилади.

101. Истеъмолчининг телефон рақами мавжуд бўлган тақдирда газ таъминоти ташкилоти истеъмолчиларни табиий газ учун тўловни амалга ошириш зарурлиги ҳакида автоматик тарзда (овозли кўнғироқ ёки СМС хабар ёрдамида) хабардор қилишни таъминлайди.

Бунда биллинг тизимидағи истеъмолчи мобил телефон рақамининг тўғрилигига ва мобил телефон рақами ўзгарган тақдирда ушбу тўғрисида маълумотни жорий ой якунига қадар газ таъминоти ташкилотига тақдим қилишга ёки ўзининг шахсий кабинет орқали ўзgartiriшга масъул ҳисобланади. Ушбу юборилган хабарномалар газ таъминоти ташкилотининг расмий огоҳлантириши ҳисобланади.

102. Истеъмолчилар истеъмол қилинадиган табиий газ учун тўловларни олдиндан амалга оширадилар.

103. Истеъмол қилинган табиий газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган микдорда пеня тўлайди.

Истеъмол қилинган табиий газ бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда майший истеъмолчига тегишли бўлган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган вояга етган жисмоний шахслар қарздорликни тўлаш бўйича солидар жавобгар бўладилар. Вояга етган жисмоний шахснинг солидар жавобгарлиги у майший истеъмолчига тегишли бўлган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган вақтдан бошлаб вужудга келади ва рўйхатдан чиқарилган вақтгача амал қиласи.

104. Табиий газ учун тўлов банк муассасалари ва коммунал тўловларни қабул қилиш кассалари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилиши мумкин.

105. Газ таъминоти ташкилоти томонидан огоҳлантирилган истеъмолчилар хабардор қилинган вақтдан бошлаб истеъмол қилинган табиий газ бўйича қарздорликни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ундириш учун тегишли ҳужжатлар судга тақдим қилинади ва истеъмолчиларни газ тармоқларидан узиш чораларини кўради.

106. Истеъмолчиларни дебитор қарздорлик учун газ тармоқларидан узиш ва уларни қайтадан улаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

107. Қайта уланишда истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари микдорида ҳақ ундирилади (ТГНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

108. Газ таъминот ташкилотлари маълумотлар базасида белгиланган тарифларни ўзгариши (ортиши) вақтига қадар истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўловлар ҳақидаги ҳисобга олинмаган ҳужжатлар аниқланган тақдирда, ушбу истеъмолчи бўйича ҳисоб-китоблар (қайта ҳисоб-китоблар) тўлов вақтида (санасида) амалда бўлган тарифлар асосида амалга оширилади, кейинчалик биллинг тизимидағи шахсий ҳисобварағидаги кўрсаткичларга зарур тузатишлар киритилади.

109. Фойдаланилган табиий газ учун тўлов суммаси ҳисоблагичлардан кўрсатгичларни олиш вақтида амалда бўлган тарифлар асосида ҳисобланади. Тарифлар ўзгарганда, аввал ҳисобланган сумма бўйича тарифлар ўзгаришига қадар тўлов амалга оширилмаган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайдиган қарздорлик вужудга келган деб тан олинади.

110. Тарифлар ўзгарган ҳолларда табиий газ ҳажми учун аванс тариқасида тўловни амалга оширган истеъмолчи икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қўшимча тўловларни амалга оширишдан (ушбу давр мобайнида аванс тўловига тенг микдордаги газ ҳажмидан ортиқ истеъмол қилмаган ҳолларда) озод қилинади.

## **11-боб. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи, ижтимоий ва стратегик аҳамиятига эга истеъмолчилар, шунингдек, коммунал-маиший истеъмолчиларнинг табиий газ учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

111. Истеъмолчи томонидан табиий газни етказиб бериш учун тузилган шартнома асосида етказиб бериладиган табиий газ учун 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ҳукуматининг қарорларига асосан табиий газни сотишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган истеъмолчилар учун етказиб берилган табиий газ тўловлари алоҳида тарифлар асосида амалга оширилади.

Аҳолини газ билан таъминлаш учун табиий газдан фойдаланадиган идоравий ва муниципал уй-жой фондига, юридик шахслар ётоқхоналарига, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳамда аҳоли эҳтиёжилар учун локал қозонхоналарга етказиб бериладиган табиий газ бўйича тўловлар ва ҳисоб-китоблар коммунал-маиший эҳтиёжлар учун истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширилади.

112. Истеъмолчилар томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам табиий газ фойдаланилган тақдирда, улар томонидан табиий газ учун аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди ва ушбу маблағлар келгуси ойларда табиий газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

113. Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчилар томонидан (ушбу қоидаларга иловада кўрсатилган табиий газни етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар ва автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари ҳамда майший истеъмолчилардан ташқари) табиий газ истеъмоли шартномавий микдордан 10 фоиз ва ундан ортишига йўл қўйилган тақдирда, ортиқ истеъмол қилинган табиий газ учун белгиланган тарифнинг икки баробари микдорида қўшимча тўлов ундирилади.

Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, истеъмолчи (табиий газни етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар бундан мустасно) муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

Истеъмолчиларга ўзларининг тасарруфидаги мавжуд маънан эскирган ва фойдали иш коэффиценти паст бўлган газдан фойдаланиш ускунасини янги энерготежкамкор ускуналарга алмаштириш натижасида иқтисод қилинган табиий газ ҳажмига 3 йил давомида амалдаги тарифга нисбатан 15 фоиз чегирма берилади. Бунда:

истеъмолчилар газдан фойдаланиш ускунасини алмаштириш жадвали ва унинг натижасида эришиладиган иқтисодни назарда тутувчи дастурни тасдиқлаш учун Ўзэнергоинспекцияга киритади;

Ўзэнергоинспекция ўн кун муддатда тақдим этилган дастурни асосланганлигини кўриб чиқади ва натижаси бўйича келишади ёки асослантирган ҳолда келишишни рад этади;

тасдиқланган дастурга асосан амалга оширилган ишлар натижасида иқтисод қилинган табиий газ ҳажми энергия аудитор томонидан ўрганилади ва ушбу ҳажмлар бўйича хулоса берилади;

энергия аудитор хулосаси Ўзэнергоинспекция ва газ таъминоти ташкилотига тақдим этилади ва ижобий хулоса тақдим этилган кундан бошлаб чегирмалар қўлланилади.

114. Навбатдаги ой (чорак) учун шартномада кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газни етказиб бериш шартномасини ўзгартирилишидан аввал истеъмолчи томонидан газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берилган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган табиий газ микдори деб ҳисобланмайди.

115. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, унинг тўлов муддати ўтган қарзини тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

116. Ваколатли орган томонидан табиий газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаришлари тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилингандан кейин ушбу ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар газ таъминоти ташкилоти томонидан ўзгаришларнинг қучга киришидан олдин камидан ўн беш кун аввал оммавий-ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Бунда, табиий газ учун тарифларнинг ўзгарган санасидан қатъи назар, табиий газни етказиб бериш бўйича шартнома ўз кучида қолади, истеъмолчи эса истеъмол қилинган табиий газ учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда, тарифларни ўзгариши тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари қучга кирган кундан бошлаб янги тариф бўйича тўловларни амалга ошириши шарт.

117. Истеъмолчиларни дебитор қарздорлик учун газ тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улаш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланилган табиий газдан қарздорлиги бартараф этилмаган ҳолатларда истеъмолчини газ тармоқларига қайта улаб берган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

118. Истеъмолчи газ тармоқларига қайта уланишда истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади (ҳисоблагичда масофадан автоматик тарзда ўчириб-ёкиш клапанига эга бўлган истеъмолчилар бундан мустасно).

119. Истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида беш кун олдин табиий газни етказиб бериш шартномасида кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 100 фоизи микдорида газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб-варағига тўловларни олдиндан амалга ошириши шарт.

120. Олдиндан тўлов суммаси ўтказилмаган тақдирда истеъмолчиларга (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилардан ташқари) табиий газни етказиб берилиши амалга оширилмайди.

121. Истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган табиий газ учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китоб ойидан кейинги ойнинг 10-кунига қадар амалга оширилади.

122. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган табиий газ учун узил-кесил ҳисоб-китобни ҳисоб-китоб ойи тугаганидан сўнг кейинги ойнинг якунига қадар амалга оширилади.

123. Ҳисоблагичлардан истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари бўйича кўрсаткичлар ёзиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 10-кунига қадар газ таъминоти ташкилоти томонидан ҳисоб-китоб ойи учун электрон шаклда ҳисобварак-фактура расмийлаштирилади ва истеъмолчига юборилади.

Жумладан:

газ узатиш ташкилоти трейдер билан имзоланган табиий газни етказиб бериш шартномасига асосан истеъмолчиларга табиий газни етказиб берилганлиги тўғрисидаги далолатномани (товар транспорт юк хатини) ҳисоб-китоб ойидан кейинги ойнинг 7-санасига трейдерга тақдим қилади;

трейдер томонидан истеъмолчиларга табиий газни етказиб берилганлиги тўғрисидаги электрон шаклда товар транспорт юк хатига асосан ҳисбот давридан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳисоб-китоб ойи учун электрон шаклда ҳисобварак-фактура расмийлаштирилади ва истеъмолчига юборилади;

газ таъминоти ташкилоти томонидан ҳисбот давридан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳисоб-китоб ойи учун истеъмолчиларга табиий газни етказиб берилганлиги тўғрисидаги электрон шаклда ҳисобварап-фактура расмийлаштирилади ва истеъмолчига юборилади;

газ узатиш ташкилоти томонидан товар транспорт юк хатлари асосида табиий газни етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизмат учун ҳисбот давридан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳисоб-китоб ойи учун электрон шаклда ҳисобварап-фактура расмийлаштирилади ва трейдерга юборилади.

**124. Истеъмолчи газ таъминоти ташкилоти томонидан юборилган электрон ҳисобварап-фактурани икки кундан кечиктирмасдан газ таъминоти ташкилотидан ҳисоб-китоб ойи учун қабул қилиб олади ва эътиrozлари бўлмаса ЭРИ ёрдамида имзолайди ҳамда унинг бир нусхасини газ таъминоти ташкилотига юборилган манзил орқали жўнатади.**

**125. Ҳисобварап-фактурани имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш истеъмолчига тақдим этилган истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида маълум қиласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмагандা, келишмовчилик сабаблари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.**

**126. Истеъмолчилардан табиий газ бўйича дебиторлик қарзларни ундириш газ таъминоти ташкилоти ва трейдерлар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**127. Истеъмолчи табиий газдан узиб қўйилганидан сўнг яна ўзбошимчалик билан уланган ҳолда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари, унинг қиймати, газ тармогидан узиб қўйилган вақтдан бошлаб газдан фойдаланиш ускунасининг тўлиқ сутка давомида (24 соат) тўлиқ кувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади (ҳисоб-китоб қилинади). Бунда, истеъмолчи томонидан фойдаланилган табиий газ ҳажмларининг ҳисботга олинган миқдори инобатга олинади.**

**128. Рухсатсиз фойдаланилган газ ҳажмлари қийматининг ундирилиши ўз навбатида истеъмолчини мазкур Қоидаларни бузганлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа жавобгарликлардан озод қилмайди.**

## **12-боб. Табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузиш, ушбу ҳолатларни расмийлаштириш ва ҳисобга олинмаган табиий газ ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

**129. Кўйидаги ҳолатлар истеъмолчилар томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузилиши ҳолатлари деб ҳисбланади:**

ваколатли ташкилотлардан рухсат олмасдан, ЛТҲизз, шартнома расмийлаштирмасдан табиий газдан фойдаланиш;

хисоблагичга ва масофадан туриб ўчириб-ёкиш клапанига қасдан шикаст етказиш;

ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланиш усқуналари ёки хисоблагичга ўрнатилган тамғаларни қасдан бузиш;

табиий газ хисобини юритмасдан ёки ўрнатилган хисоблагичдан фойдаланмасдан табиий газни ишлатиш (ойлик мөърлар бўйича аҳоли майший эҳтиёжлар учун табиий газни етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш ҳолатлари бундан мустасно);

газ қувурлари ёки ГТШларда, газ тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмаларни ўрнатиш;

хисобга олишни нотўғри кўрсатиш мақсадида хисоблагичнинг ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган ички эҳтиёт қисмларини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, хисоблагичнинг конфигурацияси ва созлигини ўзгартириш, рухсат этилмаган модем ёки бошқа алоқа воситаларини рухсатсиз улаш ёхуд бошқача тарзда ташқи таъсир кўрсатиш;

хисоблагичнинг хотирасидаги маълумотларни истеъмолчининг хатти-ҳаракати билан қисман ёки тўлиқ йўқ қилиниши;

хисоблагични ўрнатиш тартиби ва схемасини ўзбошимчалик билан ўзгартириш (давлат стандарти талабларига амал қиласли);

хисоблагич ўрнатилган жойдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўллар билан, жумладан газ қувурлари (тармоқлари), байпас линиялари ва бошқа техник воситаларни яширинча монтаж қилиш орқали истеъмолчини газ тармоқларига (қувурларига) уланиш;

хисоблагич ўрнатилган жойдан ташқари визуал аниқлаб бўладиган йўллар билан, жумладан газ қувурлари (тармоқлари), байпас линиялари ва бошқа техник воситаларни яширинча монтаж қилиш орқали истеъмолчини газ тармоқларига (қувурларига) уланиш;

газ истеъмоли ҳажмига таъсир кўрсатадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар;

хисоблагичнинг қиёсловдан ўтказиш муддати ўтиб кетганда (майший истеъмолчилардан ташқари), бунда ушбу хисоблагич аккредитациядан ўтказилган метрология ташкилоти ёки қонунчилик хужжатларида белгиланган бошқа ваколатли органлар томонидан фойдаланиш учун яроқсиз деб топилганда;

табиий газдан шартнома ва лойиҳа хужжатларида назарда тутилмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш;

хисоблагичнинг манифольд қурилмаси жўмракларига ташқи таъсир кўрсатиш, ҳарорат ўлчагичига ҳар хил иситиш мосламаларини ўрнатиш;

газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти масъул ходими томонидан хисоблагич ва ўлчов узелларига белгиланган тартибда тамғалар ўрнатилмаганлиги (симларнинг таранг тортилмаганлиги, яъни симни узмаган ёки тамғаларни бузмаган ҳолда уларни ечиш орқали манифольд жўмраклари, калибрлаш болtlари, импульсли тармоқ жўмракларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳолатда ўрнатилганлиги).

Истеъмолчилар томонидан қуйидаги техник қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари ҳам газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳисобланади:

ўзбошимчалик билан ҳисоблагичнинг рухсат этилган максимал ўлчаш чегарасидан (диапазони) четга чиқмаган ҳолда ЛТҲдан ташқари ортиқча газ анжомларини ўрнатиш;

ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналарининг ўринини ўзбошимчалик билан ўзгартириш;

техник шартларда ва газ етказиб бериш шартномасида кўрсатилмаган бошқа газдан фойдаланиш ускуналарини (ҳисоблагичнинг рухсат этилган максимал ўлчаш чегарасидан четга чиқмаган ҳолда) ўзбошимчалик билан ўрнатиш;

газдан фойдаланиш ускунасига газни рухсатсиз очиб бериш ёки газ истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қиласлик ёхуд газдан фойдаланиш ускуналарида газ сарфлашнинг тасдиқланган солишишторма меъёрларисиз газ сарфлаш ёки бундай меъёрлардан ортиқча сарфлаш;

газ ёниш жараёнини автомат тарзда бошқариб турувчи қурилмаларнинг бўлмаслиги ёки уларни яроқсизлиги;

табиий газни истеъмол қилувчи ташкилотлар учун назарда тутилган захира ёқилғи хўжалигининг яратилмаганлиги ёки газдан фойдаланиш ускуналарининг белгиланган захира ёқилғи турларида ишлашга тайёр эмаслиги;

газ ҳисоблагични, модем алоқа воситасини электр манбалардан ўчириб қўйиш (модемни масофадан туриб пульт орқали бошқариш) ёки бошқа усуллар билан фойдаланилган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни ТГНҲАТга онлайн равишда узатилишини тўхтатиб қўйиш.

Истеъмолчилар томонидан мазкур Коидаларнинг ушбу бандида кўрсатилган ҳолатларни содир этиши уларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Мазкур Коидаларни бузиш ҳолатларида маъмурий хукуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлганда, Ўзэнергоинспекция, ИИБ ва ФВВнинг ваколатли ходими томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.

Ўзэнергоинспекция иштирокида аниқланган табиий газдан фойдаланиш коидаларини бузиш ҳолатлари бўйича расмийлаштирилган қоидабузарлик далолатномасига асосан:

Истеъмолчига табиий газни етказиб бериш тўхтатилади ва Ўзэнергоинспекция мутахассислари томонидан ҳисоблагичлар ва ўчириб-ёкиш жиҳозларига пломба ўрнатилади;

амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб бўйича тўловлар Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясини молиялаштиришни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 28 сентябрдаги 512-сон қарорига мувофиқ газ таъминоти ташкилотининг алоҳида ҳисобварағига (22636) ундирилади ва тўловлар амалга оширилгандан сўнг тармоққа қайта уланишга рухсат берилади.

Бунда, рухсатсиз пломбани бузганлик учун белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

130. Истеъмолчилар томонидан мазкур Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш газ таъминоти (газ узатиш, трейдер) ташкилотларининг ваколатли мутахассислари ва Ўзэнергоинспекция ходимлари томонидан амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг айбисиз қуидаги ҳолатлар вужудга келганда истеъмолчи жавобгарликка тортилмайди, бироқ газ ҳажмининг амалдаги сарфи бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

ҳисоблагич техник жиҳатдан носоз ҳолга келиши (тўхтаб қолиши);

ҳисоблагичнинг хотирасидан унга ташқи таъсир қўрсатмаган ҳолда маълумотларни тўлиқ ёки қисман йўқолиши.

131. Мазкур Қоидаларни бузиш ҳолатлари юзасидан масъул ходимлар (жумладан, муҳандис-техник ходимлар ва бошқа ваколатли ходим) томонидан тегишли далолатнома расмийлаштиради.

Далолатнома масъул ходимлар, истеъмолчи ва бошқа иштирокчилар томонидан имзоланади. Истеъмолчи далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, икки нафар холис жалб этилиб, иш ҳолатлари уларга маълум қилинади ҳамда уларнинг далолатномага имзо қўйиши таъминланади ёхуд тегишли далил (фотосурат ёки видео тасвир)лар билан тасдиқланиши керак.

Истеъмолчи томонидан мазкур Қоидалар бузилгани аниқланганда масъул ходим томонидан мазкур истеъмолчи белгиланган тартибда табиий газ тармоғидан узиб қўйилади.

Масъул ходимларнинг ўз ваколатлари доирасидаги қонуний ҳаракатларига тўсқинлик қилганлик ёки соғлиғига зарап етказган шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

132. Табиий газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан газ узатиш (газ таъминоти) ташкилотининг газ қувурларига (тармоқларига) ўзбошимчалик билан уланиш, ҳисоблагичларга, шу жумладан, уларнинг тамғаларига қасддан шикаст етказиш, шунингдек, ҳисоблагичларнинг қўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ва бошқа қурилмаларга ташқи таъсир қўрсатиш лицензия битими талаблари ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузиш ҳисобланади ҳамда ушбу фаолият турларини амалга оширилишини лицензияловчи ваколатли орган томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияни бекор қилинишига олиб келади.

133. Масъул ходимлар далолатномани расмийлаштириш жараёнида, газдан ноконуний фойдаланишда қўлланилган қуидаги (ишга алоқадор бўлган) ашёлар ва буюмларни муҳрлаган ҳолда олиб қўйиб, ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларга қўшиш чораларини кўради:

ҳисоблагичлар;

модем ва бошқа алоқа воситалари;

газ ёндиригич (горелка)лар;

газ тортиш (сўриш) мосламалари;

резина, полиэтилен ва темир қувурлар;  
 кўлбола усулда ясалган бошқа қурилмалар;  
 заруратдан келиб чиқиб, регулятор, зулфин (задвижка) ва ГТШлар;  
 узилган сим ва тамгалар;  
 ноқонуний фойдаланишни тасдиқловчи бошқа ашёлар, далиллар ва буюмлар.

Далолатномада мазкур Қоидаларни бузган истеъмолчи тўғрисидаги, фойдаланилган газ ҳажми, ҳисоблагич кўрсаткичлари ва бошқа зарур маълумотлар келтирилади.

Бунда, газ ҳажми қуйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш орқали мазкур Қоидаларнинг 134-бандида келтирилган мезонлар асосида ҳисобланади:

истеъмолчини газ тармоқларига уланган вақти ва табиий газдан фойдаланилган давр;

бўлиниши чегарасидаги газ босими кўрсаткичи (яроқлилик сертификатига эга бўлган ўлчов воситалари ёрдамида аниқланади);

ноқонуний фойдаланиш ҳолатида аниқланган газдан фойдаланиш ускуналарининг сони, тури ва соатлик газ сарфи;

ҳисоблагичдан олинган электрон архив маълумотлари;

электрон тизимлардан олинган маълумотлар;

газдан фойдаланиш мақсади (фаолият тури).

Табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва тегишли далолатномани расмийлаштиришда иштирок этган масъул ходимлар томонидан мазкур Қоидаларнинг ушбу бандида келтирилган талабларга амал қилмаганликлари учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Масъул ходим томонидан мазкур Қоидаларни бузиш ҳолати аниқланганда у томонидан зудлик билан ўз раҳбарига хабар берилади. Газ таъминоти ташкилотининг бошқа ходимлари томонидан мазкур Қоидаларни бузиш ҳолатлари аниқланганида, улар бу ҳақда ўз раҳбари ҳамда далолатнома расмийлаштиришга ваколатли бўлган масъул ходимларга маълум қиласилар.

134. Мазкур Қоидаларни бузганлик ҳолатларида газ ҳажмини аниқлаш истеъмолчи билан табиий газни етказиб бериш шартномасини тузган ташкилотнинг масъул ходимлари (муҳандис-техник ва бошқа ваколатли ходимлар) ёки ваколатли масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.

Табиий газни сарфланган (фойдаланилган) ҳажми мазкур Қоидаларни бузганлик ҳолатлари доирасида тўпланган хужжатлар (фото, видео тасвир, ашёвий далиллар ва бошқа тааллукли хужжатлар) асосида тўлиқ сутка давомида (24 соат) тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек, қўшимча ўрганиш ва ваколатли мутахассислар хulosаларини олиш зарурияти юзага келганда, ушбу хulosалар олингандан сўнг ҳисоб-китоб килинади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан табиий газни сарфланган (фойдаланилган) ҳажмини қайта ҳисоб-китоб қилиш зарур деб топилганида, ушбу ваколатли шахслар ва органларнинг қарорлари (хужжатлари)га асосан комиссиявий таркибда газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти, Ўзэнергоинспекция ва заруратга қараб бошқа малакали мутахассислар, шунингдек хулоса бериш ваколатига эга бўлган эксперталар томонидан амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланганлиги учун газ ҳажмлари ва нархи ҳисоб-китоб кунида амалда бўлган энг юқори тариф бўйича таъминотчи ташкилотининг ваколатли ходими томонидан газдан фойдаланиш ускунасининг тўлиқ сутка давомида (24 соат) тўлиқ қувват (маиший истеъмолчиларга белгиланган меъёрлардан) билан ишлиши ҳисобидан келиб чиқиб, қуидаги даврлардан бошлаб мазкур Қоидалар бузилганлиги аниқланган кунга қадар ҳисобланади:

ваколатли ташкилотлардан рухсат олмасдан, ЛТҲларисиз, шартномасиз табиий газдан фойдаланиш аниқланганда – газ ҳажмларининг қиймати истеъмолчи давлат рўйхатидан расмий ўтказилган кундан бошлаб (тегишли тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) ҳисобланган вақт мобайнида, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

ҳисоблагичга ва/ёки масофадан туриб ўчириб-ёқиши клапанига қасдан шикаст етказиш аниқланганда – ТГНҲАТда сўнгги маълумот мавжуд бўлган кундан, ушбу маълумотлар мавжуд бўлмаганда масъул ходимлар томонидан сўнгги кўрикдан ўтказилган даврдан бошлаб;

ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланиш ускуналари ёки ҳисоблагичга ўрнатилган тамғаларни бузилиши аниқланганда – масъул ходимлар томонидан сўнгги кўрикдан ўтказилган даврдан, бироқ ушбу тамға ўрнатилган кундан кўп бўлмаган даврдан бошлаб;

табиий газ ҳисобини юритмасдан ёки ўрнатилган ҳисоблагичдан фойдаланмасдан табиий газни ишлатиш аниқланганда – масъул ходимлар томонидан сўнгги кўрикдан ўтказилган вақт мобайнида, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган даврдан бошлаб;

газ қувурлари ёки ГТШларда, газ тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмалар ўрнатилганда – масъул ходимлар томонидан сўнгги кўрикдан ўтказилган вақтдан бошлаб;

ҳисоблагичларда газ ҳажмларини ҳисобга олишни нотўғри кўрсатиш мақсадида ҳисоблагичнинг ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган ички қисмларини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, ҳисоблагичнинг конфигурацияси ва созлигини ўзгартириш, рухсат этилмаган модем ёки бошқа алоқа воситаларини рухсатсиз уланганда – рухсатсиз аралашилган кундан бошлаб (аралашиб ҳолати ва санасини тасдиқловчи хужжатлар (маълумотлар) мавжуд бўлганда), лекин охирги қиёсловдан ўтказилган кундан ошмаган даврдан бошлаб;

ҳисоблагичнинг хотирасидаги маълумотларни истеъмолчининг айби билан қисман ёки тўлиқ йўқ қилинганда – маълумотлар йўқолган даврдан бошлаб;

ҳисоблагични улаш тартиби ва схемасини ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда – масъул ходимлар томонидан ҳисоблагич сўнгти хатловдан ўтказилган вақтдан бошлаб ҳисобланадиган давр мобайнида, лекин охирги қиёсловдан ўтказилган кундан ошмаган даврдан бошлаб;

ҳисоблагичдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўллар билан, жумладан газ қувурлари (тармоқлари), байпас линиялари ва бошқаларни яширинча монтаж қилиш орқали уланганда – корхона фаолият бошлаган (рўйхатдан ўтган кундан) ёки охирги хатловдан ўтказилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган даврдан бошлаб;

табиий газдан ноқонуний фойдаланиш мақсадида истеъмолчи томонидан ҳисоблагичдан ташқари визуал аниқлаб бўладиган йўллар билан, жумладан газ қувурлари (тармоқлари), байпас линиялари ва бошқа жихозларни монтаж қилиш орқали уланиш аниқланганда – масъул ходимлар томонидан сўнгги хатлов ўтказилган вақтдан бошлаб ҳисобланадиган давр мобайнида, бироқ уч ойдан кам бўлмаган даврдан бошлаб;

газ истеъмоли ҳажмига таъсир кўрсатадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланганда – ҳисоблагичга рухсатсиз аралашилган кундан бошлаб (аралашиш ҳолати ва санасини тасдиқловчи хужжатлар (маълумотлар) мавжуд бўлганда), бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган даврдан бошлаб;

ҳисоблагичнинг қиёсловдан ўтказиш муддати ўтиб кетганда, бунда ушбу ҳисоблагич носоз деб топилган тақдирда – ҳисоблагичнинг қиёслов муддати ўтиб кетган даврдан бошлаб;

ҳисоблагичнинг манифольд қурилмаси жўмракларига ташқи таъсир кўрсатиши, ҳарорат ўлчагичига ҳар хил иситиши мосламаларини ўрнатиши ҳолатлари аниқланганда – масъул ходимлар томонидан тамға ўрнатилган кундан бошлаб, бироқ уч ойдан кам бўлмаган даврдан бошлаб;

Бунда, истеъмолчи томонидан фойдаланилган табиий газ ҳажмларининг ҳисботга олинган миқдорлари, шунингдек муайян даврларда Хукумат тегишли топшириқлари, юқори турувчи вазирлик ва идораларнинг кўрсатмаларига асосан истеъмолчиларга табиий газни етказиб берилиши чекланган даврлар (тегишли тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда) инобатга олинади.

Мазкур Қоидаларни бузганлик ҳолатлари аниқланганда газ ҳажмини ҳисоблаш жараёнига масъул бўлган ходимлардан ташқари бошқа шахсларнинг аралашувига қатъяян йўл қўйилмайди.

Мазкур Қоидаларнинг 129-банди иккинчи қисмида келтирилган қоидабузарликлар учун қўшимча газ ҳажми ҳисобланмайди, бироқ ушбу ҳолатлар истеъмолчини маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ваколатли ташкилотлардан рухсат олмасдан, ЛТҲларисиз, табиий газни етказиб бериш шартномасиз ва ҳисоблагичсиз табиий газдан фойдаланиш – юридик шахслардан сарфланган табиий газ қийматининг уч баравари миқдорида жарима ундирилишига сабаб бўлади.

135. Мазкур Қоидаларнинг 130-бандида келтирилган ҳолатлар бўйича ҳисоб-китоблар қуидаги тартибда амалга оширилади:

истеъмолчиларнинг айбисиз ҳисоблагич техник жиҳатдан носоз ҳолатга келганлиги аниқланганда (тўхтаб қолганда) – ТГНҲАТда сўнгти маълумот мавжуд бўлган кундан, ушбу маълумотлар мавжуд бўлмаганда масъул ходимлар томонидан сўнгти қўрикдан ўтказилган давр учун охирги газ сарфи ҳисоботи кўрсаткичларнинг ўртacha миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади;

ҳисоблагичнинг хотирасидан унга ташки таъсир кўрсатмаган ҳолда маълумотлар тўлиқ ёки қисман йўқолиб қолганида – ТГНҲАТда мавжуд маълумотлар бўйича (бунда ёзги ва қишики мавсумдаги истеъмол ҳажмлари инобатга олиниши лозим), ТГНҲАТда маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, сўнгти маълумотлар таҳлили асосида газ сарфи ҳисоботи кўрсаткичларининг ўртacha миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

136. Мазкур Қоидаларнинг 129, 130 ва 134-бандларида қайд этилган қоидабузарлик ҳолатлари аниқланганда, фойдаланилган газ ҳажмлари қийматининг қопланиши истеъмолчиларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа жавобгарликлардан озод қилмайди.

137. Аниқланган қоидабузарлик ҳолати юзасидан расмийлаштирилган далолатнома, газ ҳажмини ҳисоблаш далолатномаси ва ҳолатга алоқадор бошқа ҳужжатлар ҳамда олинган ашёлар, далиллар ва буюмлар қонуний чораларни кўриш учун тегишлилигига кўра ўн иш куни ичида ваколатли органларга тақдим этилиши керак.

**13-боб. 100 кВт.дан ортиқ қувватга эга бўлган газдан фойдаланиш  
ускуналарини ишлатадиган истеъмолчилар томонидан табиий газдан  
оқилона, хавфсиз фойдаланиш ва уни меъёрлаш**

138. Истеъмолчилар томонидан табиий газдан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки бажарилаётган ишлар (хизматлар) бирлигига натура ҳолида ва шартли равишда ҳисобланган газ сарфининг тасдиқланган меъёрларига эга бўлишлари керак.

139. Ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида газ сарфини меъёрлаш қонунчилик ҳужжатларида ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

140. Газдан фойдаланиш ускуналарини ишлатадиган ташкилотлар ушбу ускуна учун газ сарфининг индивидуал меъёрларига эга бўлиши, улар мавжуд бўлмаганда эса, лойиҳалаш ёки ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этган ҳолда уларнинг техник асосланган меъёрларини ишлаб чиқиши керак.

141. Ёқилғи-энергия ресурсларини ишлатадиган истеъмолчиларни энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларига мувофиқ истеъмолчилар ихтисослашган ташкилотларни (энергия аудиторларини) жалб этган ҳолда ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида энергетика текширувани ўтказипи керак.

Ёқилғи-энергия ресурсларидан ёки улар турларидан ҳар бирининг жами истеъмоли йилига икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғини ташкил қиласидиган истеъмолчилар энергетика текширувларидан мажбурий ўтказилиши керак.

Ёқилғи-энергия ресурсларини энергетика текшируви натижалари бўйича энергия аудиторлари томонидан ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланишда қоида бузилишларни бартараф этишга доир тавсиялар ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар рўйхати истеъмолчининг объектларида техник имкониятлар мавжуд бўлганда иккиласмчи энергия ресурсларидан фойдаланишни назарда тутилган ҳолда берилади.

142. Табиий газни сарфлаш меъёрлари истеъмолчи томонидан тасдиқланади ва газдан самарали ва оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши, такомиллаштирилиши керак.

143. Йил мобайнида тасдиқланган меъёрлар ускуналар алмаштирилган ёки реконструкция қилинган, буюмларнинг (жихоз) турлари, фойдаланадиган хомашёнинг таркиби ўзгарган ҳолларда газ сарфининг ўзгаришига сабаб бўлган ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш бўйича зарур ташкилий-техник тадбирлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

144. Табиий газни сарфлаш меъёрларига риоя қилиниши ҳамда ундан самарали ва оқилона фойдаланиш юзасидан ички назорат табиий газни истеъмол қилувчи ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

#### **14-боб. Газ таъминоти ташкилотининг табиий газ ҳисобот балансини тузиш тартиби**

145. Газ таъминоти (газ узатиш) ташкилоти газ тақсимлаш тармоқлари орқали олинган табиий газнинг қабул қилинган ва тақсимланган ҳажми бўйича ҳисобот балансини (кейинги ўринларда – табиий газ баланси) тузади.

146. Ҳисобот даври учун табиий газ баланси олинган табиий газ умумий ҳажмини табиий газни умумий тақсимланган ҳажмлари йифиндисига тенглиги асосида қуидагилар бўйича аниқланади:

истеъмолчиларга сотилган табиий газ ҳажми (шу жумладан, ноқонуний фойдаланиш ҳолатларида истеъмолчилар томонидан сарф қилинган газ ҳажми);

фойдаланиш ва технологик эҳтиёжлар учун сарфланган табиий газ ҳажми (қонунчилик хужжатларида ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади);

табиий газни йўқотиш ҳажмлари (қонунчилик хужжатларида ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади);

табиий газнинг газ тармоқларида технологик қолдиқлари;

қабул қилинган ва тақсимланган табиий газ ҳажмлари орасидаги мусбат ва манфий фарқлар.

147. Мусбат фарқ вужудга келганды, яни тақсимланган табиий газ ҳажми қабул қилинган табиий газ ҳажмидан ортиқ бўлганда, мазкур фарқ ҳисоботда маълумот ўрнида кўрсатилиб, етказиб берилган табиий газ ҳажмига (ҳажм ошмаган ҳолда) таъсир қилмайди.

148. Манфий фарқ вужудга келганида, яни тақсимланган табиий газ ҳажми қабул қилинган табиий газ ҳажмидан кам бўлганда, мазкур фарқ ҳисоботда табиий газ таннархига қўшиб ҳисобланади. Бунда узоқ вақт давомида табиий газнинг талон-тарож қилиниши оқибатида аниқланган табиий газ ҳажмлари ҳисобот даври якунида табиий газ ҳажмидаги вужудга келган манфий фарқ ҳисобидан чиқарилади.

149. “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ бошқарув органлари томонидан ҳар бир ҳисобот йили якунида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда табиий газ балансида вужудга келган фарқлар юзасидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

манфий фарқнинг қолдиқ ҳажми кейинги ҳисобот ойлари якуни билан асосланган ҳолда техник ҳисоботларда олиб борилади, асосланмаган газ ҳажмлари эса газ таъминоти ташкилотининг келгуси давр табиий газ балансига ўтказилади;

мусбат фарқнинг қолдиқ суммаси жамиятнинг даромади деб тан олинади.

Жамиятларнинг бошқарув органларининг қабул қилинган ва тақсимланган табиий газ ҳажмлари бўйича вужудга келган фарқлар юзасидан қабул қилинган қарори Энергетика вазирлигига тақдим этилади.

150. Газ таъминоти ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойда манфий фарқнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаши ва бунда:

аниқланган ва асосланган манфий фарқ бўйича ҳисобланган газ ҳажмлари асосида қарздорлик кейинги ҳисобот ойи якунига қадар истеъмолчилар кесимида рўйхатини шакллантирилиб газни белгиланган сотиш нархларида ундириш чораларини кўриши;

аниқланган, лекин асосланмаган манфий фарқ бўйича ҳисобланган газ ҳажмлари бўйича кейинги ҳисобот ойига қадар ушбу асоссиз йўқотишларга йўл қўйган газ таъминот ташкилотларининг айбдор ходимлари ёки истеъмолчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур чораларни (шу жумладан ҳисобланган газ ҳажмлари бўйича қарздорликни газни сотиш нархларида ундириш) кўриши шарт.

151. “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларда табиий газ ҳажмлари бўйича юзага келган манфий фарқнинг қолдиқ суммаси факатгина Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида ушбу жамиятларнинг “даврий харажатлари”га ўтказилади.

**15-боб. Табиий газдан фойдаланиш қоидаларини  
бузганлик учун жавобгарлик**

152. Газ таъминоти (газ узатиш) ташкилотлари ва истеъмолчилар мазкур Қоидаларда белгиланган талабларни бузилишига йўл қўйилганлик учун конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига  
илова

**Табиий газни етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган  
стратегик ташкилотлар рўйхати**

**I. Иссиклик электр станциялари:**

1. “Навоий ИЭС” АЖ
2. “Сирдарё ИЭС” филиали
3. “Тошкент ИЭС” АЖ
4. “Янги Ангрен ИЭС” АЖ
5. “Тошкент ИЭМ” филиали
6. “Фарғона ИЭМ” филиали
7. “Толимаржон ИЭС” АЖ
8. “Муборак ИЭМ” филиали
9. “Тахиатош ИЭС” АЖ
- 10.“Тўрақўрғон ИЭС” филиали
- 11.Акса Энерджи Тошкент – 1 ИЭС
- 12.Акса Энерджи Тошкент – 2 ИЭС
- 13.Акса Энерджи Бухоро ИЭС
- 14.Женгиз Энерджи Тошкент ИЭС
- 15.Женгиз Энерджи Сирдарё ИЭС
- 16.Одаш Энерджи Хоразм ИЭС
- 17.Аква Сирдарё – 2 ИЭС
- 18.ЭДФ Сирдарё – 3 ИЭС
- 19.Стоун Сити Энерджи Сурхондарё ИЭС

**II. Кимё саноати корхоналари:**

1. “Навоийазот” АЖ
2. “Максам-Чирчиқ” АЖ
3. “Фарғонаазот” АЖ

**III. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги, “Иссиклик электр стацийлари” АЖ ва маҳаллий  
ижро этувчи ҳокимият органлари тузилмасига кирадиган  
иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш ташкилотлари**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “31” майдаги 319-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори;

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон Фармони)” 2018 йил 30 марта 252-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 6 июндаги 428-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Нефт-газ тармоғида лицензиялаш тартиботларини қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнесни юритиши яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги 444-сон қарорига 6-илованинг 3-банди.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 838-сон қарори.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 28 февралдаги 182-сон қарори.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4058-сон қарори)” 2019 йил 6 марта 195-сон қарорига илованинг 45-банди.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 24 мартағи 243-сон қарори.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг айрим турлари учун тариф сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 майдаги 452-сон қарорига илованинг 2-банди.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон қарори)” 2019 йил 3 июндаги 457-сон қарорига 1-илованинг 32-банди.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 июлдаги 520-сон қарорига 8-илованинг 10-банди.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон қарори)” 2019 йил 9 июлдаги 567-сон қарорига илованинг 4-банди.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида” 2019 йил 30 июлдаги 633-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги 979-сон қарори.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарори)” 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорига илованинг 58-банди.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 196-банди.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Товар хомашё биржалари фаолиятига илгор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 мартағи 170-сон қарорига 4-илованинг 3-банди.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2020 йил 3 июндаги 348-сон қарорига 1-илованинг 10-банди.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 50-банди.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Стратегик ташкилотларни молиявий қўллаб-куватлаш ва уларда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 1 июлдаги 412-сон қарорининг 3-банди.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчма савдо фаолиятига замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳамда савдо автомати орқали чакана савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 августдаги 485-сон қарорига 5-илованинг 4-банди.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг “Яратилган янги иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” 2022 йил 21 декабрдаги 717-сон қарорига 2-илованинг 7-банди.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 июлдаги 294-сон қарорига 4-илованинг 1-банди.

**24.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 15 сентябрдаги 475-сон қарорига 4-илованинг 1-банди.

